

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ  
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА  
МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Марказ директори  
\_\_\_\_\_ И.А.Турсуналиев  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2015 йил

**“Спортда саралаш ва башорат қилиш” модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: П.ф.н. Э.И.Қодиров

**ТОШКЕНТ - 2015**

## **МУНДАРИЖА**

ИШЧИ ДАСТУР .....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТИНИ .....	17
1-мавзу. Кўп йиллик тайёрлов тизимида спортчиларни саралаш ва йўналтириш. ....	17
2-мавзу. Спортда башорат қилиш ва башорат қилиш усуллари.....	36
3-мавзу: Спортчилар тайёрлашни бошқариш.....	53
4-мавзу: Спорт мусобақаларининг тизими .....	75
5-мавзу: Спорт мусобақаларининг тизими .....	84
6-мавзу: Спортчиларнинг спортга яроқлиликни аниqlаш .....	98
7-мавзу. Спортда моделлаштириш ва моделлаштириш усуллари.....	123
Назорат саволлари.....	131
ГЛОССАРИЙ.....	134

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Спортда саралаш ва башорат қилиш” **модулининг мақсади:** тингловчиларда касбий-педагогик фаолиятини замон талабига мослаштириш учун тайёргарликнинг турли босқичларида муваффакиятга эришиш учун зарур спорт натижасини башорат қилиш, спортчининг мусобақа фаолиятини таҳлил этиш ва моделлаштириш, спортчи тайёргарлигининг турли томонларини таҳлил этиш ва моделлаштириш, режалаштирилган натижага эришиш учун йўналтирилган спорт машғулотини таҳлил этиш ва дастурлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

Спортда саралаш ва башорат қилишнинг янгича назарий-амалий услубларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш, уни таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг афзалликлари тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришишдан иборат.

**“Спортда саралаш ва башорат қилиш” модулининг вазифалари:**

- спорт саралови ва йўналтирилиши, спортда башорат қилишнинг методологик ва назарий жиҳатлари ва башорат қилишнинг асосий жиҳатлари билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгилишларни илмий назарий таҳлил этиш ва унинг асосий йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини тингловчиларга етказиш;
- спорт саралови ва йўналтирилиши, спортда башорат қилишнинг методологик ва назарий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган назарий-концептуал масалаларни, бу жараёнда таълим-тарбия ролининг ошиб бориши, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотлар, эришилган ютуқларни олий таълим тизими билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш, таълим-тарбиянинг узлуксизлигини таъминлашнинг шарт-шароити ва омилларини ўрганишдан иборат.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими,кўникмаси малакаси ва компетенсияларига қўйиладиган талаблар**

Спортда саралаш ва башорат қилиш модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчилар:**

- жисмоний тарбия ва спортда фойдаланадиган башорат тушунчаси ва асосий тоифалари ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- спортчиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлик мусобақавий фаолият ва тайёргарликни моделлаштириш маълумотга эга бўлиши;
- кўп йиллик тайёрлов тизимида спортчиларни саралаш ва йўналтириш;
- тренировка жараёнини самарали бошқариш, унда хар хил моделларни қўллаш;
- тайёргарликнинг турли босқичларида муваффақиятга эришиш учун зарур спорт натижасини башорат қилиш бўйича *билимларга эга бўлиши керак*;

### **Тингловчилар:**

- тайёргарликнинг турли босқичларида муваффақиятга эришиш учун зарур спорт натижасини башорат қилиш.
- спортчининг мусобақа фаолиятини таҳлил этиш ва моделлаштириш бўйича билимга эга бўлиш.
- спортчи тайёргарлигининг турли томонларини таҳлил этиш ва моделлаштириш.
- режалаштирилган натижага эришиш учун йўналтирилган спорт машғулотини таҳлил этиш ва дастурлаш бўйича *кўникмаларига эга бўлиши*;

### **Тингловчилар:**

- спорт машғулоти жараёнини ва мусобақаларни ташкил этиш, ўтказиш;
- машғулот юкламаларни оптимал режалаштириш; спортчилар устидан педагогик назорат қилиш;

- спортчилар билан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар олиб бориш,

- спортда саралаш ва башорат қилиш **малакаларини эгаласи;**

#### **Тингловчилар:**

- дарс жараёнида ўз фикрини билдириш ва муҳокамада қатнашиш,
- баҳс-мунозаралар воситасида олинган билимларни амалда қўллаш,
- дарс мавзуси асосида мустақил иш ёзиш,
- спортда илмий-тадқиқот ишларни олиб бориш,
- “Спортда саралаш ва башорат қилиш” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш;
- янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш;
- маъруза, амалий дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш **компетенцияларни эгаласи лозим;**

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Спортда саралаш ва башорат қилиш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

- Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

- ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади.

- бунда мавзуу бўйича талабаларга ДТС асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўнималар тўла қамраб олиниши керак.

- асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг мамлакатимиизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, ижтимоий ҳимоя, спорт ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва спортдаги янги технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги мутаххислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

“Спортда саралаш ва башорат қилиш” модули ўқув режада режалаштирилган “Юқори малакали спортчиларни тайёрлашнинг назарий ва амалий асослари”, “Спортда илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари”, “Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларини меъёрий-хуқуқий асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Жисмоний тарбия ва спорт жаҳон сиёсатининг энг мухим йўналишларидан бири хисобланади. Турли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон спортчилари шохсупада юқори ўринларни олиб давлатимизни хорижий мамлакатларда шон-шуҳратини янада оширмоқда.

Шунинг учун ушбу фан мутаххислик фани хисобланиб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ажralmas бўғинидир.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот				
1.	Кўп йиллик тайёрлов тизимида спортчиларни саралаш ва йўналтириш.	2	2	2	-	-	-		
2.	Спортда башорат қилиш ва башорат қилиш усуллари.	2	2	2	-	-	-		
3.	Спортчилар тайёрлашни бошқариш.	2	2	2	-	-	-		
4	Спорт мусобақаларининг тизими.	4	4	2	2	-	-		
5	Спортга яроқлилигини аниқлаш.	2	2	-	2	-	-		
6	Спортда моделлаштириш ва моделлаштириш усуллари.	4	2	-	2	2	-		
Жами:		16	14	8	6	6	2		

### НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### **1-мавзу. Кўп йиллик тайёрлов тизимида спортчиларни саралаш ва йўналтириш.**

**Режа:**

1. Саралов ва йўналтиришнинг кўп йиллик тайёрлов босқичлари билан алоқаси.

2. Кўп йиллик тайёрловнинг биринчи босқичида бирламчи саралов ва йўналтириш.

3. Кўп йиллик тайёрловнинг иккинчи босқичида бирламчи саралов ва йўналтириш.

Кўп йиллик тайёрлов тизимида спортчиларни саралаш ва йўналтириш. Спортда саралаш ва йўналишини аниқлаш тавсифи, уларнинг назарий ва услубий машқларидаги ўзига хос хусусиятлари.

а) спортда қобилият тавсифи;

- б) олий ютуқ кўрсаткичларининг даражаси;
- в) консерватив ирсий белгиларни ўргатиш (кўрсат-кичларни ўсиш тезлиги ва уларнинг бошланғич даражасига эҳтибор бериш);
- г) алоҳида функцияларнинг ва сифати ўзига хос хусусиятларнинг ривожланиши гетерохронлиги;
- д) берилган спорт тури бўйича мавжуд ҳамма омилларни кўмплексли ўрганиш
- е) педагогик, тиббий-биохимик, психологик ва ижтимоий тадқиқот услубларининг қўлланиш кетма-кетлиги.

Ўсмир ва катта ёшдаги спортчиларни кўп йиллик тайёрлаш босқич танлов ва йўналишини аниқлашнинг боғлиқлиги. Танловни беш босқичга ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги (қонуниятлари). Спортчининг ютуқлари истиқболига, унинг организмидаги генетик (генетиканинг) тасирини аниқлашнинг долзарблиги (унинг ҳамма генлари мажмуи), машқлар билан тайёрлантиришга генетик табиатнинг таъсири.

## **2-мавзу. Спортда башорат қилиш ва башорат қилиш усуслари.**

### **Режа:**

- 1.Спортда башорат қилишнинг методологик ва назарий жиҳатлари.
- 2.Спортда башорат қилишнинг методологик омиллари.
- 3.Башорат қилишнинг асосий жиҳатлари.

Жисмоний тарбия ва спортда башорат қилиш тушунчаси. Спортда башорат қилиш услубияти. Спортдаги башорат қилишнинг илмий методологияси. Спортнинг маълум турида юқори натижаларга эришиш имконига эга бўлган, иқтидорли одамларни қидирув жараёни, спортчиларнинг қобиляти, имкониятлари, маҳоратларини шаклланишининг шахсий хусусиятларидан келиб чиқсан холда юқори спорт маҳоратита эришишнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш. Кўп йиллик тайёрловнинг шахсий структурасини аниқлаш. Маълум бир спортчининг

спорт натижалари савиясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган тайёргарлик ва беллашув фаолиятининг етакчи омилларини аниқлаш,

### **3-мавзу: Спортчилар тайёrlашни бошқариш**

#### **Режа:**

1. Тайёrlаш тизимининг бошқарув асослари.
2. Спорт захиралари тайёrlашнинг бошқарувини ташкиллаштириш.
3. Ёш спортчиларни кўп йиллик тайёrlов босқичлари ва бошқариш технологияси.

Тайёргарлик жараёнини бошқаришнинг мақсади спортчи фаолиятини такомиллаштириш. Юқори ютуқларига эришишни таъминловчи мақсадли тайёргарликни ривожлантириш. Спортчиларнинг ҳолати тўғрисида аҳборот йиғиш. Кўзланган самарага эришишни таъминловчи тренировка ва беллашув фаолияти характеристикаларини режалаштириш ва аниқлаштириш. Тренировка ва беллашув фаолиятидан кўзланган самарага эришишни таъминлаш. Спортчи ҳолатини, машқ ва мусобақа фаолиятини бошқаришнинг самарадорлиги ошириш.

### **4-мавзу: Спорт мусобақаларининг тизими**

#### **Режа:**

1. Умумий тушунча.
2. Мусобақалар ва уларда муентазам қатнашиб бориш.
3. Спорт беллашувларининг турлари.
4. Тайёrlов тизимидағи беллашувлар.

Спортчининг иродасини тарбиялаш. Спорт турларидан олинган тажрибаларни ўрганиш. Спорт соҳасидаги юқори чўққиларни эгаллаш. Спорт мусобақалари олимпиада спортида марказий элементлардан бўлиб, мусобақа фаолиятидаги эришиладиган натижалар учун, спортчининг тайёргарлик усулини ва ташкилотчиликнинг ҳамма тизимини аниқлаш. Мусобақалар,

ташкilotчиликнинг амалда кўринишида, тайёргарликнинг ашёвий-техникавий асосларида, олимпиада спорти учун, саралаш тизимидаги резервларни тарбиялаш. Спорт мусобақаларида спортчиларнинг ва жамоаларнинг имкониятларини максимал даражада амалга ошиши, уларнинг тайёргарлик даражасини солиштириш, энг юқори натижаларни эгаллаш, ғалабалар, рекордлар ўрнатиш. Тажрибаларни амалда такрорлаш имкониятлари, мусобақалар календардаги даврийликни, анъанавийликни, барқарорликни танлаш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Спорт мусобақаларининг тизими**

#### **Режа:**

1. Мусобақа фаолиятининг стратегияси ва тактикаси.
2. Мусобақа фаолиятидаги техника.
3. Мусобақа фаолиятининг тузилиши.

Спортдаги мусобақалар - ёшлар кучлари ва имкониятларини кўрсатувчи восита сифатида. Мусобақада қатнашиш учун, илмий асосланган қонун-қоидаларга риоя қилиш. Спортчи машғулот тайёргарлик ҳолатини ҳархил мусобақа даражаларига қаратиш.

Мусобақаларда иштирок этиш, спортчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига ижобий таъсир қилаши ва тажрибасини, билимини ошириш.

### **2-мавзу: Спортчиларнинг спортга яроқлиликни аниқлаш**

#### **Режа:**

1. Спортга яроқлиликни аниқлаш тизимининг асослари.
2. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг даврлари ва босқичлари.
3. Спортчиларнинг соматик ривожланиши хусусиятлари.
4. Спорт сараловида соматик ривожланишни аниқлаш услубияти.

Спортда қобилият ва талант муаммосини кўриб чиқиш. Салоҳиятни аниқлаш ва уни тўғри қўллаш. Спортга яроқлиликни аниқлаш. Маълум спорт турида муваффақиятли такомиллашишини таъминлаш. Спортчининг қобилиятини ҳар томонлама ўрганиш.

### **3-мавзу. Спортда моделлаштириш ва моделлаштириш усуллари**

#### **Режа:**

1. Мусобақа фаолиятидаги моделлаштириш ва спортчиларнинг индивидуал хусусиятларига кўра тайёргарлиги.
2. Моделлаштириш усуллари.
3. Спорт амалиётида моделлаштириш усулини қўллаш.

Тренировка жараёнини самарали бошқариш. Моделни ишлатиш ва қайта ишлаш натижасида моделлаштириш. Спортга тайёргарлик жараёнида ва беллашувларда қатнашиш модел характеристини ўрганиш, аниқлаш, ишлатиш.

Моделлаштириш-ташкилотчиликда мухим омил сифатида, спортчи тайёргарлигини режалаштириш. Исталган даражадаги ютуқларга эришишга имкониятлар яратиш. Берилган вазифаларни тўғри ечишда, машқларда фойдали воситаларни тўғри ишлатиш.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

#### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

-тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикаси «Миллий кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги Қонун 1997 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спортни чора тадбирлари тўғрисида”. Тошкент ш. 1999 йил 27 май.
4. “Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни 2000 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш Жамғармасини тузиш тұғрисида”. Тошкент, 2002 й. 24 октябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битиравчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

## **II. Махсус адабиётлар.**

1. Баландин В.И., Блудов Ю.М., Плахтиенко В.А. Прогнозирование в спорте. М.ФИС.,1986.
2. Бальсевич Б.К. Методологические принципы исследований по проблеме отбора и спортивной ориентации. – Теория и практика физической культуры, 1980, № 1, с 31-33.
3. Бриль М.С. Отбор в спортивных играх.- М.: Физкультура и спорт, 1980.- 127 с.
4. Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов. М., ФИС. 1988. 331 с.
5. Волков В.М., Филин В.П. Спортивный отбор М., ФиС, 1983. 173 с.
6. Волков Л.В. Теория спортивного отбора: способности, одаренность, талант. — К.: Вежа, 1997. —128 с.
7. Волков Л.П. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев. Олимпийская литература. 2002. 294 с.
8. Годик М.А. Контроль тренировочных и соревновательных нагрузок. – М.: Физкультура и спорт, 1980. – 136 с.
9. Губа В.П. Основы распознавания раннего спортивного таланта. Учебное пособие для высших учебных заведений. Терра-спорт. М.: 2003. - 206 с.
10. Гужаловский А.А. Проблемы теории спортивного отбора // Теория и практика физической культуры – 1986. - №8, С. 24-25.
11. Гуломов С.С. Высшая школа. Взаимодействие традиционных и новаторских методов обучения газ. Правда Востока № 55-56 от 21.03.03.
12. Дал-Монте А., Фаина М. Специальные требования к оценке функциональных возможностей спортсменов // Наука в олимпийском спорте. – 1995. - № 1 (2). – с. 30-38.
13. Доля Г.В., Сапранова И.С., Фраер В.А. Вопросы методологии прогнозирования спортивных достижений. Матер. Всесоюзн. симп. М.: 1996.
14. Железняк Ю.Д. Система планирования и комплексного контроля в специализированных детско-юношеских школах олимпийского резерва, М.: МОГИФК, 1982.
15. Железняк Ю.Д., Петров П.К. Основы научно- методической деятельности в физической культуре и спорте: Учеб. пособие для студ. в высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. – 264 с.
16. Запорожанов В.А., Платонов В.Н. Прогнозирование и моделирование в спорте // Теория спорта. \_ К.: Вища шк., 1987.-с. 350-371.
17. Запорожанов В.А. Основы управления спортивной тренировкой // Современная система спортивной подготовки. –М.: СААМ, 1995. – 52 с.
18. Иванов В.В. Комплексный контроль в подготовке спортсменов.- М.,ФИС,1987.-256 с.
19. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти.Тошкент-2001,285 б.
20. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. «Zar qalam» нашриёти, 2004. – 334 б.

21. Керимов Ф.А, Умаров М.Н. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. ЎзДЖТИ нашриёт матбаа бўлими. 2005. -279 б.
22. Келлер В.С. Соревновательная деятельность в системе спортивной подготовки // В кн. Современная система подготовки. - М.: СААМ, 1985.- с 41-49.
23. Кузнецов В.В., Новиков А.А., Шустин Б.Н. Научные основы создания «моделей сильнейших спортсменов».- В сб.: Проблемы современной системы подготовки высококвалифицированных спортсменов: - М.: ВНИИФК, 1995, вып. 2, с. 24-26.
- 24.Лях В.И. Координационные способности: диагностика и развитие. – М.: ТВТ Дивизион, 2006. – 290 с.
25. Матвеев Л.П. Общая теории спорта. Учебник - М.: 1997. -387 с.
26. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов: Учебное пособие - Киев: Олимпийская литература, 1999. -317 с.
27. Мирзоев О.М. Восстановительные средства в системе подготовки спортсменов. –М.: Физкультура и спорт, 2005. – 220 с.
28. Новиков А.А., Шустин Б.Н. Тенденция исследования соревновательной деятельности в спорте высших достижений // Современный олимпийский спорт: Тезисы докладов межд. науч. Конгресса. – К., 10-15 мая 1993 г. стр. 167-170.
29. Озолин Н.Г. Настольная книга тренера: Наука побеждать / Москва АСТ АСТРЕЛЬ 2004. 864 с.
30. Педагогическое физкультурно-спортивное совершенствование: Учебнопособие для студ.высш.учеб.заведений / Ю.Д.Железняк, В.А.Кашкаров, И.П.Кравцевич идр.; Под ред.Ю.Д.Железняка. – 2-е изд.испр..- М.: Издательский центр «Академия», 2005. – 384 с.
31. Платонов В.Н., Булатова М.М. Физическая подготовка спортсмена. – К.: Олимпийская литература, 1995. – 320 с.
32. Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Общая теория и её практические приложения – Киев: Олимпийская литература, 2004 - 808 с.
33. Саламов Р.С. Спорт машғулотларини назарий асослари.-Тошкент, ЎзДЖТИ нашриёт матбаа бўлими, 2005. – 238 с.
34. Сахновский К.П. Начальная спортивная подготовка // Наука в олимпийском спорте. – 1995. - № 2 (3) . – 17-23.
35. Селуянов В.Н., Шестаков М.П., Космина И.П. Основы научно-методической деятельности в физической культуре: Учебн. Пособие для студентов вузов физической культуры: -М: СпортАкадем Пресс, 2001. – 184 с.
36. Теория и методика физического воспитания. Учебник для высших учебных заведений физического воспитания и спорта (в 2-ой том). Под. ред. Круцевич Т.Ю. Издательство «Олимпийская литература». Киев: 2003. с.
37. Теория и методика физической культуры: Учебник / Под. Ред. проф. Ю.Ф. Курамшина. – 3 - е изд. стереотип. – м.: Советский спорт, 2007. – 464 с.

38. «Фан спортга» Научно-теоретический журнал Ташкент.: УзГИФК 2001-2008 № 1-4
39. Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания. М.: ACADEMA 2003 -479 с.
40. Чебураев В.С. Прогнозирование в видах спорта со сложной координацией движений // Основы теории прогнозирования спортивных достижений.-ВНИИФК,1983.- с 36-46.
41. Шустин Б.Н. Моделирование и прогнозирование в системе спортивной подготовки // Современная система спортивной подготовки. - М.: СААМ, 1995,- с 226-237.
42. Юнусова Ю.М. Основы методики физической культуры. Издательство Литературного Фонда Союза Писателей Узбекистана. Ташкент. 2005. – 207 с.
43. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Тошкент, «Абу Али ибн Сина», 2002 - 222 б.

Календар режа

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Машғулот түри</b>	<b>Соати</b>	<b>Ўтказилиш муддати</b>
1.	Кўп йиллик тайёрлов тизимида спортчиларни саралаш ва йўналтириш.	Маъруза	2	Олтинчи ҳафта
2.	Спортда башорат қилиш ва башорат қилиш усуллари.	Маъруза	2	Олтинчи ҳафта
3.	Спортчилар тайёрлашни бошқариш.	Маъруза	2	Олтинчи ҳафта
4.	Спорт мусобақаларининг тизими.	Маъруза	2	Олтинчи ҳафта
		Амалий	2	Еттинчи ҳафта
5.	Спортга яроқлилигини аниқлаш.	Амалий	2	Етинчи ҳафта
6.	Спортда моделлаштириш ва моделлаштириш усуллари.	Амалий	2	Етинчи ҳафта

## **МАЪРУЗАЛАР МАТИНИ**

### **1-мавзу. Кўп йиллик тайёрлов тизимида спортчиларни саралаш ва йўналтириш.**

**Режа:**

- 1.** Саралов ва йўналтиришнинг кўп йиллик тайёрлов босқичлари билан алоқаси.
- 2.** Кўп йиллик тайёрловнинг биринчи босқичида бирламчи саралов ва йўналтириш.
- 3.** Кўп йиллик тайёрловнинг иккинчи босқичида бирламчи саралов ва йўналтириш.

**Тайанч иборалар:** Спорт саралови, Спорт йўналтирилиши, Кўп йиллик тайёрлов, соғлиқнинг ҳолати ва жисмоний ривожланганлик даражаси, гавданинг тузилиши, биологик етукликнинг хусусиятлари, асаб тизимининг хусусиятлари, спорт техника, тактика, қайта тикланиши, тезкорлиги, қобилияти, мотивация, беллашув тажрибаси, спорт маҳорати.

#### **Саралов ва йўналтиришнинг кўп йиллик тайёрлов босқичлари билан алоқаси**

Замонавий спортнинг натижалари даражаси шу қадар юқорики, уларга эришиш учун спортчи камёб марфологик хусусиятларга, жисмоний ва психологоик мажмуа жиҳатларининг мутаносиблиги каби талабларга жавоб берниши керак ва улар албатта, ривожланишнинг энг юқори савијасида бўлиши лозим. Бундай уйғунлик, кўп йиллик тайёрловни энг оқилона равишда тузилганига ва зарур шароитларнинг барчаси яратилганига қарамасдан жуда кам учрайди. Шунинг учун, олий тоифадаги спортчиларни тайёрлов тизимининг энг марказий масаласи спортчиларни саралаш ва йўналтиришдир.

**Спорт саралови - спортнинг маълум турида юқори натижаларга эришиши имконига эга бўлган, иқтидорли одамларни қидирув жараёни.**

**Спорт йўналтирилиши-спортчиларнинг қобиляти, имкониятлари, маҳоратларини шаклланишининг шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда юқори спорт маҳоратита эришишининг истиқболли йўналишиларини аниқлаш. Йўналтириши, маълум спорт тури доирасига**

*тор спорт мутахассислигига (сиринтер-стайер, ҳимоячи-хужумчи ва х.к.);*

- кўп йиллик тайёрловнинг шахсий структурасини аниқлашга, юкламалар динамикаси ва ўсиш жадаллигига;
- маълум бир спортчининг спорт натижалари савиясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган тайёргарлик ва беллашув фаолиятининг етакчи омилларини аниқлашга;
- спортчини қобилятини ривожланишига, унинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган воситалар, юкламалар, усулларни танлашга тегишли бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, спорт саралови келажакда буюк спортчиларни таёrlаш мумкин бўлган истиқболли одамларни аниқлаш масаласини ечса, спортга йўналтириш эса ушбу тайёрловнинг ўқитиш ва спорт машғулотлари тизимидағи стратегияси ва тактикасини аниқлайди.

Саралов ва йўналтириш спортчи маҳоратини кўп йиллик давомида такомиллаштириш структураси билан яқинда боғланган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, кўп йиллик тайёрловнинг маълум босқичида спортчилар кўйилган масалаларни еча оладиларми деган саволга жавоб олиш учун сараловнинг беш босқичигина алоҳида кўрсатиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Ушбуларга мос равишда, ҳар бир босқичда сараловнинг асосий вазифаси белгиланади (жадвал).

### **Спорт сараловининг кўп йиллик тайёрлов босқичлари билан алоқаси**

Спорт саралови		Кўп йиллик тайёрлов босқичи
Босқич	Вазифалар	
Бирламчи	Танланган спорт турида спорт такомиллашувини мақсадга мувофиқлдигини аниқлаш	Бирламчи
Бошлангич	Самарали такомиллашишга лаёқатларни аниқлаш	Бошлангич

Оралиқ	Юқори спорт натижаларига эришиш, тренировка ва беллашувларнинг катта юкламаларига чидаш қобилияtlарини аниклаш	Ихтисослашган
Асосий	Халқаро тоифадаги натижаларга эришиш қобилияtlарини шаклланиши	Шахсий имкониятларни максимал амалга ошириш
Якуний	Эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва яхшилаш	Натижаларни сақлаб туриш

Келтирилган саралов босқичларининг ҳар бири учун ўз усуллари ва мезонлари, баҳоларининг аниклиги ва хулосаларнинг холислиги ва қатъийлиги мавжуд. Масалан: агар сараловнинг биринчи босқичида шуғулланувчиларнинг антропометрик ва морфолик кўрсаткичлари катта ўрин тутса, охирги, бешинчи босқичда бу кўрсаткичлар деярли эътиборга олинмайди, асосий эътибор эришилган спорт ютуқларига, юкламалар катталиги ва характерига, спортчиларнинг психологик жиҳатларига, уларнинг ижтимоий ҳолати ҳамда спорт билан шуғулланишни давом эттириш сабабларига қаратиласди.

Сараловнинг биринчи ва бошланғич даврида спорт билан шуғулланишни таъқиқловчи тавсиялар бўлмаган ҳолда, баҳолар асосан тахминий ва тавсиявий характерга эга бўлса, кейинги босқичларда улар аникроқ бўлиб боради. Бу маълумотлар билан мажмуавий тадқиқотлар натижалар йиғиндиси асосланган хулосалар чиқариш учун асос бўлади.

Спорт сараловининг ҳар бир босқичида нафақат спортчини тайёрлашни мақсадга мувофиқлиги аникланади, балки, спортчининг қобилияти ва имкониятлари, техник тактик маҳоратининг кучли ва заиф томонлари, функционал тайёргарлиги харакат сифатларининг ривожланлиги, психологик хусусиятларга тўла баҳо берилади, ўтилган босқич чуқур таҳлил қилинади унинг йўналиши, катталиги ва юкламалар характеристи, уларни спортчининг шахсий хусусиятларига мослиги ўрганилади. Мазкур маълумотларнинг барчаси кўп йиллик тайёрловнинг навбатдаги босқичида йўналтириш учун

асос бўлади. Шундай қилиб спорт сараловининг босқичлари спорт йўналтирилиши билан уйғуналашиб кетади.

Спорт саралови ва йўналтириш-спорт фаолиятини такомиллаштириш нинг бирон босқичидаги бир лаҳзалик ҳодиса эмас, балки спортчини кўп йиллик тайёрловнинг қамраб олган узлуксиз жараён эканлигини эътиборга олиш муҳимдир. Бу одамнинг ривожланиши (ўсиши) ёки кўп йиллик тайёрловнинг маълум босқичидаги имкониятларни аниқ аниqlашни иложи йўқлиги, ҳамда қобилият кўринишидаги насли омиллар ва маҳсус тайёргарлик натижаси бўлган тарбияланган омилларнинг ўзаро муносабатининг мушкул характери билан белгиланади. Хатто, қандайдир фаолият туридаги қобилиятлари. фақат спорт билан шуғулланиши учун катта имкониятга асос борлиги белгиси бўлиб хизмат қиласи. Ҳақиқий қобилиятлар эса фақат ўргатиш ва тарбиялаш жараёнидагина аниqlаниши мумкин ва улар туғма тарбияланган биологик ва ижтимоий-диалектик бирликнинг хосиласидир.

**Саралов ва йўналтириш жараёнида спортчи тўғрисида тўла маълумот олиш имконини берадиган турли тадқиқотлар олиб борилади:**

- соғлиқнинг ҳолати ва жисмоний ривожланганлик даражаси;**
- гавданинг тузилиши;**
- биологик етуклиknинг хусусиятлари;**
- асад тизимиининг хусусиятлари;**
- функционал имкониятлар ва организмнинг муҳим тизимларини ривожланиш истиқболлари;**
- ҳаракат сифатларининг ривожланганлик даражаси ва уларни такомиллаштириш истиқболлари;**
- спорт техника ва тактикасини ўзллаштириш қобилиятлари, ҳаракат кўникмалари ва техник- тактик схемаларни ўзгартира олиш;**
- машғулот ва беллашув юкламаларини кўтара олиш, қайта тикланиш жараёnlарини тезкорлиги қобилияти;**

- мушак - харакат ва фазовий- вақти дифференциациясига, вазиятни тезкор баҳолаш ва керакли қарорларни қабул қила олиш психофизиологик қобилиялар;
- мотивация, меҳнатсеварлик, қатъиятлик,... тайёрлик.
- беллашув тажрибаси, ҳамкорлар ва рақибларга, ҳакамликнинг хусусиятларига кўника билиш,
- спорт маҳорати даражаси ва уни муҳим беллашувлар учун характерли бўлган экстремал шароитларда қўллай билиш.

Саралов ва йўналтиришни маълум босқичининг вазифалари ҳар бир кўрсатилган йўналишлар бўйича олинган маълумотларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди. Масалан, соғлиқ хақидаги маълумот беш босқичнинг барчаси учун бир ҳилда муҳим. Гавданинг тузилиши, асад тизимининг хусусиятлари, организмнинг муҳим функционал тизимлари имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари ҳақидаги маълумотлар, ёш спортчини маълум спорт турига лаёқати келажак мутахассислиги аниқланаётганда, кўп йиллик тайёрлов жараёни йўналтирилаётганда айниқса муҳим бўлади. Спорт натижалари дарижаси, оғир шароитларда юқори кўрсаткичларга эриша билиш қобилияти, беллашув тажрибаси, маълум мусобақаларнинг шароитга кўника билиш қобилиялари тўртинчи ва бешинчи босқичларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Инсоннинг харакат фаолияти кўп жиҳатдан генетик негизга эга, бу айниқса спортда яққол кўринади. Генларнинг катта ўрин эгаллаши табиидир, чунки ген организмнинг барча кимёвий реакцияларини бошқариб ва унинг белгиларини аниқлаган ҳолда, маълум оқсил, фермент ва бошқаларнинг синтези жараёнига замин яратади.

Генларнинг ажойиб хусусияти, уларнинг авлоддан авлодга ўтганда (ўзгармаслиги) ва худди шу вақтда мутацияларга-организмнинг генетик ўзгарувлигининг манбаси бўлган наслий ўзгаришларга мойиллигидир. Шундай қилиб, спорт саралови ва йўналтирилиши учун спортчи организмининг генотипини келажакда спорт натижаларига эришиш

истиқболларини аниқлаш мухим ўрин тутади. Хусусан, инсоннинг мароффункционал белгилрини мерослаш, харакат функцияларини кўрсаткичлар, генотилни инсоннинг сифатларига таъсири, ушбу кўрсаткичларнинг нисбатида оиласвий ўхшашликнинг мавжудлиги кабиларни аниқлаш долзарб масаладир.

Ўтган ўн йилликлар давомида олиб борилган қўп сонли тадқиқотлар, насл ва ташқи мухит таъсири остида шаклланган организм хусусиятлари сифатидаги спортчи фенотипининг шаклланишига генотик катта таъсир ўтказишини кўрсатади. Инсоннинг мороффункционал белгилари ва харакат сифатларини наслдан наслга ўтиши тўғрисидаги умумий тасавурларни жадвалдаги маълумотлар бериши мумкин.

### **Инсоннинг асосий мороффункционал белгиларининг наслийлиги**

<b>Белги</b>	<b>Наслийлик</b>
Тана, қўл ва оёқлар узунлиги	Юқори
Гавда, елка ва елка олди узунлиги	Юқори
Елка ва тоз кенглиги	Катта
Бўйин, елка, елка олди, сон, болдирилган айланаси	Ўрта
Тана вазни	Катта
Мушакларнинг БС- ва МС тўқималари нисбати	Юқори
Анаэроб ишлаб чиқариш	Катта
Аэроб ишлаб чиқариш	Катта

Ушбу маълумотларни спортчи функционал салоҳиятининг бир қатор мухим кўрсаткичларига нисбатан наслий мерос ваоиласвий ўхшашликни тажрибавий баҳолаш натижалари билан тўлдириш мумкин.

### **Инсоннинг асосий харакат сифатларининг наслийлиги**

<b>Белги</b>	<b>Наслийлик</b>
Оддий харакат таъсирчанлиги вақти	Юқори
Оддий харакатлар вақти	Катта
Максимал статик куч	Катта
Максимал динамик куч	Ўрта
Тезлик кучи	Катта

Координация	Ўрта
Эгилувчанлик	Катта
Локал мушак чидамлилиги	Катта
Глобал мушак чидамлилиги	Юқори

Монозигот ва дозгот егизаклар, ота-оналар ва болалар, ака-ука ва ака-егизаклар иштирокида тажрибалар спорт учун муҳим бўлган белгиларга наслий мерос ва оиласвий ўхашашликнинг таъсири борлигини аниқлашга имкон берад. Турли тадқиқотчилар томонидан келтириладиган натижаларда анчагина мос келмасликлар мавжуд бўлишига қарамасдан VO<sub>2</sub>/мах нинг оқилона тренировка 20-25%га спортчининг генотипи сабаб бўлади. Бу маълумотларга наслий мероснинг кислород пульси кўрсатгича, юрак уришига, таъсири ҳам мос келади.

Оиласвий ўхашашликнинг спортдаги ютуқларга таъсирини ота-оналар ва болаларининг ака-ука ва опа-сингилларнинг кўп марталаб муваффақиятларга эришишганликлари ҳоллари тасдиқлайди. Спортни исталган турида бунга мисол топса бўлади, лекин бунда, оиласвий ўхашашликларнинг таъсири нафақат генларга, бир-бирига ўхашаш оила аъзоларида, балки оиласвий муҳит учун умумий бўлишини этиборда тутиши керак, хусусан, спортга муносабатни, баъзи оила аъзолари орасидаги рақобатни ва х.к.

### **Инсоннинг асосий морбофункционал белгиларининг наслийлиги**

Кўрсаткич	Наслийлик	Оиласвий ўхашашлик
Максимал кислород истеъмоли	Катта	Катта
Юрак ҳажми	Катта	Юқори
Систолик ҳажм ва юрак ташлаши	Юқори	Юқори
Мушак тўқималари таркиби	Катта	Юқори
Мушакнинг оксидлаш салоҳияти	Катта	Юқори
Липид субстратларнинг оксидланиши	Юқори	Юқори
Липидларнинг жалб қилиниши	Юқори	Юқори

Генотип, маълум маънода спортчининг қандай меъёрга тайёрланганлигига сабаб бўлади. Масалан, ёшижинси бошланғич тайёргарлик меъёри бир хил шахслар, стандарт тренировия дастурларидан турлича

таъсиранадиган: спортчининг оэрб имкониятларини давомий тайёрлаш баъзиларда VO<sub>2</sub>max (1л/мин гача)ни кескин кўпайишига сабаб бўлса, бошқаларда умуман ўзгаришлар қузатилмайди. Шу вақитнинг ўзида, 10 шуосат монозигат эгизаклар орасида 20 ҳафта давомида ўтқазилган тадқиқотлар ҳар бир монозигат жуфтликда адактив натижанинг юқори даражадаги ўхшашлигини кўрсатди.

Умуман олганда, тайёрланганлик даражасига генетик таъсирининг табиати ҳалигача ўрганилмаган. Лекин ишонч билан таъкидлаш мумкинки, куч, тезлик, оэрб ва анаэроб йўналишдаги машғулотларига, адакциоан таъсири генетик омиллар туфайлидир. Бир шахслар машғулотлар таъсири остида тез кўникмалар хосил қилиши мумкин, бошқалар ўрта, учинчилар-суст.

### **Кўп йиллик тайёрловнинг биринчи босқичида бирламчи саралов ва йўналтириш**

Тайёрловнинг биринчи босқичида спорт саралови услубияти сараловнинг биринчи поғонасида болага мос бўлган спорт турини тўғри танлашга йўналтирилган. Мазкур масалани тўғри ечимини топиш нафақат болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг, мураббийларнинг унумли фаолият кўрсатаётганини кўрсатади, балки у чуқур ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Спорт машғулотларида муваффақиятга эришиш ёш одамга табиий қобилиятларини очиш, ўз меҳнати натижаларини ҳис этишга ва ўз кучига ишонишга ёрдам беради. Буларнинг барчаси келажак ҳаётга яхши асос солиш ва фаолиятнинг исталган соҳаларида фаол иштирок этиш имкониятларини яратади.

Боланинг спортда ютуқларга эришишидаги асосий омиллардан бири, бу унинг қайси ёшдан бошлаб шуғулланаётганлигидир.

Етук спортчиларнинг қўпчилиги айнан шу ёшдан шуғулланишни бошлаганлар. Баъзи ҳолларда, ёши белгиланган чегарадан бироз ўтган болаларни спорт секциясига қабул қиласлик ҳам мумкин эмас. Масалан, машхур чанғичи Г.Кулякова спорт билан шуғулланишни 20 ёшда бошлаган,

конкида югуриш бўйича олимпиада чемпиони Г.Степанская 17ёшида, велосипед спортида ном чиқарган Н.Горелов, В.Каменский, А.Чукановлар 17-18 ёшда бошлаганлар.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳоннинг кўпгина давлатларининг спорт мактабларида юқори натижалар спортини сунъий равища ёшартириш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳол, болалар- ўсмирлар спорт мактабларининг дастурларида, мусобақалар тизимида, ёши катта спортчилар учун турли чегаралар киритишда ўз аксини топмоқда. Тажрибанинг кўрсатишига, бундай ёндашув, салбий оқибатларга олиб келади. Ушбу ҳолатга кўп марталаб мутахассислар эътибор қаратганлар ( В.У.Чудин, 1976; Платонов,1980; 1986; Бугаков, 1976, 1986; Сахновский, 1995 ва бошқалар), улар сувний “ёшартириш” спорт саралови ва кўп йиллик тайёрловнинг қонуниятларини бузилишига олиб келиштни кўрсатганлар. Масалан, В.И.Чудинов (1976) спортчиларнинг спорт билан шуғулланишни бошлаган ёши фақатгина 13% ҳолдагина “белгиланган” ёшга (болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг дастурида келтирилган) тўғри келишини кўрсатиб ўтган. Спортнинг кўп турларида етук спортчиларнинг машғулотларни бошлаган ёши “белгиланган” ёшдан 3,5 ёшга кўп бўлиб фарқланади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, болаларни машғулотларга 6-7ёшидан жалб қилаётган спорт мактабларининг раҳбарлари қуидагини эътиборга олишлари лозим. Биринчидан, спортга лаёқатлиликни олдиндан аниқлаш, маълумотларининг ишончи бўлиш эҳтимолини пасайтиради. Иккинчидан, замонавий спорт машғулотнинг хусусиятлари спортчи организмига шундай юқори талаблар қўймоқдаки, натижада спорт билан шуғулланишни эрта бошлаган болалар спортдан эрта кетиб қолмоқдалар. Ҳақиқатдан ҳам, қузатувларнинг кўрсатишига қараганда машғулотларни 6-8 ёшдан бошлаган болалар, кўп ҳолларда спортдан 15-27 ёшда, яъни юқори натижаларга эришиш учун энг оқилона ёшга етганларида чиқиб кетмоқдалар.

Хозирги вақтда, жаҳоннинг турли мамлакатларида 3-5 ёшли болаларни ва ҳаттоғи гўдакларни сузишга ўргатишга интилиш бор. Баъзи болалар спорт мактаблари машғулотларига болалар боғчасидагиларни жалб қилмоқдалар.

Сузиш ёки чанғида юриш воситасида болаларни соғломлаштириш, баркамол тарбиялаш мақсадида бундай ёндашув мақсадга мувофиқдир. Лекин, ёш болалар билан ишлашга спорт йўналишини бериш керак эмас, афсуски амалиётда бунинг акси бўляяпти. Мазкур савол бўйича маҳсус тадқиқотлар ўтказилмаган, лекин нисбий маълумотларни кўрсатишича, 4-6 ёшли болалар билан спорт ишини ташкил этиш, натижасиз якунланмоқда ва ҳатто болаларни келгуси спорт такомиллигига эришишларига зарар етказмоқда. Амалиётнинг кўрсатишича, юқори натижалар спортига болаларни жалб қилишни 2-2,5 йилга эрта бошлагандан кўра, кечроқ бошлаган маъқулроқ.

Ҳар бир спорт турининг ўзига хослиги шуғулланишни бошлашни оқилона вақтини аниқлайди, бу ўз навбатида, саралов ва йўналтириш тизимиға ўз таъсирини ўтказади. Кўриниб турибдики, келтирилган тавсиялар турли спорт тури билан шуғулланишни бошлаш бўйича маълумотларга мос келмоқда.

Болаларни болалар - ўсмирлар спорт мактабига қабул қилиш учун сараловнинг зарур шарти, уни болаларни аввало спорт тури тўғрисида тассаввур берувчи мажбурий машғулотлардан кейин ўтказишидир. Бундай машғулотлар 30 та дарсдан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадбир, болаларга бир томондан ҳаётда керак бўладиган кўнималар берса, бошқа томондан, болаларнинг истиқболини баҳолаш самарасини оширади. Оммавий ўқитиш бўлмаса, спорт турлари бўйича лаёқатга эга болаларни саралаш қийин кечади, болани югуришга ёки велосипед учишга иқтидори борми деган саволга жавоб топиб бўлмайди.

Болаларнинг истиқболини баҳолаш вақтидаёқ юқори натижалар спортда муваффақиятга эришишни таъминлайдиган сифат ва қобилиятларга эътибор бериш муҳим, вақтинча характерга эга бўлган ва фақат ўргатиш

вақтида юзага чиқиши мумкин бўлган белгиларни саралов мезони сифатида қўллаб бўлмайди. Масалан, қобилиятларни аниқлаш вақтида спорт турини техникасини тез ўзлаштириш хусусияти ҳал қилувчи бўла олмайди. Тажрибаларнинг кўрсатишича бошланғич ўқитиш вақтида паст бўйли, қотмадан келган болалар спорт техникасини яхши ўзлаштиради, натижаларга эришади. Лекин, худди шу болалар кўп йиллик тайёрловнинг биринчи босқичларида кам истиқболли сифатида кейинги босқичларга ўта олмайдилар. Айни вақтда, озғин ва баланд бўйли болалар, кўпинча бошланиш даврида техникани эгаллашда қийинчиликларга дуч келсаларда, кейинчалик спортнинг турли йўналишларида олий маҳоратли спортчи бўлиб етишадилар.

Шунинг учун, сараловнинг бошланғич даврида ўзгармас (ўсиш даврида кам ўзгарадиган ва машғулот таъсирига кам боғлиқ бўлган) белгиларга эътибор бериш лозим. Бундай талабларга, морфологик кўрсаткичлар жавоб беради. Н.Ж.Булгаковнинг(1986) тадқиқотларига кўра 11-12 ва 16-17 ёшдаги болаларнинг бўйлари орасида боғлиқлик мавжуд. 12 ёшли ўғил болалар, келажакдаги бўйи 86% га етадилар. Спортчиларни истиқболини баҳолаш жараёнида «катта ёшдаги бўйнинг» истиқбол кўрсаткичи бўлиб оёқ кафтининг ва панжаларнинг узунлиги хизмат қиласи. Келажакда бўйни аниқлашда, оёқ кафтининг узунлиги бошқа ўлчамлар билан уйғунлашган ҳолда, ҳозирги бўйдан кўра аниқроқ кўрсаткич бўлиб хизмат қиласи.

Турли спорт йўналишларида болаларнинг ютуқларга эришиши имкониятлари белгиларининг кўпчилиги эътиборни тортади. Болаларни спорт мутахассисликларига ажратишда бўй билан гавда оғирлигининг боғлиқлиги динамикаси катта аҳамиятга эга, бу ҳол айниқса оғир атлетикалар ва волейболчилар ўрганилганда яққол кўзга ташланади. Қизиги шундаки, юкламаларнинг катталиги ва йўналтирилганлиги йил давомида бўйнинг ўсишига анча таъсир кўрсатиши мумкин. Махсус тренировка ва беллашув юкламаларининг катта ҳажми, айниқса чарчашни эътиборга олсак, ёш спортчиларни бўйини ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Умумий

йўналишдаги тренировкалар юкламаларини катта бўлмаганлиги, тренировкалардаги танаффуслар, аксинча бўйнинг ўсишига туртки бўлади.

### **Бошланғич тайёрлов гурухларига болаларни қабул қилишининг ёш чегаралари**

Спорт тури	Ёш	Спорт тури	Ёш
Сузиш	7-8	Футбол	10-11
Фигурали учиш	7-8	Гандбол	10-11
Бадий гимнастика	7-8	Сув полоси	10-11
Спорт гимнастикаси (қизлар)	8-9	Қиличбозлик	10-11
Теннис	8-9	Спорт юриши	11-12
Акробатика	8-9	Байдаркада эшкак эшиш	11-12
Спорт гимнастикаси (ўғил болалар)	8-9	Каноэда эшкак эшиш	11-12
Сувга сакраш	8-9	Енгил атлетика	11-12
Чанғида трамплиндан сакраш	9-10	Милтиқдан отиш	11-12
Слалом	9-10	От спорти	11-12
Тезкор тушиш	9-10	Замонавий бешкураш	12-13
Биатлон	9-10	Бокс	12-13
Чанғи пойгаси	9-10	Велосипед спорти	12-13
Чанғи иккикураши	9-10	Оғир атлетика	13-14
Бадминтон	9-10	Стендга отиш	14
Конъкида югуриш	10-11		
Академик эшкак эшиш	10-11		
Баскетбол	10-11		
Волейбол	10-11		
Хоккей	10-11		

Бола гавдасининг умумий ҳажмини ташқи кўриниши билан уйғунлиги визуал баҳолашдан унинг спортга лаёқати ва истиқболини баҳолашни бошлиш керак. Масалан, сузиш ва эшкак эшиш учун баланд бўйли болаларни саралаган маъкул. Эшкак эшишда, гавдаси узун, кулочи ва елкаси катта ўсмирларга эътибор бериш керак. Сузиш учун пропорционал тузилишга эга, бир текис мушакли, енгил суюкли, тонкие лодышки и запястье оёқ кафти вапанжалари катта болаларни ажратиб олишади. Велосипедчилар конкида югурувчиларни саралашда, оғирлиги катта бўлмаган, сон ва болдири

мушаклари яхши ривожланган ўсмирларга кўпроқ эътибор берилади. Тажрибали тренерлар болаларни спортга йўналтиришда худи шу сифатларга аҳамият берадилар.

Аэроб энерготаъминот тизимининг функционал имкониятлари ҳал қилувчи ўрин эгалловчи спорт турларида (chanғида югуриш, узоқ масофаларга югуриш, велосипед спорти) бирламчи саралов жараёнидаёқ VO<sub>2</sub> мах ва ўрта ҳажмли (ў. ҳ. ) кўрсаткичларга баҳо бериш керак. Чанғи спорти билан шуғулланмоқчи бўлган ўсмирлар, VO<sub>2</sub> мах (л- мин -1) даражаси 2-2,5 дан кам бўлмаслиги, 2 мах (мл-кг-мин) нисбий катталик эса 47-50, ўх- 3000-3500 см 3 дан кам бўлмаслиги керак. Морфологик маълумотлар билан уйғунлашган ҳолда ушбу кўрсаткичлар боланинг келажак имкониятлар тўғрисида тасаввур бериши мумкин .

Кейинги йилларда, истиқболли спортчиларни саралов жараёнида мушак биопсиясиюни маълумотлари кенг қўлланилмоқда. Маълумки, кўп даражада спортчини юқори натижалар эришишига мойиллиги мушак структурасига боғлик бўлади. Спринтерларда БС – мушак толалари миқдори жуда кўп бўлиб, у сук мушаклари кўндаланг кесилиши умумий майдоннинг 80% ва ундан ортиқ майдонни эгаллаши мумкин. Ўрта масофаларда бу нисбат ўзгаради ва турли толалар миқдори тенглиги билан ажралиб туради. Стайерларнинг мушак структурасида 80-90% мушакнинг кўндаланг кесими майдони МС-мушак толалари эгаллаши мумкин.

Кўп йиллик тайёрловнинг биринчи босқичидаги саралов жараёнида турли спорт йўналишларида ўтказилган тадқиқотлар натижалари тўғри хulosи чиқаришга ёрдам беради. Таъкидлаб ўтамизки велосипедчиларнинг истиқболлигини аниқловчи барча мезонлар конкида югурувчи спортчиларниги мос келади. Бу иккала тур спорт йўналиши спортчиларга шундай ўхшаш даражада талаблар қўядики, баъзида конкида югуриш бўйича жаҳон биринчиликларида юқори натижага эришган спортчилар велосипед спортида ҳам ютуқларга эришадилар (Шила Янг, Бет Хайден ва бошқ.)

Лекин, ёш спортчиларнинг жисмоний ривожланишининг ҳақиқий савиясига кўрсаткичлар келтирганлари билан мос келмаслиги БўСМ ларга саралаш учун қатъий мезон бўла олмайди, чунки турли фаолиятларда ютуқса эришиш хусусиятлар мажмуаси билан аниқланади ва хаттоки номаъкул таъсир кўрсатувчи, масалан сузиш натижаларига салбий таъсир кўрсатувчи сифатлар бошқа сифатларнинг ўта ривожланганлиги билан компенсацияланади. Мисол тариқасида қуидагиларни келтириш мумкин. 100 ва 200 м. га сузиш бўйича экс жаҳон чемпиони Т.Стокнинг (АҚШ) бўйи 167,2 см, икки карра олимпиада чемпиони Б.Г.Уделланики -173 см, олимпиада чемпиони Д.Нельсонники- 167,2 см, 1500 м.га эркин усулда сузиш бўйича икки кара олимпиада чемпиони М. Бартонники- 171 см 400 ва 800 м. га эркин усулда сузиш бўйича жаҳон рекордини Т.Уикхемники- 156 см ва бошқ. Ушбу сузувчилар, бўйлари паст бўлишига қарамасдан, бошқа ёрқин хусусиятлари эвазига катта ютуқларга эришганлар.

Ёш спортчиларнинг истиқболлиги кўп холларда гавда тузилишининг гидродинамик (сузувчиларда) ва аэродинамик (конкида югурувчилар, велоспедчилар) сифатларига кўра аниқланади, бу сифатлар ўсиш жараёнида ўзгариб бориши эътиборга олинади. Бу сифатлар, айниқса ўрта ва узок масофаларда ютуқса эришиш учун муҳим.

Саралов жараёнинг бошланиш даврида болаларнинг харакатчанлигини аниқлаш имкон берадиган оддий педагогик тестлар кенг қўлланилади. Тезлик сифатларини, орентацеанал қобилияти, аэроб ва анаэроб иш бажаришда чидамлиликни баҳолаш имконини берадиган тестларга устуворлик бериш лозим.

Болаларни саралаш вақтида уларнинг соғлигини баҳолаш катта аҳамиятга эга. Организм фаолиятида четлашувларнинг йўқлиги-замонавий спортга ютуқса эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Хаттоки, соғликдаги кичкина четлашувлар, организмнинг кўнигиш имкониятларини кескин камайтириши мумкин.

Баҳоларни сараловдан ўтказиш жараёning муҳим жойларидан биологик ёшларини таққослашдир. Маълумки, бир хил паспорт ёшидаги болалар ёшидаги болалар орасидаги фарқ, уларнинг жисмоний етилиш даврнинг тезлигига боғлиқ. БЎСМларнинг фаолият тажрибасини кўрсатишига, баъзида биологик тез ривожланган болалар сараловдан ўтадилар, лекин улар ўзларининг устунликларини тез йўқотадилар ва спорт билан шуғуланишни эрта тугатадилар. Спорт фаолиятининг кейинги босчқичларида, одатда, нормал етилаётган ёки ривожланиши бироз суст кечеётган болалар катта муваффақиятларга эришадилар. Бундай болалар 16-17 ёшга етганларида уларнинг организмини функционал имкониятлари кескин ортиши кузатилади, бир вақтнинг ўзида акселератларда меъёрлашув ёки хатто морбофункционал имкониятларининг камайиши кузатилади

Т.С.Тиманованинг (1985)тадқиқотлари натижаларига кўра, спорт устаси нормативини бажарган 12-13 ёшли сузувчи болаларнинг 100 % эрта жисмоний етилган. Юқори натижага 17 ёшли сузувчилар орасида, факат 4,5% биологик етук, 42% эса ривожланиши суст кечган. Мазкур маълумотлар, табийки, саралов ва йўналтириш жараёнида эътиборга олиниши лозим.

Спорт устаси нормативини бажарган болалар ва ўсмирларнинг ярмидан кўпида эрта жинсий етилиш белгилари мавжуд. Халқаро тоифадаги спорт устаси нормативини бажарганлар орасида акселеретлар 20% дан камчилигини ташкил этади.

Одатда, агар жинсий етилишнинг биринчи белгилари, қизларда 8-9 ёшда, ўғил болаларда -10 ёшда пайдо бўлган ҳолда эрта ҳисобланади. Жинсий етилиш ўртacha ҳисобланади, агар биринчи белгилар, қизларда 10-11 ёшда бошланиб 5-6 йил давом этса, ўғил болаларда 12-13 ёшдан 18 ёшгача давом этса, биринчи белгилар, қизларда 13 ёшдан кейин, ўғил болаларда 15 ёшда пайдо бўлса, жараён кечикаётган ҳисобланади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, 11-13 ёшли болаларнинг 15-20% жисмоний ривожланиши эрта бўлади. Улар тенгдошларидан бўй ва

оғирлик, мушак, харакатчанлик күрсаткичлари юқорилиги, айниқса спорт техникасини яхши ўзлаштириш билан устун турадилар. Гарчи, бу фарқлар катта бўлмасада, нормал ривожланаётган болаларга нисбатан-2-4%, ривожланиши сустларга нисбатан-4-8%, бироқ, тренировкалар ҳажми ва натижалар савияси сезиларли даражада устунликка эгалар.

Сараловнинг бошланғич босқичларида спорт фаолиятига майилдорликни психологик күрсаткичларини эътиборга олиш жуда катта аҳамиятга эга. Бошланғич сараловда асосий психологик күрсаткичлар бўлиб, спорт билан шуғулланишга иштиёқ машғулотларни бажариш вақтида юқори баҳолар олишга интилиш, қатъийлик ва тиришқоқлик, таниш бўлмаган машғулотларни бажариш вақтида қўрқмаслик кабилар хизмат қилади.

Таъкидлаб ўтиш керакки, бошланғич сараловда жисмоний сифатларга қараб йўл тутиш кам самаралидир. Асосан улар турғун эмас, тренировка таъсирига боғлиқ ва саралов жараёнида иккиласи ҳисобланади. Бошланғич сараловида, баъзида малакаси етарли бўлмаган тренерлар қўллайдиган, спорт турига хос бўлмаган синовлар ўtkазиш умуман фойда бермайди. Мавсумий спортларда, бу масалан, тортилиш, турган жойдан узокликка сакраш, панжалар динамометриясига ва бошқалар. Бундай тестларнинг натижалари спортчини истиқболлиги мезони бўла олмайди. Жисмоний сифатлар күрсаткичлари болаларни маълум спорт турларига саралашда қўл келиши мумкин. Спорт билан бир ёки ундан кўп вақт шуғуллангандан кейинги даврда олинган жисмоний сифатлар тўғрисида маълумотлар сараловнинг навбатдаги босқичлари вазифаларини ечишда фойдали бўлади.

Болани маълум спорт турига жалб қилиш тўғрисидаги қарор, бир ёки икки белги бўйича эмас, балки барча мезонларнинг мажмуавий баҳоси бўйича қабул қилиниши керак. Кўп йиллик тайёрловнинг ушбу бўғинида мажмуавий ёндашувнинг алоҳида аҳамияти шундай, спорт натижаси бу ерда ёш спортчининг келажак истиқболи тўғрисида деярли ҳеч қандай маълумот бермайди.

## **Кўп йиллик тайёрловнинг иккинчи босқичида бирламчи саралов ва йўналтириш**

Ёш спортчининг истиқболли эканлигини баҳолашнинг асосий мезони унда спортда такомиллашиш учун қобилиятининг мавжудлигидир. Бошланғич тайёрловнинг дастлабки 2-Зйилидан кейин, ҳамда қандайдир спорт туридаги оқилона ёш чегарасига анча етмасдан олдин, ёш спортчининг келажакда халқаро савиядаги натижаларга эриша олиш тўғрисида хulosа чиқариш қийин. Лекин, жисмоний такомиллаштиришни мақсадга мувофиқлигини ва унинг йўналтиришини аниқлаш, спортчини янада ривожланиши учун йўналтириш зарур. Бу вазифаларни мажмуавий таҳлил асосида ҳал этиш мумкин, бунда, ёш спортчиларнинг морфологик, функционал, психологик хусусиятлари, уларнинг кўнишиб имкониятлари, машғулот ва беллашувлар юкламаларига таъсирчанлиги, янги харакатларни ўзлаштириш ва такомиллаштириш каби сифатларини эътиборга олиш керак.

Сараловнинг мазкур босқичида эришилган спорт натижаси, истиқболикнинг мезони бўла олмайди. Тажрибанинг кўрсатишича, бирламчи тайёргарлик босқичида нисбатан паст натижарларга эришган спортчилар, жой олади. Шу билан биргаликда, айтиб ўтиш жоизки, болалар ва ўсмирлар орасидаги мусобақаларнинг ғолиблари кам ҳолларда (турли спорт йўналишлари бўйича 5% дан кам), якуний босқичларда спорт ютуқларига эришадилар. Турли мамлакатлардаги юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тажрибаси бунга гувоҳ бўлмоқда.

Кўп йиллик тайёрловнинг иккинчи босқичдаёқ ёш спортчиларни гавда тузилишини олий малакали спорт усталарининг морфологик хусусиятларига қай даражада мос келишини аниқлаш зарурияти тўғилади. Мазкур босқичда, спортчини истиқболлилигини баҳолашда марфологик хусусиятлар энг муҳим сифатлар қаторида бўлади. Турли спорт йўналиши вакилларининг марфалогик фарқланишига шундай саралов сабабдир, чунки спортчи гавдасининг тузилишитурли спорт йўналишларида механик ёки беомеханик устунлик келтиради. Инсон тузилиши маълум ёш ораликларида ўзгарсада,

умуман органда унинг кўп жихатлари деярли узгармайди ва асосан наслий омилларга боғлиқ бўлади.

Таъкидлаб ўтиш кераки, инсон тузилишини аниқлашнинг ягона ёндашуви йўқ. Инсон тузилишини морфологик мезонлар асосида аниқлаш кенг тарқалган-мушакларнинг ривожланиш даражаси, бўйи ва оғирлиги, скелет хусусиятлари. Бундай ёндашувда кўпчилик мутахассислар гавда тузилишини характерлаш учун “соматик” терминини қўллайдилар.

Инсон гавдасининг нормал тузилишининг қўплаб схемаларидан, энг кўп қўлланилганини кўриб чиқамиз, унга кўра тузилиш уч турга ажралади:

- 1) Чўққисифат эндоморф тур-кўкрак қафаси бўртириб чиқкан, кичик думалоқ шакллар, нисбатан калта оёқ ва қўллар, калта ва кенг суюклар ва оёқ кафти, катта жигар, катта ҳажмдаги тери ости ёғи;
- 2) Атлетик мезоморф тур гавда шаклли, тор тос, кенг елкалар, яхши ривожланган мушаклар, суюкларнинг қўпол тузилиши;
- 3) Астеник эксоморф тур-ясси ва узун қўкрак қафаси, озгин гавда, узун ва нозик оёқ қўллар, тор оёқ кафти ва канжалар, кам ҳажмда тери ости ёғи.

Табиийки, кўпчилик шахсларнинг гавда тузилишини ушбу уч турга келтириб бўлмайди. Бундай ажратиш инсон тузилишининг нақадар турлилиги тўғрисида умумий тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради. Шунинг учун, спорт саралови амалиётида гавдининг узлуксиз тақсимланган қисмларига эътибор бериш мақсадга мувофик, қисмларни учга ажратиш мумкин: эндоморф, мезоморф, эктаморф. Қисмларнинг ажралиб туриш даражаси турли шахсларда хар хил бўлади ва 7-баллик тизим бўйича баҳолаши мумкин. Энг юқори баҳога (7) қисмларнинг максимал даражасидаги имкониятлари мос келади. Соматик турни уч рақам билан таърифлаш мумкин. Масалан: 7-1-1 рақамларига эга самотоикча думалоқ шакллар, кучли ривожланган тери ости асоси, заиф мушаклар, йирик ички аъзолар, мезоморфлар ва эктоморф қисмлар кам. 1-7-1, 2-1-7 каби турлар жуда кам учрайди, 3-5-2, 4-3-3, 3-4-4 самототипларнинг тарқалган. Учала қисмларнинг ўзаро боғлиқлигики таъкидлаб ўтиш керак: бир турнинг

кўпайиши бошқа турнинг камайишига сабаб бўлади. Шунинг учун бир қисмнинг юқори қийматга бўлмаслигига олиб келади. Самотипни баҳолашда учала баҳонинг йиғиндисиъ 12 дан ошмаслиги ва 9 дан кам бўлмаслиги лозим (Чтецов, 1979).

Саматотиплар бўйича ажратиш жараёни фотосуратларни билан солишириш вақтида тадқиқот натижаларини диаграмма кўринишида келтириш кақсадга мувофиқдир.

Олимпиадаги-спортчилар самототикларини оддий одамлар, ҳамда маҳсус таълим муассасаларининг талабалари самототикларни Д.М.Теннер (1964) ўтказилган. Ушбу соҳадаги бошқа тадқиқотлар (Волков, 1973, 1974; Мартиросов, Туманян, 1976, 1977, 1991, 1992 ва бошқалар) Д.М.Теннер томонидан илгари сурилган ғоя ва қоидаларни кенгайтириш ва аниқлаштириш имконичтини берди холос. Спорт билан шуғулланмайдиган талабалар орасида кўп холларда оралиқ турлар учрайди, уларда эндоморф, мезоморф ва эктомоморф турларнинг нисбати кам қисмлари мавжуд бўлади. Спорт коллежларининг талабаларида кўпроқ мезоморф тури учрайди. Олимпиада ўйинларида қатнашган - енгил атлетикачилар орасида деярли эндоморф тури учрамайди.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Спортга яроқлилик деганда нимани тушинасиз.
2. Спортга яроқлиликни аниқлаш тизимининг асослари кўрсатинг.
3. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг даврлари ва босқичлари нималар.
4. Спортчиларнинг соматик ривожланиши хусусиятлари айтиб беринг.
5. Спорт сараловида соматик ривожланиши айтиб беринг.

### **Адабиётлар.**

1. Саламов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма Тош. 2005.
2. Керимов.Ф, Умаров.М. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. Дарслик. Тош 2005.
3. Керимов.Ф. Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар. Ўқув қўлланма. Тош. 2004.

## **2-мавзу. Спортда башорат қилиш ва башорат қилиш усуллари.**

### **Режа:**

- 1.Спортда башорат қилишнинг методологик ва назарий жиҳатлари.
- 2.Спортда башорат қилишнинг методологик омиллари.
- 3.Башорат қилишнинг асосий жиҳатлари.

**Тайанч иборалар:**башорат, башорат қилиш, мақсад, спортда башорат , моделлар, антиципация, экстрополяция, олдиндан кўра билиш, Олимпиада ўйинлари, ресурсларни аниқлаш, методик принциплари,ижтимоий-экономика,тизимлилик,узлуксиз ва қайтиш алоқаси,пропорционаллик,оптималлик,реаллик,объективлик,табийлик,ўхшашлик,Башорат верификацияси,

### **Спортда башорат қилишнинг методологик ва назарий жиҳатлари**

Ҳозирги замонда башорат қилишнинг илмий муаммолари жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида шунингдек, жисмоний тарбия ва спортда ҳам жуда муҳимдир. Башорат қилиш муаммоларининг спорт соҳасида қўллашнинг муҳимлигини бир қатор муаммолари бор...

биринчидан: сиёсий ва ижтимоий томонларини сезиларли даражада ошириш; иккинчидан: малакали спортчиларни спортга тайёрлашнинг янги йўлларини излаб топиш ва мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни кенг ёйиш; учинчидан:республика мактабларида жисмоний харакатнинг структура ва функцияларини кенгайтириш.

### **Спортда башорат қилишнинг методологик омиллари**

Жамиятимизда жисмоний тарбия таркибий қисм бўлгани учун, Ўзбекистон Республикаси спортда юқори натижаларни кўлга киритмоқда. Олимпияда ўйинларида эришилган ғалабалар, жаҳон, Европа биринчилиги, ҳар-хил халқаро мусобақалари ютуқлари ўзбек спортини ривожланиб бораётганлигидан гувоҳдир.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан келган эмас. Булар юртимиздаги демократик қурилишнинг ривожланишидан келиб чиқкан ҳолда,

Президентимиз И.А. Каримов бошчилигига ва Ўзбекистон Республикасининг раҳбарларини диққат эътибори туфайли эришилиб, жисмоний тарбия ва спортни оммавий ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда жисмоний тарбияни ривожлантириш спорт прогностикасини бир соҳаси бўлиб қолади ва илмий асосда режалар тузилади, спортда юқори натижаларни эгаллашда, спортчилар ирода кучини тарбиялашда муҳим тармоқ бўлиб қолади.

Жисмоний тарбия ва спортда башорат қилиш тушунчасини туркумларга бўламиз.

**Башорат - маълум вакт оралиғида кузатилаётган объектга (бизнинг ҳолимизда спортчига) нисбатан эҳтимолий илмий асосланган фикрлар.**

**Башорат қилиши-** инсоннинг билиш фаолияти тури, яъни объект ва унинг ривожланиш ғояларини тахлил қилиш асосида башорат шакллантиришнинг йўналиши.

**Мақсад-** беллашув фаолиятидан олинадиган натижалардан ҳаёлан завқ олиш.

**Спорт башорат қилишининг услубияти - табиат ривожланишида диалектик-материалистик концепцияларга асосланади, яъни жамият ва билимга. Спортдаги башорат қилишининг илмий методологияси дунёдаги қабул қилинган билим фалсафасига суюнса, умумий методология тушунчасида умумфган методлари қабул қилинади.**

Спортни башорат қилиш ривожланишнинг янги босқичларида турибди. Англашимиз бўйича, илмий ва амалий организацияларнинг доираси кенгайиб борган сари, башорат қилиши билан шуғулланувчилар эски синалган усулларни ишлаб чиқмоқдалар.

Башоратлар асосидаги усулларни ҳар бир илмий тадқиқотлар кузатиб боради: Булар анализ ва синтез, дедукция ва индукция, кузатиш, тажриба, системалаштириш ва классификациялаш, олдиндан кўра билиш, гипотеза, аналогия, экстрополяциялардир.

Олдиндан кўра билиш экспертлар баҳосининг асоси бўлиб хизмат қиласди. Тажрибали мурбий янги спортчини бир марта кўриб унинг келажакда яхши спортчи бўлиб етишишни сезади.

Олдиндан кўра билиш қобилиятига баҳо берганимизда, бу олдинги тажрибаларига асосланган холда, қарор қабул қилишдир.

Башорат қилиш учун, экспертларнинг методлари кенг қўлланилади. Экстраполяция методи ҳозирги вақтда кенг тарқалмоқда.

**Моделлаштириш методи ёрдамида қисқа муддатли**, ўрта муддатли, узоқ муддатли башорат қилишнинг турли параметрлар орасидаги муносабатлари ҳисобга олинади. Модел ҳар бир тафсилотларда кўчирма бўлиш керак эмас. У фақат модельлаштиришда маълум мақсадлар учун обьект вазифасини бажаради.

**Моделлар** шаклига қараб ҳар-хил бўлади: предметли (режалар, макетлар), футбол мураббийси ўйин ўтказишида макетлардан фойдаланади, яъни ўйинчи фишка кўринишида модельлаштирилади ва шундай ҳолатда тактик вариантларни ютиб чиқади.

Жисмоний – бунга мисол қилиб, футбол ўйинини олишимиз мумкин. Олий лиганинг тренери рақиб жамоани қандай ўйин тактикасидан фойдаланиши билади ва ўзининг жамоасида бўлажак ўйин тактикасини модельлаштиради. Худди шу тариқа жисмоний харакатланувчи моделдан фойдаланади.

Мантиқли - ходисанинг ёки жараённинг мантиқий таътирланиши кўзда тутилади.

Математикали – тенгиззлик жараёни тенглаштириш тизими ёрдамида тасвиrlenади. Математик моделлар ҳисоб-китоби компьютер ёрдамисиз жуда меҳнат талаб ишдир. Математик моделдан кибернетик моделнинг фарқи шуки, у компьютер хоттирасига жойлаштирилади. Унинг ёрдамида «яшайди, ривожланади ва тажрибалар ўтказади». Компьютердаги кибернетик модел янги ва аниқ маълумотларни тез олишга мўлжалланган воситадир.

Бундай тадқиқот тизими, илмий-амалий башорат қилишнинг вазифаларини ечишда ва спортчиларни Олимпиада Ўйинларида жаҳон, Европа чемпионатларида юқори натижаларга эришишга имкон яратади.

### **Навбатдаги асосий йўлланмалар:**

- иҷтимоий-иқтисодий шароитда башорат қилиш, яъни спортчининг қобилияtlарини юқори даражада ривожланиши;
- спорт натижаларининг ўсиш башорати;
- спортчининг ҳар томонлама тайёргарлик даражаси ва шахсий сифатларига башорат қилишнинг талаблари;
- йирик халқаро беллашувларда спорт натижаларига эришишнинг башорат қилиш мажмуавий воситаси;
- спорта башорат қилишни мажмуавий ёндашиш тизимиغا киритишни алоҳида спортчида, жамоада ва спорт турларида қўллаш.

### **Башорат қилишнинг асосий жиҳатлари**

«Олдиндан билиш учун билиш. Харакат қилиш учун олдиндан кўра билиш» - деб шарҳлаган эди режалаштириш ва башорат қилишни ўзаро боғлаб, 19 асрда яшаган француз файласуфи О.Конт.

Россиялик мутаххасислар башорат қилишни кўриб чиқиб, режалаштириш тайёргарликнинг муҳим элементларидан бири деб ҳисобладилар.

Режалаштириш муҳим қарорнинг натижаси сифатида ва ахборот учун керак бўлган башорат қилиш сифатида қабул қилинган.

Спорт башорат қилиш мутахассислари О.Контнинг айтган сўзларини қайта изоҳлашди: чуқур ва кенг билим олдинда яхши кўра билиш учун керак, олдиндан яхши кўра билиш учун эса тўғри харакат қилиш демакдир.

Холис ҳақиқийлик иҷтимоий муносабатларда, спорт фаолияти тизимида кўриб чиқилади. Ҳар бир спортчини, жамоани спорт фаолияти бўшлиқ асосида қурилаётгани йўқ, балки бошқа тизимлар фаолияти ва уларнинг ривожланиши туфайли мавжуд.

Спорт фаолияти ва шахс ўртасига таъсир этувчи турли муносабатлар шакли: идеологик, психологик, иқтисодий муносабатлар мавжуддир.

Иккинчи жиҳат башорат қилишнинг ёндашиш тизимини бўтунлиги ҳисобланади.

Учинчи услубий жиҳат ижтимоий башорат қилишнинг тарихий детерминизмини билиш ҳисобланади, яъни қонунчилик вазифаларини ва ижтимоий тизими ривожланишини объектив эътироф қилиш.

Тўртинчи жиҳат ижтимоий башорат қилишнинг мажмуавий характеристини илмий асосда олдиндан кўра билиш.

Спортдаги башорат қилиш фаолияти киши шахсиятини шакллантириб, маънавий, меҳнат ва жисмоний тарбиянинг мажмуасига йўналтиради.

Башорат қилиш спортчи шахсига, жамоага нисбатан тарбиявий билим бериш тадбирлари мажмуасини ҳисобга олади.

Спорт прогонозлаштириш назариясининг мақсади шуки, тадқиқотларнинг истиқболли тармоқлари томонидан йиғилиб қолган ёки кам ишланган билимларини ягона тизимга туширишdir.

Хозирги замон илмий адабиётларида «олдиндан кўра билмоқ» сўзининг синонимлари сифатида олдиндан таърифлаш, олдиндан айтмоқ, антипатия, экстрополяция, ўйлаб топмоқ ва башорат қилиш каби сўзлар ишлатилади. «Олдиндан кўра билиш» тушунчасини назарий таҳлил қилганимизда, кўпгина аниқликларни киритамиз ва тизимлаштирамиз, яъни бир бирини тўлдиришини, бир бирига бўй сунишини кўрамиз. Юқорида келтирилган тушунчаларни бирлаштирган ҳолда, «олдиндан кўра билиш» тушунчаси инсонларнинг олдиндан таърифлаш, олдиндан айтиш, келажакни башорат қилиш каби қобилиятлари тушунилади.

**Илмий адабиётлардан маълумки, «олдиндан кўра билиш» тизими инсонларни антогенетик ривожланишида учта босқичдан ўтади:**

- олдиндан таърифлаш босқичи ёки антиципация;
- олдиндан айтиш босқичи ёки экстрополяция;

**-башорат қилиш босқичи ёки илмий асосда «олдиндан кўра билиш».**

**биринчи босқич** - олдиндан таърифлаш ёки антипация. Бу келажакни бир дақиқа кўра билиш сенсомотор коррекция операцияларини муваффақиятларини мақсадга мувофиқ бажариш;

**иккинчи босқич** - олдиндан айтиш ёки экстрополяция. Бу вақт амплитудасидаги ретроспектив олдиндан кўра билиш, сенсор - ақлий коррекциясини узайтириш, мақсад қилиб қўйилган ходисани амалга ошириш..

**учинчи босқич башорат қилиш ёки илмий равишда олдиндан кўра билиш.**

Олимпиада спорт турлари муносабатлар тизимини ҳосил қилувчи омил сифатида, спорт башорат қилишни ҳамма элементларини бирлаштиради.

### **Спорт башорат қилишнинг вазифалари**

- 1. олимпиада ўйинларида қатнашаётган командаларнинг мақсадларини аниқлаш;**
- 2. муваффақиятга эришишнинг оптимал йўллари ва воситалари;**
- 3. ресурсларни аниқлаш ва қўйилган мақсадга эришиш;**
- 4. Спорт прогнозлаштиришнинг методик принциплари;**
- 5. ижтимоий-экономика мақсадларнинг таянчи;**
- 6. тизимлилик;**
- 7. узлуксиз ва қайтиш алоқаси;**
- 8. пропорционаллик ва оптималлик;**
- 9. реаллик ва объективлик;**
- 10. бошланғич тармоқларга бўлиниш;**
- 11. табийлик;**
- 12. ўхшашлик.**

## **Башорат қилиши ва режалаштириши бошқарувнинг функцияси сифатида**

Спортчиларни тайёрлаш прогрессив характерларга эга бўлиб, бир текис ва уюшган бўлиши керак. Агар спорт башорати бўлажак мусобақаларни натижасиз бўлишини кўрсатса, дарҳол ишни шундай уюштириш керакки, бундай ривожланиш «секинлаб» натижаларни пасайишини олдини олиш керак.

Агар башорат натижаларни яхши томонга ўзгараётганидан далолат берса, яна ҳам кўпроқ ютуқларга эришиш учун фаолликни ошириш керак. Бунинг учун эса маълум мақсадлар асосида спорт фаолиятида уюшган тадбирлар ўтказилади. Спорт фаолиятининг башорати ташкилотлардаги ишларни тўғри уюштириб ва бу ташкилотлар қандай йўналиш орқали кетаётганини назорат қиласи. Спорт башорати мамлакатдаги спорт ривожланишига жавоб берувчи ташкилотларни, тренерларни, команда раҳбарларини олдига тадбирлар ишлаб чиқиши вазифа қилиб қўяди. Шунингдек бу вазифаларни бугунги кун талаби билан ечишни ва фақат тактик усул билан эмас балки, амалий усуллар билан барқарор қилишни талаб қиласи.

Бошқарув фаолияти табиатан ташкилотчилик фаолияти ҳисобланади ва бу унинг ўзига хос томонларилан биридир. Аниқ харакатни амалга ошириш учун бошқарувнинг натижавий қарорлари қабул қилинади.

Режа бошқарувнинг тузилиш элементи ҳисобланиб, у ўзига илмий асосланган башоратни киритади. Агар бунинг акси бўлганда эди, спортда режалаштирилган, маълум мақсадни кўзлаган, натижа берувчи харакат бўлмаган бўлар эди.

Бизнинг мамлакатимизда спорт фаолияти ва спорт ривожланиши билан боғлиқ бўлган томонларга катта эътибор берилади. Келажакда аниқ кучлар билан спортчи тайёргарлигига таъсир қилувчи йўналишларни, олдинда турган олимпиада сезонида спортчилар шаклланиш жараёнини бошқариш кераклигини вазифа қилиб қўяди.

Шундай қилиб, башорат қилиш ва режалаштириш бошқарувнинг асосий области бўлиб, спорт фаолиятининг даражасини белгилайди.

### **Спортда истиқболи режалаштириши мұаммолари**

Башорат долзарб режаларни қарорларини қабул қилишда доим зарурдир. Спортда башорат қилиш келажакда бажариладиган вазифаларни ҳозирги замон бошқарув қарорлари асосида қабул қиласди.

Мусобақа олди тайёргарлик босқичи режа натижасини ҳисоблаши қисқа муддатли башоратда аниқланади. Спортнинг тайёргарлик режасида ўтган йилги тадбирда қўлланган восита ва усуллар бу йилда ҳам қўлланилади.

Вақт ўтиши билан спортда ҳам эволюция юз беради, яъни холатлари, даражаси, тузилиши, характеристи ўзгариб ижтимоий ҳаётга мослашади. Спорт ривожланишида прогностикани тахлил қилиш ва ўтказиладиган тадбирни режалаштириш жуда муҳимдир.

Спортдаги эволюцияга асосланган ҳолда, спорт фаолиятининг ривожланишидаги муваффақиятли бошқарилаётган башорат қилишни илмий асосланган вариантларини ишлаб чиқишни таклиф қиласди. Бунинг учун режа тузиш, бошқарув қарорини қабул қилиш, уюштирилган тадбир ўтказиш керак.

Спорт башорати бу тавсиянома ёки танлаб олинадиган нарса эмас, балки кўп вриантли илмий асосланган объектив баҳодир. Спортчилар тайёргарлигини режалаштириш мутахассислар олдиғаги муҳим вазифалардан биридир ва улар бунга жавобгардирлар. Ҳудди шу ерда спортдаги башорат қилиш ва режалаштириш муносабатлари аниқланиб, спорт фаолиятида натижали ишнинг вариантлари танлаб олинади. Шундай қилиб режалаштириш спорт фаолиятида энг яхши йўлларни, тадбирларни, воситаларни, методларни танлабгина қолмасдан балки аввалги ва ҳозирги вақтда аниқланган фойдасиз йўналишларни чиқариб ташлайди.

Спорт келажакдаги ўзгаришлар сезиларли даражада раҳбарлар фаолиятида билинади. Спорт башорати спорт органларида аниқланган мақсад йўналишларини харакатлантиради. Бу харакат ходиса ва жараёнларнинг башоратини ўзгартиради. И.В.Бестужев-Ладанинг (1970) фикрича,» феномен- башорат силжишнинг парадокси бўлса керак»- деган эди. Бошқарувнинг алоҳида функцияларида башорат қилишни ажратиш келажакдаги муаммоларни тадқиқ қилишда жуда қулай.

Олдиндан қўра билиш амалиётида спорт фаолиятининг натижалари факат башорат қилиш билан чегараланиб қолмайди. Бошқарув элементларининг занжири башорат қилишдан фарқ қилиб, бошқарув обьектига актив таъсир қиласди, яъни режалаштиришда, программалаштиришда, проектлашда, ташкил қилишда, текширувда, коррекция қилишда. Бошқарув, режалаштириш, башорат қилиш ўзаро боғлиқ ва бир-бирига тобе бўлиб, бири иккинчисини сиқиб чиқара олмайди.

### **Башорат верификацияси (башоратни тўғрилигини аниқлаш)**

Башоратни тўғрилигини аниқлаш жараёни верификация дейилади. Келтирилган ҳар қандай башоратни қайсиadir даражада ноаниқликлари мавжуд. Келажакда олинган ахборотни ишлатиш учун, уни қайдаражада умидлилигини текшириш керак.

Башоратни ишончлилиги ва натижалилиги икки йўл орқали аниқланади: априорли ва апостериорли.

Априорли башорат қилиш ходисани содир бўлгунга қадар текширади.

Апостериорли верификация статистик маълумотларга нисбатан, турли башоратларни реал содир бўлишидан, башорат методларни натижавийлиги билан мос келишини кўриб чиқади. Апостериорли верификация башорат қилиш методини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Верификация башорати бошқарувининг турли фан тармоқларда, халқ хўжалигига бир қатор вазифаларни ечишда, ишонарли манбай бўлгани учун муҳим рол ўйнади. (Р.М.Баевский 1979 )

Апостериорли верификация спортдаги башоратни текширилаётган объект холати омилларини ва башорат орасидаги фарқни синчиклаб текширишни талаб қиласи.

Машхур Америкалик башорат қилиш, бўйича мутахассис, Р.Эйрес (1971) фикрича башорат қилишнинг асосий хатолари қўйидагилар:

- керақли тасаввурнинг йўқлиги;
- ўта хурсандчилик;
- баъзи тадқиқотларнинг келажагини олдиндан қўра олмаслик;
- ҳисобнинг ноаниқлиги;
- жараёндаги ноаниқлик ва тасодифни эҳтимоллиги.

Башорат қилиш-одамлар учун, олдиндан айтиб берувчилар ролини олган таваккал иш. Унинг шундай хавфли томонлари борки, яъни ноаниқлик, ноумидлик, реал ҳаёт билан башорат қилиш ходисасининг ўзаро муносабатларидаги мураккаблик, кишиларнинг таъсирчанлиги ва тан олмасликлари каби ходисалар учрайди. (Р.Эйрес 1971)

### **Верификация башоратининг қўйидаги турлари бор.**

1. тўғри верификация-бошланғич методларни синчиклаб ўрганиш йўли орқали олиш;
2. эгри верификация-бошқа манбалардан олинган ахборотлар билан башоратни солиштириш йўли билан олиш;
3. инверсли верификация-прогностик моделни ретроспектив босқичига мослигини текшириш;
4. консенвентли верификация-эртароқ олинган башоратни логикали ёки математикали башоратга киритиш;
5. қайта усулдаги верификация- эксперт фикрини бошқалар фикридан фарқли лигини айтиш ва ўзгартириш.
6. оппонент верификацияси- башорат ҳақида оппонентларни танбехи;
7. хатолар ҳисобида верификация- башоратдаги доимий хатолар манбайнини ҳисобга олиш;
8. экспертларнинг хабардорлик верификацияси- башоратни эксперт фикри

билин солишириш.

Шундай қилиб, башорат қилиш спортчиларни спорт соҳаси бўйича юқори ўринларни эгаллаб, муваффақиятларга эришишда муҳим рол ўйнайди.

### **Башорат усуллари**

**Башорат – спортда башоратларни ишлаб чиқиш - спорт фаолиятига тегишли бўлган ходисаларнинг келажагини аниқлаш шаклидир.**

Истиқболни белгилашнинг вазифалари шундан иборатки, аниқ ходисаларни ривожланишига асосланган ҳолда, илмий билимларга мос келадиган, олдинга интилиши учун рағбатлатирадиган жараённи аниқлашдир. Истиқболни белгилаш бошқарув билан боғлиқ. Бошқарув эса, етарлича таъминланган, исботланган (қарор қабул қилинган) спортнинг ташкилий доирасини, тайёрлов доирасини ва беллашув фаолиятини маълум қарор қабул қилишини назорат қиласди.

Истиқболни белгилаш ғояси спортда ҳар хил жараёнларга ва ходисаларга дуч келади. Бу ғоя спортда кенг тушунчани камраб олади. Масалан, алоҳида спорт турларининг ривожланиш истиқболларида ва беллашувга тайёргарлик тизимида, техника ва тактиканда фойдаланиш.

Тайёрлов тизими белашувларда қатнашиш, спорт рекордларини ўрнатиш жараёнларида катта ўрин эгалайди. Булар миллий спорт ареналари, давлатлараро спорт муносабатлари, спортчилар ва жамоаларнинг техник тактик функционал имкониятлари, алоҳида беллашувларда спорт курашининг ривожланиш, жанг, яккама-якка олишув старти ва бошқалар. (Плахтинко, Мельник, 1980; Семёнов, 1983)

Башорат экстрополяция усулига асосланган ҳолда ишлатилади.

Бу бир бўлак қисмни бирор ходиса орқали иккинчи бўлакка ўтишини кузатган ҳолда хulosса қилинади. (Косалапов, 1981; Баландин, 1986)

Спортдаги экстрополяция шароитида жаҳон рекордини ўсишини ўтган ийллар қонуниятларига асосланган ҳолда ўрганилади. Шундай қилиб,

спорчилар ва жамоаларнинг спорт маҳоратини ўсишини амалга ошириш мумкин.

Экстрополяцияни мақсадга мувофиқ равишда мажмуавий моделлаштирилган усулида ва эксперталарни баҳолашда ишлатилади. Бунда замонавий спортнинг ривожланиш йўналишини, илмий-техника томонидан тараққиётини, янгиликларни, машқларнинг оригинал усулларини ҳисобга олиш керак. (Косолапов, 1981)

Башорат одатда, қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли, ўта узоқ муддатли каби бўлимларга бўлинади. Истиқболни белгилаш турларини ҳар-хил соҳаларда қўллаш учун маълум муддатлар керак бўлади. Масалан; истиқболни белгилаш ижтимоий фанларда қисқа муддатлида 1-2 йил оралиқ масофани қамраб олади, ўрта муддат 5-10 йилни, узоқ муддат 15-20 йилни, ўта узоқ муддат 50-100 йилни қамраб олади (Бестужев-Лада, 1982).

Спортдаги ечиш керак бўлган вазифаларни ўзига хос бўлган хусусияти ва характерини ҳисобга олган ҳолда, қисқамуддатли истиқболни белгилаш унчалик катта бўлмаган оралиқ вақтга, одатда соатлар ва минутлар билан, ўрта муддатли ҳафталар ва ойлар билан, узоқ муддат 1-2 йилдан 3-4 йилгача, ўта узоқ муддатли 6-10 йилдан 15-20 ва ундан ортиқ йилгача белгиланади.

Истиқболни белгилаш натижаси назарий ва тажриба фаолиятининг кўшилишида кўринади.

Истиқболни белгилаш кузатилган натижаларга суянади, натижалар эса ўтказилган тажриба фаолияти туфайли аниқланади.

### **Башорат қилишнинг турлари қўйидагилардан иборат.**

-техник-тактик шаклланишнинг ўзига хослиги ва бошқа турлардаги тайёргарлиги;

-спорт маҳоратини ташкил қилувчи адаптация ва деадаптация қўллашда башоратни ривожланиши;

-беллашув фаолиятида натижа берадиган тартибни ўрнатиш шунингдек, асосий мусобақалар ва уларда ишлатиладиган кучларни аниқлаш -рақиб томоннинг характерини аниқлаш.

## **Узоқ ва ўрта узоқ мұддатлы башорат қилиши**

Узоқ мұддатлы башорат қилиш саралаш спорт жараёнининг келажагига қаратиласы. Тайёргарлик ва беллашувларда қатнашиш 1-2 йилдан 3-4 йилгача бўлган вақтни эгаллади.

### **Башоратнинг вазифалари;**

- спортнинг ҳамма турларида юқори поғоналарни эголловчи спортчиларни танлаш;
- спортчининг маълум турларда юқори натижаларга эришишини кўзлаш ва максимал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда беллашув фаолиятида техник-тактик моделни қўллаш;
- машқ жараёни учун энг қулай тизимни аниқлаш, спорт маҳоратида турли компонентлани қўллаш;
- Рақиб учун кутилмаган зарба бўладиган, кўпроқ эффект берадиган, юқори натижаларни эгаллашга ёрдам берадиган техник вазифаларни бажариш;
- асосий рақибнинг составини, уларнинг техник-тактик қуролланишини ва жисмоний-рухий тайёргарлигини аниқлаш;
- бўлиб ўтадиган мусобақа шароитларини ўрганиш, ўтказилиш тартиби билан танишиш, об-ҳаво шароити, судьялар жамоаси, инвентарлар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланишини ўрганиш;

### **Ғалабага олиб келувчи спорт натижаларини аниқлаш.**

**Биринчидан.** Моделлар объектнинг ўрнини босувчи сифатида ишлатиласы, яъни моделни ўрганиш орқали объек хақида маълумотга эга бўлади. Модел устида тажриба ўтказилганда, моделни тузилиши ва вазифаларини акс эттирувчи янги билимлар олишга муваффақ бўлинади.

**Иккинчидан.** Эмприк билимларни умумлаштириш учун ишлатиласы, яъни спорт соҳасидаги турли жараёнлар ва ходисаларни қонунчилик алоқалари тушунилади. Эмприк билимлар модел тасаввурида

қайта ишланган ва амалга ошган, умумлашган назарияга мос келадиган холатларни яратади.

**Учинчидан.** Модел спорт амалиёти серасида тажриба ўтказилаётган илмий ишларга катта таъсир ўтказади. Бунда моделнинг назарий билимлар олиш учун анализи муҳим эмас, балки амалиётда амалга ошириш муҳим. Морофункционал моделнинг кўп сонли роли, спорт сарашларида, ориентацияда, модел тайёргарлигига ва мусобақа фаолиятидаги машқ жараёнларида ўйнайди.

### **Спортда ишлатилаётган модел иккита асосий грухга бўлинади.**

#### **Биринчи гурух.**

- 1) Мусобақа фаолияти тизимини характерловчи модел;
- 2) Спотчининг ҳар томонлама тайёргарлигини характерловчи модел.
- 3) Морофункционал модел, организмнинг морфологик томонларини акс эттирувчи, алоҳида тизим имкониятларининг вазифасидаги, спорт маҳоратида эришилган даражаларни таъминлайди.

#### **Иккинчи гурух.**

- 1) Спорт маҳоратида динамикни ташкил топиши, кўп йиллик циклдаги таёргарлиги, бир йиллик машқ мобайнида ва макроциклда модел давомийлигини акс этиши;
- 2) Машқлар жараёнидаги кўп йиллик тайёргарликда, микроциклда, босқичларда йирик тизимли моделнинг тузилиши;
- 3) Машқ босқичларида, мезо ва микроциклдаги модел
- 4) Машғулотлардаги машқ модели ва уларнинг қисмлари.
- 5) Алоҳида турдаги машғулот машқларининг модели ва уларнинг мажмуаси.

## **Моделлаштириш жараёнини режалаштириш.**

**1)** Кундалик, босқичли контрол, бошқарув билан машқ жараёнидаги турли тизимларни тузилишини модел вазифаларига боғлаган ҳолда амалга ошириш;

**2)** Моделга қўшилган параметрлар сони, алоҳида параметрларнинг характерини ўзаро боғликлигини модел даражаларида аниқлаш;

**3)** Кўлланилаётган модел харакат вақтини, унинг кўлланиш чегарасин, тартиб вақтини, ишни тугатишини ва алмаштиришни аниқлаш.

**4)** Моделларни умумлаштириш объект ёки жараён характерини акс эттириб, бир хил жинсдаги спортчиларнинг катта груҳини ёшини ва квалификациясини, шуғулланаётган спорт турини тадқиқ қилиш натижасида аниқланган. Моделларни гурухлашда спортчилар ёки жамоаларнинг бирор спорт турида қатнашиши ҳисобга олинади ва уларнинг йиғиндиси асосида ўрганилади. Масалан: тезлилик-кучлилик потенциялини юқорилиги билан ва чидамлилигини камлиги билан фарқ қилувчи шайбали хоккейдаги «бешталик»нинг характерини, мусобақа фаолиятидаги курашчилар ёки сузувларни техник-тактик моделини олишимиз мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, турли спорт турларида юқори натижаларга эришаётган спортчилар бир неча мустақил гурухларга бўлиниши мумкин. Мусобақа фаолияти ва тайёргарликлар бу гурухларни ўзаро бирлаштириб туради.

Масалан: сузувлар, эшкак эшувчилар, югурувчилар ўрта масофада Зта асосий гурухларга бўлинади.:

**1)** Спортчилар ўзларининг тезлилик-кучлилик қобилияtlари ҳисобига юқори натижаларга эришадилар;

**2)** спортчилар ўзларининг чидамлилик қобилияти асосида юқори натижаларга эришадилар;

**3)** Спортчилар тайёргарлиги тенг эмаслиги билан фарқланади.

**Мусобақа фаолиятининг тизимларини ўрганиш натижасида машҳур курашчилар қуидагаларга бўлинади:**

- Спортчилар тўқнашувнинг биринчи ярмида ўзларининг кучлилик-тезлилик қобилияtlари билан юқори натижаларга эришадилар;
- спортчи тайёргарлигининг ҳар томонлама тенглиги;
- спортчилар тўқнашувининг охирида ўзларининг чидамлилиги билан юқори натижаларга эришиш;
- спортчиларнинг унча катта бўлмаган жисмоний тайёргарлиги билан юқори натижаларга эришиш.

Моделнинг умумлаштирувчи ва гурухлаштирувчи турларини ишлатишдаги эфекти айниқса, ҳали спорт чўққиларини эгалламаган ёшлар ёки катталарни тайёрлашдаги машғулотлар жараёнида жуда каттадир.

Дунё миқиёсидаги спортчилар тайёргарлигида, бундай моделларнинг маълум бир томонини назарда тутиш камдир. Қобилияtlи спортчи ўзининг ҳар томонлама спорт техникасинип эгаллашда, ёрқин қирраларини, ноёб қобилиятини, чидамли иродасини кўрсатади.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, спорт соҳасида модел шаклланишини қўллашда, спортнинг турлари, гурухлари, моделяратилишининг кўриниши, оширган малакасининг даражаси, спортчи тайёргарлиги, унинг ёши, жинси кабилар мос келиши керак.

Бу ерда кўрсатгичларнинг хисобга олган ҳолда, спортчиларнинг имконият вазифаларини акс эттирувчи консерватив ва консервативсиз ёки компенсацияланган ва компенсацияланмаган характерларини олиш мумкин.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Башорат қилишнинг асосий негизларини, спортда башорат қилишнинг услубий негизларини айтинг.
2. Бошқариш функциялари сифатида башорат қилиш ва режалаштириш.
3. Башорат қилиш услуби ва тавсифини айтинг.
4. Башорат верификацияси (тўғрилигини аниқлаш).

## **Адабиётлар**

1. Керимов Ф.А, Умаров М.Н. Спортда прогнозлаштириш ва  
моделлаштириш. ЎзДЖТИ нашриёт матбаа бўлими. 2005. -279 б.

2. Келлер В.С. Соревновательная деятельность в системе спортивной  
подготовки // В кн. Современная система подготовки. - М.: САAM, 1985.- с  
41-49.

### **З-мавзу: Спортчилар тайёрлашни бошқариш**

**Режа:**

1. Тайёрлаш тизимининг бошқарув асослари.
2. Спорт захиралари тайёрлашнинг бошқарувини ташкиллаштириш.
3. Ёш спортчиларни кўп йиллик тайёрлов босқичлари ва бошқариш технологияси.

**Таянч иборалар:** Кибернетика, режалаштираётган натижа меъенини белгилаш, тренировканинг кумулятив, босқичли, йирик структурали, макроцикларда, даврлар, кундалик, микро ва мезодаврдаги машқлар, тезкор, - меҳнат ва ҳордиқ тартиби, -мақраструктуранинг аниқ элементи, жисмоний, техник-тактик ва психалогик тайёргарлик, объектик тизими, функционал тизимларнинг имкониятлари, методологик томони, мусобақа фаолияти структураси, микро ва мезодаврлар, машқ ва мусобақа юкламаларининг оптималь нисбати, тезкор бошқариш-мусобақалар, спорт захираларни тайёрлаш, амалдаги захира, яқин захира истиқболли захира,

### **Спортчилар тайёрлаш тизимини бошқарув асослари**

**Бошқарув мақсади, объекти ва турлари**

**Ўтган асрнинг 70 йилларининг бошидан тренировка жараёнини бошқариш бир қатор мутахассисларнинг тадқиқот объектига айланади.** Улар ўз тадқиқотлари йўналиши этиб кибернетик ёндашув усулини асос қилиб олишди. «**Бундай нуқтаи назардан спорт тренировкасига умуман олганда, соғлом инсон организми фаолиятини маҳсус ташкиллаширилган бошқариш сифатида қараш мақсадга мувофиқдир».**

Албатта, бундай тор маънода жисмоний тарбия ва спорт тренировкасини мушкул динамик ўз-ўзини бошқарувчи тизимларни бошқариш назариясининг ҳосиласи сифатида қараш мумкин.

Кибернетика томонидан шакллантирилган бошқарув қонуниятлари асоси, фақатгина сабаб-оқибат боғлиқлиги мавжудлиги билан характерланувчи мушкул динамик тизимларгина ўз-ўзини бошқариши

мумкин деган нүқтаи назарга олиб келади; бошқарув жараёнлари тизимни турғунлашувига рұхсат берувчи антидешкиллаштирувчи характерга эга; бошқарув ва ахборот ажралмас бир бутундир. Ўз-ўзини бошқарувчи тизимларнинг муҳим омиллари тескари алоқалардир, улар бошқарувни мақсадга йўналтирилгани ва оптималь ва функционаллигини таъминлайди. Бундай ҳолда бирон-бир муҳим қисмни тушириб қолдириш жуда қийиндир, чунки ҳар бир киришга чиқиш мавжуддир. Масалан, спорт натижаларини аниқловчи сифатга - уни баҳолаш усули, ривожланиш услубияти режалаштираётган натижа меъёрини белгилаш, уларни вақт бўйича тақсимланиш тартиби ва х.к.

Бу ҳолда бошқарув жараёни тартибга тушади, мусобақа фаолиятининг структураси ва унга мос келувчи спортчиларнинг функционал имкониятларини ташҳислаш услубияти, мусобақа фаолиятига тайёрликнинг турли компонентларини такомиллаштириш-нинг йўналтирилган моделлар, усуллар ва воситаллар тизимини мустахкам боғладайди.

Мазкур ғоялар узоқ муддатли тайёргарлик истиқболли дастурини ишлаб чиқаришда ўз самарасини беради (Платонов 1997).

**Тайёргарлик жараёнини бошқаришнинг мақсади спортчи фаолиятини такомиллаштириш, юқори ютуқларига эришишини таъминловчи мақсадли тайёргарликни ривожлантириш.** Спорт машғулотини бошқаришнинг объекти-спортнинг интизоми унинг тезкор, даврий, босқичли ҳолатининг сабаби бўлган қўлланиладиган машғулот ва мусобақа нагрузкаси, спорт тайёргарлиги тизимида унга таъсир мажмуасининг барчасидир.

Машғулот жараёнини бошқариши хам спорт тренировкаси тизими компонентларини (қонуниятлар, омилар, ҳолатлар, восита ва усулар ва х.к. Ҳамда машғулот ва мусобақадан ташқари (махсус анжом, ускуна ва машғулотлар, қайта тикланиши воситалари, иқлим омиллари ва бошқалар) омилларини мажмуавий қўллашни кўзда тутади. Бир томондан, бу спорт машғулоти жараёнида бошқарувни ўта муракаблигини, иккинчи томондан

амалга оширилган ечимларнинг асосланганлиги ҳолида унинг катта самарадорлигини белгилайди

**Машқ жараёнини бошқариш тренер томонидан спортчининг фаол иштирокида амалга оширилади ва уч гурух амалиётларни ўз ичига олади:**

-спортчиларнинг ҳолати тўғрисида ахборот йиғиши, буларга жисмоний, техник-тактик, психологик таёргарлик, турли функционал тизимларнинг тренировка ва беллашув вазифасига таъсирчанлиги, мусобақа фаолиятининг кўрсаткичлари киради ва х.к;

-ушбу ахборотларни хақиқий ва берилган кўрсаткичлар билан солиштириш асосида таҳлил қилиш, кўзланган самарага эришишни таъминловчи тренировка ва беллашув фаолияти характеристикаларини режалаштириш ва аниқлаштириш;

-тренировка ва беллашув фаолиятидан кўзланган самарага эришишни таъминлаш, мақсад ва вазифалар, режа ва дастурлар, восита ва усулларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш йўли билан қабул қилиш.

Спорт машқи жараёнини бошқаришнинг асоси бўлиб, спортнинг турли ва доимо ўзгарувчан имкониятлари, унинг функционал ҳолатининг ўзгариши, ҳамда спортчидан тренерга келадиган қуйидаги тўрт турдаги қайтма алоқа тўғрисида ахборот хизмат қиласи;

1) спортчидан мураббийга келувчи маълумотлар (саломатлик, ишга муносабати, кайфияти ва бошқалар);

2) спортчининг ўзини тутиши тўғрисида маълумотлар (тренировка ҳажми, уни бажарилиши, аниқланган хатолар ва х.к.);

3) машқларнинг тезроқ самараси тўғрисида ахборотлар (машқ юкламаси натижасида функционал ўзгариш характеристи.)

4) тренировканинг кумулятив ва келгуси самараси тўғрисидаги маълумотлар (спортчининг таёйргарлик даражасини ўзгариши);

Тренировка жараёнида спортчининг турли ҳолатларини бошқариш лозимлиги муносабати билан бошқарувнинг бир неча турларини санаб ўтиш мумкин:

-босқичли, - йирик структурали тренировка жараёнлари мажмуасида таёргарликни такомиллаштиришга йўналтирилган (кўп йиллик таёргарлик босқичларида, макроцикларда, даврларда.);

-кундалик, - микро ва мезодаврдаги машқлар, баъзи мусобақалар даврида спортчининг ўзини тутишини такомиллаштиришни таъминлайди;

-тезкор, - меҳнат ва ҳордик тартиби, алоҳида машғулот ва уларнинг мажмуасини бажариш чоғидаги ҳаракат характеристикалари, машғулотлар дастури, алоҳида мусобақа ва курашларда спортчи организмининг таъсиранлигини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Спортчи ҳолатини, машқ ва мусобақа фаолиятини бошқаришнинг самарадорлиги кўплаб элементлар билан аниқланади, уларни шартли **равища уч гурухга бўлиш мумкин**:

**1) дастлабки шароит;**

**2) жараён**

**3) амалга ошириш**

Шундай қилиб, спорт машғулотларини такомиллаштириш учун бошқарув назарияси, инсон организмини тизим сифатида ўзига хослиги, кўникув жараёнини бошқариш омилларининг умумий қонуниятларига асосланиши лозим. Спорт машғулотларига инсон организмини кўникувини бошқарув омилларга мажмуавий қўзгатувчи сифатига спорт машғулотларини келтириш мумкин. Бундай қўзгатувчининг таъсирини бажарилаётган машқ структурасини мувофиқлаштириш, машқларни бажариши давомийлиги, машқларни бажариши жадаллиги, машғулотлар ва ҳордик тартиби, машқларни тақрорлаш миқдори, ҳаракат вазифаси билан шартланади.

### **Босқичли бошқарув**

Босқичли бошқарув йирик структуравий ташкилотларда шундай тутадики, бунда мақсадга эришишга ва асосий вазифаларини аниқ

элементлар асосида ечимини, кўп йиллик макраструктура- босқичи тайёргарлигини, тайёргарлигининг асосий турини, макроциклни, даврни ёки жараённи таъминлайди. **Босқичли бошқарувнинг самарадорлигини умумий сондаги омиллар асосида аниқлади:**

**-макраструктуранинг аниқ элементи якунида, спортчи эришиши лозим бўлган тайергарлик даражаси тўғрисида аниқ тассавурлар мавжудлиги ;**

**-жисмоний, техник-тактик ва психалогик тайёргарликнинг вазифаларини ечиш воситалари ва усулларини вақт бўйича оқилона кўплаш ва самаралаш;**

**-тайёрлов жараёнини самарадорлиги ва унга ўзгартиришлар киритишни назорат қилишни объектик тизими мавжудлиги;**

Кўп йиллик тайёргарликни ҳар бир босқичи, макроцикл, давр ва х.к. ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиқкан ҳолда бошқарув тизимини аниқлади. Масалан, кўп йиллик такомиллаштиришнинг дастлабки босқичида яъни тайёргарликнинг бошланишида, бошқарув жараёни ҳар томонлама шаклланган техник тайёргарликка, жисмоний сифатларнинг кўзланган энг муҳим натижаларига эришиши, булар, тезлик қувват, чидамлик-чақонлик, мослашувганлик, маълум спорт турини энг муҳим функционал тизимларнинг имкониятлари, бошланғич тайёргарликка мос бўлган психологик сифатлар ва бошқалар.

Юқори натижага эришиш вазифаси турган вақтда индивидуал имкониятларни максимал ишга солиш ва уларни мусобақаларда намаён этиш даврида бошқарув жараёни бошқача йўналиш касб этади ва режалаштирилган натижага этишини таъминлайдиган, спорт маҳоратини энг юқори савиясини намоён этиш заруриятига бўйсунади. Булар, юқори натижаларга эришишга йўналтирилган таёргарликни босқичли бошқарув жараёни кўзда тутган даврда амалга ошириладиган бир қатор амалиётлар билан боғлик.

**Босқичли бошқарувнинг самарадорлиги аввало мусобақа фаолиятининг мукаммал тизими ва у ёки бу спорт йўналишида мосравишдаги тайёргарлик кўриш структураси ҳамда унинг аниқ тури тўғрисида етарли тасаввурлар мавжудлиги билан аниқланади.** (Платонов, 1984, Полищук, 1996). Етарли даражада аниқ ва ҳар томонлама билимлар бор бўлса босқичли бошқарувнинг бошқа даврларида ҳам ютуқга эришишга умид қилса бўлади. Мусобақа фаолиятининг ва тайёргарлик даражаси тўғрисидаги маълумотларнинг бир ёқламалиги, аҳборотларнинг йўқлиги машғулотлар жараёнини бошқаиш имкониятларини чегаралайди. Масалан, агар мусобақа фаолияти структурасида муҳим мустақил характеристикалар бўлмаси ёки тайёргарлик структурасида техник ва жисмоний тайёргарлик савияси билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар мавжуд бўлиб лекин тактик ёки психологик тайёргарлик кўрсаткичлари тушириб қолдирилган бўлса бундай ҳол юз беради. (Платонов, 1995).

Босқичли бошқарув даврида энг муҳим амал сифатида мусобақа фаолияти ва тайёргарлик моделларини ишлаб чиқариш келтирилади, улар мусобақанинг маълум босқичида мўлжал сифатида қўлланилиши керак. Кейинги амаллар бу спортчининг функционал имкониятларини, унинг тайёргарлик даражасини, мусобақа фаолиятини самарадорлигини баҳолаш ва керакли мақсадга эришиши учун индивидуал маълумотларни модел билан таққослашдир. Сўнgra жисмоний ривожлантiriшининг умумий технологияси ишлаб чиқилади, маълум босқичда хусусий вазифаларни ечишга доир масалалар қўйилади ва уларни ҳал қилиши учун самарали воситалар ва усуllар танланади. Кейинги амал вазифани оқилона қўйиш, тайёргарлик жараёнини восита ва усуllарни тақсимлашдир. Мазкур даврнинг яқуний амаллари бўлиб режадаги ва амалдаги кўрсаткичларни таққослаш, ўзgartiruvchi таъсирларни режалаштириши ва ниҳоят, эришилган савияни мусабакаларда амалга ошириш.

Давр якунида эришилган тайёргарликнинг савияси мусобақа фаолияти моделининг режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққосланади ва босқичли бошқарувнинг навбатдаги даври бошланади.

Босқичли бошқарув тизимининг энг муҳим методологик томони бўлиб, кўрилаётган давридаги амалиётларга тегишли бўлган маълумотлар ва имкониятларнинг тўла мутаносиблиги зарурияти хизмат қилади. Мусобақа фаолиятининг структураси ва спортчининг тайёргарлиги тўрисидаги аниқ тасаввурлар назорат тизими, машғулот жараёнинг мазмuni ва х.к. лар модел кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Режалиштирилган натижанинг асоси сифатида намоён этиш учун кўзланган тайёргарлик савиясига эришиш заминларининг ўзаро боғлиқлиги эътиборга олиниши керак тайёргарлик ва мусобақаларнинг қўзғатувчи ва ундайдиган жиҳатлари таъминланган бўлиши, ҳамда режалаштирилган натижага эришишнинг йўллари, яъни мақсад ва вазифаларни тўғри қўйилиши, оқилона тайёргарлик ва мусобақа фаолиятининг омиллари ва қонуниятлари, самарадорлик назоратини таъминланиши, салбий ҳолатларнинг профилактикаси таъминланиши, х.к.

Босқичли бошқариш жараёнида маълум спорт турининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда босқичли бошқарув давридаги турли амалиётларда қўлланиладиган билимларнинг тўла мос келиши лозимлиги заруриятини эътиборга бериш керак.

**Хусусан, мусобақа фаолияти структураси ва унга мос тайёргарлик структурасини таҳлил қилаётганда муайян спорт хили ва унинг алоҳида турида спорт ютуқлари савиясини аниқловчи омилларнинг объектив таҳлилига суюниш керак. Бунда, ҳар бир спорт турининг ўзига хослигидан келиб чиқадиган талабларнинг мураккаблиги ва хилмачиллигига эътибор бериш лозим.**

**Турли спорт турларида қабул қилинган мусобақа тизими, ҳар хил структуравий тўпламларда машғулотлар жараёнини тузишда бошқарув ечимларини амалга оширишни белгилайди. Масалан, футболдаги 9-10**

**ойлик мусобақа даврига эга бўлган тизим, самарали ва ҳар томонлама тайёргарлик ва тўлақонли мусобақа фаолияти вазифаларини бирлаштиришда қийинчиликлар туғдиради спорт машғулотларининг бир қатор негизлари ва қонуниятларини қўлаш имконини бермайди. Даврий спорт турларининг мусобақа тизими, айниқса мавсумий характерга эга бўлганлари (чанғи спорти, эшкак эшиш) эса, аксинча, спорт машғулотларини даврларга бўлиш учун қулай шароит яратади.**

Спортнинг маҳорати, кўп йиллик тайёргарлик босқичи, маクロкцикл даври ўсиши билан машқларнинг тўла таъсир эттирувчи таркиби ва воситалари ҳам ўзгариб боради. Масалан, чанғичилар, югуруувчилар ва сузувлчилар узоқ масофани босиб ўтиш учун маҳсус чидамлилик сифатини ривожлантириши, қиёсан маҳорати юқори бўлган ва кўп йиллик тайёргарликнинг бошланғич даврида, кислородни истеъмол қилиш, бир минут давомида нафас олиш ҳажми, юрак уриши каби характеристикаларни яхшилаш билан муваффақиятга эришиш мумкин бўлса, юқори малакали спортчилар учун бу йўл истиқболга эга эмас, бу ҳолда характерат энергия билан таъминлаш тизимини фаолиятини тежамкорлик билан ишлаши, чидамлилигини юксалтиришга йўналтирилган бўлиши керак.

### **Кундалик бошқарув**

Бошқарувнинг мазкур тури алоҳида мусобақа ёки уларнинг серияларида, тайёргарликнинг микро ва мезодаврларида машқлар жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ. **Кундалик бошқарув машқлар тасирчанлигини, мусобақа ва ҳордиқ қунларини қайта тикланиш ва иш қобилятини юксалтириш воситаларини тўплашни ва омилларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишни кўзда тутади.** Бунда, асосий шартлар сифатида қуйидагиларни қелтириш мумкин:

**-машқ жараёнида турли катталиқдаги юкламалар билан машғулот қилаётганда улар орасидаги мукаммал нисбатни таъминлаш. Бу бир томондан, кўникма жараёнини етарли даражада рағбатлантириш, бошқа томондан эса ушбу жараёnlарни унумли ўтиши учун имконият яратади;**

**-юклама ва тикланиш микродаврлари нисбатини мақсадга мувофиқлаштириш кўникма жараёнини самарадорлигининг асосидир.**

***Микро ва мезодаврларда турли устуворликларга қўра тайёрланиши-машқ ва мусобақа юкламаларининг оптимал нисбати.***

Педагогик ва қўшимча воситаларни мажмуавий қўлланган ҳолда (жисмоний, фармокологик, психологик, иқлим, моддий-техник) ишлаш қобилияти, тикланиш ва кўникма жараёнларини йўналтирилган ҳолда бошқариш.

Кундалик бошқарув имкониятларини амалга ошириш икки йўл билан бажарилади. **Биринчи йўл машқ машғулотлари, машқ кунларининг намунавий моделлари, микро ва мезодаврлар, машқ дастурларининг уйғунлиги, тикланиш ва рағбатлантириш воситалари** каби стандарт “қисмлар”ни қўллаш билан боғлиқ. Бундай “қисмлар” моделлар ва х.к.ларнинг асосида-мехнат жараёнида чарчаш ва тикланиш қонуниятларини акс эттирувчи, турли йўналишли ва давомийлик, таъсир омилларига кўникмани шаклланиши, машқ ва мусобақа фаолиятини спортчи организмига умумий ва кумулятив таъсири ва бошқаларни очиб берувчи илмий асосланган ғоялар ётади. Машқ жараёнинг бундай андозавий структуралари элементлари тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган, спортчининг хар ҳил тури билан шуғулланаётган спортчиларни тайёрлашда синовларда ўтқазилган. **Иккинчи йўл спортчининг меҳнат қобилиятини кундалик назорат қилиш, чарчаш ва тикланиш жарёнларини ривожланиши, машқларининг таъсир омилларига мослашувчанлик, асосий функционал тизимларни имкониятлари ва уларнинг турли юкламалардан таъсирланиши ва бошқаларга асосланади.** Мазкур йўл қўшимга билимларни, маҳсус ускуналарни, мутахассисларни (физиоогерлар, биокимёгирлар ва бошқалар жалб қилишни талаб этсада спортчининг кундалик холатини баҳолаш ва шундай қилиб чиқсан ҳолда машғулотлар юкламаси, микродаврларда меҳнат

ва ҳордиқ вақтларини режалаш, машқнинг унумли таъсири воситаларини танлаш имкониятларини яратади.

### **Тезкор бошқарув**

*Тезкор бошқариши-мусобақалар, кураш, яккакураш ва х.к.лар вақтида алоҳида машқ машғулотлари ва уларнинг мажмуасини бажариши чогида спортчининг функционал тизими харакатнинг кўзланган характеристикаларига эришишини назарда тутади.*

Бошқарувнинг бундай тури тезкор назорат воситалари ёрдамида олинадиган кўрсатмалардан фойдаланиш, олинган натижаларни таққослаш ва улар асосида машқ ва мусобақа фаолиятига ўзгартиришлар киритиш билан боғлик.

Хусусан тезкор бошқариш тайёргарликнинг турли томонларини, жумладан жисмоний, техник тактик тайёргарликнинг, уни такомиллаштириш самарадорлигини ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Тезкор назорат маълумотлари асосида алоҳида машғулотларни давомийлиги ва сони, уларни бажариш чоғида меҳнат сарфи, алоҳида машғулотлар орасидаги танаффуслар давомийлиги каби машқ юкламаларнинг кўрсатгичлари бошқарилади. Бу мақсадда спортчи организимнинг юкламаларнинг кўрсатгичлари баҳоланади. Масалан, чидамлилини оширишни хилларида ИСС ва қондаги лактат микдори кўрсаткичлари воситасида меҳнат сарфини тезкор бошқариши кенг кўлланилади, куч сифатларини ривожлантиришда, кўрсаткичи турли машғулотларни бажарилишида сарфланадиган куч катталикларни тезкор назорат қилиш йўли билан амалга оширилади. Алоҳида машғулотлар орасидаги танаффуслар давомийлигини бошқариш, баъзи машқларни бажариши вақтида асосий юкламаларни кўтарадиган тизимларнинг ҳолатини ҳарактерловчи кўрсаткичлар асосида олиб борилади.

Замонавий воситалар спортчига унинг динамик ва кинематик кўрсатгичлари, асосий функционал тизимларнинг таъсирчанлиги ва чегаравий ҳамда стандарт (белгиланган) юкламаларга таъсирчанлиги ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларни тезкор аниқласа, етказиш имконини

яратади. Бу спорт машғулотлари жараёнида тезкор бошқаришин самарадорлигини кескин орттиради, масалан, спортнинг баъзи турларида ИСС кўрсаткичларига кўра спортчини меҳнат сарфини назорат қилишни таъминлайдиган кардиолидерларни харакатнинг мукаммал ритм тизимини шакллантирувчи (ёруғлик ва овоз) ритмолидларни қўллаши кенг тус олди. Турли спорт йўналишларида харакатнинг мукаммал динамик битимиши шакллантириш мақсадида харакатнинг белгиланган вақтида асосий юкламаларни кўтарувчи мушакларни мушакларни мажбурий қисқаришини таъминловчи электростимуляцион лидерлар ишлатилмоқда спорт ўйинларида, спорчининг атворини бошқариш унинг фаолиятини тезкор қилиш қилиш асосида техник, тактика, яккакурашда, химояда ва хужумда ва бошқалар жараёнидаги хатоликларни аниqlаш асосида олиб борилади.

Тезлик-күч талаб қиласынан, қийин мувофиқлаштирилген, яккаурашларда, алохидә машғулотларда ва мусобақаларда спортчини ўзини тутишини бошқариш унинг жисмоний юкламаларга лаҳзалик таъсирчанлигига асосланади ва спортчиларнинг авторини уларнинг индивидуал имкониятларини ҳамда рақибларини ўзини тутиш ҳолатига боғлиқ бўлади.

Мусобақа фаолиятини тезкор бошқариш спортчи харакатларининг унумдорлиги техник-тактик режаларга бўйсуниш, рақибларниң чиқишилари тўғрисидаги доимий маълумотларга боғлиқ.

Спортчининг баъзи турларида бундай маълумотларни олиш жуда осон ва спортчи ўз мурабийси, ҳакам, рақиб ва жамодагиларнинг ахборотлари ёрдамида ўзининг харакатларига ўзгартришлар киритиши мумкин.

Бундай ҳолат кўплаб спорт турларида учраши мумкин (масалан, конкида учиш, чанғи учиш, волосипед спорти ва х.к.), бунда спортчи ёки жамоа техник-тактик режага мувофиқлик тўғрисида маълумот, муррабийларнинг кўрсатмалари, рақибларининг кўрсаткичлари хақидаги ахборотларни доимий олиб туради. қўл тўпи шайбали хоккей, волейбол каби спортчи ёки жамоалар фаолиятини тезкор бошқариб

**туриши мумкин. Бунга, тез-тез бўлиб турадиган танаффуслар ва ўйинчиларни алмаштириб туриш мумкинлиги имконият яратади.**

Бошқа спорт турларида эса мусобақа фаолиятини тезкор бошқариш имконияти кам, бунга сабаб мусобақа вақтининг камлиги (масалан, қисқа масофага югуриш) ёки ахборот узатишнинг қийинлигидир (масалан сузиш).

### **Спорт заҳираларни тайёрлашни бошқарувини ташкиллаштириш**

Спорт ютуқларининг замонавий савияси спортчилар тайёрлашни кўп ийллик тизимини ташкил этишни, самарали ташкилий шаклларни излашни, юқори малакали спортчилар қаторини тўлдириб бориш учун иқтидорли йигит ва қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилишни талаб этади. Бунинг учун ҳукуматимиз болалар спортини доимий ривожлантириш юқори спорт маҳорати мактабларини ташкил этишга йўналтирилган қарорлари мавжуд, мамлакатимизда буларга ташкилий, методик ва моддий асос солинган.

Амалга оширилган тадбирлар, омиллар, мураббийлар, раҳбарлар ва спорт харакатини ташкилотчиларнинг саъии харакати туфайли юртимизда спорт заҳираларини тайёрлаш учун ташкилий- методологик асос яратади.

**“Спорт заҳиралари” мажмуаси кенг маънода ёш авлодни ғолвий тарбиялаш, жисмоний тарбияни ва олий спорт маҳоратини янада ривожлантириш, халқаро майдонда етакчи ўринларни эгаллашни ўз ичига олган ижтимоий омиллар билан боғлиқ тор маънода эса «Спорт заҳиралари» маълум бир натижага эришган спортчилардир, улар ўз олдига қўйилган мақсадга мувофиқ маҳоратга эга ва тайёрловнинг спорт натижаларини янада юксалтириш имконини берадиган замонавий ташкилий- методик шакллари билан қамраб олинган.**

Ҳозирги вақтда спорт заҳираларини қуйидагича классификацияси қабул қилинган:

**- амалдаги заҳира - мамлакатнинг терма жамоаларига номзод бўлган, ёш жиҳатдан истиқболли бўлган юқори малакали спортчилардир. Улар халқаро тоифадаги спорт устаси даражасига жавоб**

**беришлари, республика ва халқаро мусобақаларида, жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатнашиши лозим.**

**- яқин заҳира - олимпиядагача бўлган даврда мамлакатнинг терма жамоаларига номзодлар қаторини тўлдириб борадиган ёш иқтидорли спортчилардир. Яқин заҳирани аниқлаш чоғида спортчининг келгуси спорт натижалари, ёшлар аро халқаро мусобақаларида муваффақиятли қатнашиш эҳтимоли каби кўрсаткичларга эътибор берилади. Яқин заҳирани баҳолашда спортчининг ёши, машғулот ва беллашувлар стажи, модел кўрсаткичларига мувофиқлик каби кўрсаткичларга эътибор қаратилади.**

**- истиқболли заҳира- болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, БЎСМ ихтисослашган олимпия заҳиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ИОЗБЎЎСМ олий спорт маҳорати мактабларида ОСМИ шуғулланаётган ёш спортчилардир.**

Ёш спортчиларни кўп йиллик тайёрлов жараёнини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш муҳим ва доим ўсиб борадиган аҳамиятга эга. Ёш спортчиларни кўп йиллик тайёрлов жараёнини, умуман ушбу жараённи бошқариш воситалари ва усусларини йиғиндиси сифатида кўриш керак, шулар билан бир қаторда спорт ташкилотлари, спорт мактаблари, мураббийлар кенгashi ва алоҳида мураббийларнинг йўналтирувчи, мувофиқлаштирувчи ва назорат фаолиятининг таркибий қисми каби қараш мумкин.

Спорт заҳираларини тайёрлов тизимиning ташкилий- услубий асослари ўз ичига ўзаро боғлиқ бўлган кичик тизимларни олади. Улардан энг муҳимлари тайёрловнинг ташкилий структураси, илмий-услубий таъминот, моддий-техник база, кадрлар, ахборот-ташвиқот ва тарбиявий ишлар тизими ва шу кабилардир.

### **Ёш спортчиларнинг кўп йиллик тайёрлов босқичлари**

Ёш спортчиларнинг кўп йиллик тайёрлов босқичлари спорт харакатининг ташкилий структураси таркибида минтақавий ва идоравий

спорт ташкилотлари, кўнгилли спорт жамиятлари киради, улар спорт захираларини тайёрлашни ташкиллаштирадилар ва назорат қиласидилар. Спорт захираларини тайёрлаш уларга бўйсунувчи муссасаларда олиб борилади. Буларга БЎСМ, йўналлишидаги мактаб-интернатлар, олий спорт маҳорати мактаблари киради.

Спорт мактаблари номенклатурасига мувофиқ БЎСМ ва ИОЗБЎМ. Мазкур ташкилий структура болалар ва ўсмирларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш, ҳар томонлама ривожланган ёш спортчиларни тайёрлаш, ҳамда юқори малакали спортчиларни тайёрлашни таъминлашга лозим.

БЎСМлар халқ таълими тизимида, ҳамда кўнгилли спорт жамиятлари, касаба уюшмалари, таълим муассаларида, вазирлик ва идоралари ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт уюшмалари қошида ошлади.

Спорт мактабларини очиш учун асосий талаб-шахсий ёки ижарагаолинадиган спорт базасининг, маълумий ва ёрдамчи биноларнинг, мавжудлигидир. Бундан ташқари, раҳбар ва мураббий кадрлар, ҳамда молия билан таъминат бўлиши керак. Спорт турларининг ўзига хослигидан ва шахарларда, қишлоқ жойлардаги шароитдаин келиб чиқсан ҳолда спорт мактабларининг бўлимлари (филиаллари) ташкил этилиши мумкун, бу айниқса эшкак эшиш каби спорт турлари учун муҳим.

ИОЗБЎМ мавжуд БЎСМлар базасида ташкил этилади, бунда БЎСМларнинг олий малакали спортчиларни тайёрлашда юқори савияга эришишганлигига алоҳида эътибор берилади.

Махсус синфларни ташкил этилиши мураббийларга барча ўқувчилар учун ягона тартиб белгилаш имконини беради. Яъни, қунига икки мартали спорт машғулотлари ўтқазиш, тўғри овқатланишни ташкил этиш, ўзлаштиришни доимий назорат қилиш ва мактаб ўқитувчилари билан ягона тарбия жараёнини олиб бориш.

Натижада, умумтаълим мактабларидаги ихтисослашган синфлар интизом, ўзлаштириш, меҳнат ва жамат ишларига намунага айландилар.

Таълим олиш ва спорт билан шуғулланишнинг бундай шакли ҳам ўқувчилар, ҳам ота-оналар томонидан қўллаб-қувватламоқда. Бориб келишлар вақти қисқарди, ўкуувчилар уй вазифаларини бажариш вақтида доим малакали ёрдам ва маслаҳат олишлари мумкин. Яна бир муҳим омил, бу дўстона мутахқам жамоа яратиш имкониятидир. БЎСМ-энг истиқболли шаклидир. Бундай синфлар БЎСМ ва ИБўОЗСМларнинг ягона иш шакли эмас. Идоравий жисмоний тарбия ташкилотлари тизимидағи спорт мактаблари олимпиада тайёрлов таянч пунктлари (марказлари ни ташкил этиш учун биза вазифасини ўтади. Ушбу мактаблар ҳам ихтисослашган синфлар каби худди шундай вазифаларни ҳал этади, олий малакли олий малакали спортчиларни режа асосида тайёрлаш учун шароит яптиш, кенг тарбиявий ишларни худди шундай шакли ОСММда ҳам йўлга қўйилган.

### **Ёш спортчиларни тайёрлашни бошқариш технологияси**

Ёш спортчиларни тайёрлашни бошқариш технологияси бир неча босқичга бўлинади: **қарор қабул қилиш, ижрони ташкил этиш, ахборотларни йиғишиш ва таҳлил қилиш, якуний маълумотнома тайёрлаш.** Агар ушбу умумий қоидаларини ёш спортчиларни тайёрлаш тизимида қўллайдиган бўлсак, қуйидаги тизимга эга бўламиз. Бошқарув тизимининг ташкилий элементлари спорт мактабаринг сифатли ва самарадолигини яхшилашга йўналтирилганлигини акс эттиради. Ушбу жараёнда етакчи ўрин мураббий (тренер) ва бошқа мутахассисларга (врачлар, илмий ходимлар ва бошқалар) ажратилади.

Ёш спортчиларни тайёрлашни бошқаришдаги муаммолар шунчалик кўп қирралики, уларнинг кўпларини ҳал этиш учун фақатгина мураббийнинг ҳаракати етарли бўлмайди. Масалан, ёш спортчилар гурӯҳи олдига мақсад ва вазифалар қўйилаётган вақтда, спорт мактабарининг фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатлардан ташқари педагогик ва тиббий-физиологик текширувларнинг натижалари ҳам эътиборга олиниши керак. Ёки, спортчиларнинг спортга лаёқатли эканликларини аниқлаш вақтида

масалага мажмуавий ёндашиш лозим чунки, бунда кенг доирадаги мутахассисларнинг (врачлар, психологлар, физиологлар ва х.к.) фикрлари муҳим ўрин тутади. Бошқача қилиб айтганда, бошқарувнинг самарадорлиги кўплаб хизматларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган харакатларига боғлик.

Алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, спорт заҳираларини тайёрлаш бошқарувнинг самарадорлигини ошириш учун, барча спорт йўналишлари учун ягона бўлган тўғри услугубий тизим қоидаларига риоя қилиш муҳим омил ҳисобланади. У ёки бу тизимнинг самарадорлигини аниқлаш қиёсий таҳлил ёрдамида амалга оширилади. Бирок, ёш спортчиларнинг маълум вақтгача ўсиб бориши натижасида кўп йиллик тайёрлов жараёнининг турли босқичларида қандайдир абсолют кўрсаткичларни қиёслашнинг иложи йўқ, ёки мақсадга мувофиқ эмас.

Худди шунинг учун ўсмирлар спортида ёш спортчиларни тайёрлаш тизимиning микдорий ва сифат кўрсаткичларини белгиловчи ва таҳминий катталиклар асосида унинг ўзига хослигини аниқлашни белгиловчи меъёрларнинг нисбати етакчи ўрин тутади. Унинг моҳиятини баъзи мисоллар ёрдамида очишга харакат қиласиз.

Тадқиқотларнинг маълумотларига кўра чукурлаштирилган машғулотларнинг бошланғич даврида югуришда ўспирин ва қизларнинг даврий юкламасининг умумий ҳажми мос равища 2078 ва 2065 км.га, чанғи учища 3467 ва 2814 км.га этиб боради. Мазкур абсолют катталикларни қиёслашда турли спорт йўналишларида тайёргарликнинг бир хил босқичида талабларнинг ягоналигига қатъий риоя қилинаётганлигини аниқлаш мумкин эмас. Агар, юқорида келтирилган даврий юклама ҳажмлари кўрсаткичларини нисбий катталиклар тизимига ўтказиб хусусан чукурлаштирилган машғулот босқичининг яқуний даври параметрларига келтиrsак, у ҳолда уларнинг ўспириналар ва қизлар учун сон микдори мос равища қуйидагича бўлади: ўрта масофага югурища 63,4 ва 73,1 узоқ масофага югурища 60,5 ва 61,3%. Олинган натижалар баъзи хулосаларни чиқаришга имкон беради. Аввало, турли спорт йёналишларида шуғиллаётган ўсмирликнинг тайёрловни муаян

босқичида, юкламарари ҳажмининг деярли тенглиги ҳақида айтиб ўтиш мумкин.

Ўрта масофага югурувчи ёш спортчи қизларнинг юкламаси ҳажми эса чанғи қизларда анча кўплиги яққол қўриниб турибди. Абсолют кўрсаткичлар таҳлил ёрдамида бундай хулосаларга келиб бўлмас эди.

Бошқа мисол, сузишдаги машғулотлар юкламаси структурасига тегишли. Йиғилган маъумотларнинг таҳлилига кўра ўкув-машқ ва жисмоний такомиллаштириш гурухларидаги ёш сузувчиларнинг юрак уриши 120-130 уриш/мин бўлганда юкламанинг карциал босими мос равища 98,8 ва 118,6 км.га teng. Ушбу кўрсаткичларни таққослашда, икала ҳолда ҳам, компенсациялови деб аталовчи юкламаларни қўллаш даражасини аниқлашни иложи йўқ. Шу билан бир вақтда нисбий катталикларда келтирилган иш ҳажмининг, умумий ҳажимдан фоиз ҳисобида ўкув-машқ гурухларида 6,4%ни, жисмоний такомиллаштириш гурухларида 5,2%ни ташкил этади.

Бошқача қилиб айтганда, ёш сузувчиларни тайёрлаш даражалари бир-биридан фарқлансада, машқлар юкламалари ҳажмининг маълум даражада узмаслиги кузатилади. Меъёрни нисбатлар концепциясидан фойдаланиб, мураббий, турли ёшдаги, маҳорат ва мутахассисликдаги ёш спортчиларнинг маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш имконига эга. Масалан, қизларнинг диск ва ядро улоқтириш бўйича гурухлаштирилган машғулотлар босқичида юкламалар ҳажмиқиёсий қўринишда мос равища 69,13 ва 69,58%. Ушбу кўрсаткичлар, енгил атлетиканинг турли йўналишларидаги қизларнинг машғулотларидаги юкламаларини нормалашда бир хил меъёрлар қўлланилганлигини кўрсатади. Ёки бошқа мисол, тадқиқотларга ўра 1 разред ва спорт усталигига номзод қизларнинг 25м.га эркин усулда сузиш бўйича натижалари мос ҳолда 14,83 ва 14,37 ва 1500м.га 21. 22,79 ва 1956,58 ga teng. Спорти қизлар турли маҳоратга эга бўлганлиги сабабли тезлик ва чидамлилик сифатларининг характеристики бўйига ўқиёсий таҳлилни фақатгин нисбий катталиклар ёрдамида ўтказиш мумкин, хусусан 100м.га сузиш бўйича натижаларга нисбатан. Бу ҳолда, тезлик ва чидамлилимкни

белгиловчи кўрсаткичлар 1 разред спортчиларида 116,1 ва 79,3%га тенг, спорт етаглигига номзодларда 112,3 ва 82,1%. Кўриниб турибдики, спорт кетаси номзод спортчиларнинг жисмоний сифатлари юқори бўлса, 1разрядли сузувчиларда тезлик имкониятлари яхши ва х.к.

Ёш спортчилар тайёрлашни бошқариш

1. Қарорларни қабул қилиш
2. Ижрони ташкил этиш
3. Маълумот йиғиш ва қайта ишлаш
4. Якун ясаш
5. Мақсад ва вазифаларни белгилаш
6. Спортга лаёқатлиликни аниқлаш асосида гуруҳларни шакллантириш
7. Мақсадга етишни аниқловчи омиллар
8. Тренировкани режалаштириш
9. ўқув-машқ жараёнини ўтказиши
10. Кузатувчилар
11. Назорат тизими
12. Ҳисоб
13. Белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш
14. Келажакдаги қарорларни қабул қилиш учун тавсиялар

### **Бошқарув технологияси схемаси**

Шундай қилиб, меъёрий нисбатлар концепцияси спортчининг маълум гуруҳларида ягона услугни қўллаш имконини беради, бу эса бошқарувнинг кўпгина масаллаларини янада самаралироқ ечишга йўл беради.

**Ёш спортчилар тайёрлашга, режалаштиришнинг мақсадли-дастурий усули жиҳатидан назар ташласақ, қуйидагиларни кўрамиз:** 1) мақсадга йўналтирилганлик хусусиятига эга титизимни, яъни бошқарув терма жамоаларининг асосий таркибида энгюқори натижаларга эришишга қаратилган; 2) ҳам узоқ мудатли, стратегик мақсадларни, ҳам кундалик оралиқ характерга эга бўлган мақсадларни амалга оширувчи

**динамик характерга эга бўлган мақсадларни амалга оширувчи динамик равиша ривожланаётган тизимни; 3) кўп йиллик тайёрлов жараёнида спорт маҳоратини ўсишининг объектив қонуниятларини қўллашга асосланган бошқарув тизимини; 4) кўп босқичларга эга бўлган ташкилий тизимни; 5) турли таркибий қисмлардан иборат бўлган катта тизимни; 6) ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат бўлган мушкул тизимни.**

Бундай ҳолларда энг долзарблар қаторига кирувчи бўлимларни ажратиб ўтиш лозим. Ёш спортчиларнинг маҳоратини ўстириш бўйича тайёргарликнинг асосий шакли спорт машғулотларидир. Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан қуйидаги асосий таркибий қисмларни ажратиб ўтиш мумкин:

**-спортнинг маълум вақтдаги ва яқуний босқиядаги ҳолатини характерловчи кўрсаткичлар мажмуаси;**

**-самаралипедагогик таъсирнинг ва уларнинг оқилона структураларининг мажмуаси;**

**-спорт машғулотлари жараёнини назорот ва мослаштиришнинг ишончли ва ахборот билан таъминлаш тизими.**

Келтирилган 2-чизма кўп йиллик тайёрловнинг ҳар бир босқичи қўлланилиши мумкин. У, ёш спортчининг маҳорати ва тайёргарликнинг даражасидан келиб чиқсан ҳолда, қўйилган мақсадга мувофиқ бир савиядан бошқачасига, сифат бўйига юқори поғонага кўтаришни кўзда тутади.

Алоҳида қайд этиш лозим, кўп йиллик тайёрловнинг турли босқичларида ёш спортчилар эришиши керак бўлган мақсад қўсаткичи, нафақат спорт натижаси кўринишида, балки бошқа катталиклар кўринишида бўлиши ҳам мумкин.

Спорт машғулотларини бошқариш жараёни мураббий томонидан маълум кетма-кетлигидаги амалларни бажарилишини кўзда тутади (шу билан бир вақтда мақсад эътиборга олинади).

**Биринчи амал** - спортчининг тайёргарлиги тўғрисида бирламчи маълумотларни олиш; кучли ва замос томонларини аниқлаш; умумий ва хусусий вазифаларни аниқлаш.

**Иккинчи амал** - мақсаддаги кўсаткичга эришишни таъминлайдиган модил характеристикалари билан танишиш. Ёш спортчи эришиши керак бўлган модел кўрсаткичларига ариентация қилиш учун, бир томондан яхши ривожланишни ва иккинчи томондан тайёргарликнинг керакли савиясидан ўзиди кетмасликни таъминлаш лозимлигидан келиб чиқади. ўсминалар спортида, спорт малакасини янада такомиллаштиришда базавий спорт машғулотларининг самарадорлиги биринчи ўринга чиқади, улар болалар ва ўсминаларга ишончли асос таминалини лозим. Маълумки, самарадорлик нисбий катталиқ, уни бирон бир нарса билан таққослабгина ҳисоблаш мумкин. Масалан, ёш спортчи ривожланишининг қандайдир сифати аниқланганда, факатгина шу маълумотларни модел кўрсаткичларига қиёслаб, спорт машғулоти қандай савияда олиб борилаётганлигини аниқлаш мумкин.

Бу холда модел кўрсаткичларга ўзига хос этalon кўрсаткичлар сифатида қаралади.

**Учинчи амал**- бошқарув тизимида даражаси бўйича энг муҳим, ёш спортчиларни ҳам модел, ҳам режадаги кўрсаткичларга эришишни таъминлайдиган машғулотлар тузишни назарда тутади. Ёш спортчиларни умумий ва маҳсус тайёргарлик савиясини оширувчи кўп сонли методик ёндашувлар ва усулардан, шундай оқилоналарини танлаб олиш керакки, улар қўйилган мақсад ва мавжуд имкониятларга тўла мос келиши керак. Булардан келиб чиқиб, машғулотлар юкламаларини режалаштириш ва нормалаш, уларнинг самарадорлик структураси, тайёргарликнинг асосий қисмларининг нисбати машғулотларнинг энг оқилона воситалари ва усулларини танлаш ва каби мақсадлар биринчи навбатдаги аҳамиятга эга бўлади. Ечим, кўп йиллик умумий қонуниятларини, ёш спортчиларнинг ўсмилик хусусиятларини, маълум спорт турининг ривожланиш тенденцияси тўғрисида билимларга асосланган бўлиши керак. Бунда, кам вақт сарфлаб керакли натижага

эришиш мезони энг муҳим бўлиш керак, ва бу жиҳатдан йиллик даврнинг турли босқичларида ўлчови бўлиб назорат меъёрлари хизмат қилиши мумкин.

**Тўртинчи амал**-танланган йўналишдаги машғулотлар жараёнини ва қабул қилинган қарорлар самарадорлигини баҳолаш. Бу ерда, мажмуавий назорат тизими ишга тушади, унинг вазифаси қарорлар ижроси таъминлангандан кейинги унумдорликни баҳолашдан иборат. Назорат, ёш спортилар еришиши лозим бўлган аниқ меъёрий қўрсатгичларни ҳақиқатда олинган натижалар билан таққослаш ва дастурга керакли ўзгартиришларни киритиш бўйича тадбирларни ўз ичига олади.

**Бешинчи амал** - натижалар таҳлили, якуний хulosалар ва келажак мақсадларни аниқлаш.

Шундай қилиб, ёш спортчилар машғулотлари жараёнини бошқариш тизими, унинг умумий ва хусусий бўлимлари бўйича илмий асосланган тавсияларнинг мавжудлигини назарда тутади. Аввало, улар қаторига қуйидагилар киради:

- 1) бошқарув мақсадларига мос равшда, ёш спортчиларни спортга лаёқатлигини аниқловчи аҳборот тизими;**
- 2) қўйилган вазифаларга эришиш шартларига жавоб берувчи ёш спортчиларни умумий ва маҳсус тайёрлов структураси;**
- 3) спорт натижалари режасини бажарилишини таъминлайдиган, ёш спортчиларнинг тайёргарлиги ва уларнинг организми ҳолатиниги саосий қўрсаткичларининг модел характеристикалари;**
- 4) мақсадга эришиш йўлларини аниқлаштирувчи машғулот жараёнинг меёрини қўрсаткичлари;**
- 5) замонавий тенденцияларни шу жумладан ноанъавий усулларни кўллашни ҳисобга олган ҳолда ёш спортчиларнинг машғулотлар дастурини оқилона тузиш;**
- 6) қабул қилинган қарорларни ижросини баҳоловчи мажмуавий назорат тизими;**

## **7) пировард мақсадни ҳисобга олган ҳолда ёш спортчилар билан тарбиявий ишларнинг хусусияти.**

Қайд этиб ўтиш мумкинки, ушбу билимлар, врачлар, илмий ҳодимлар, ташкилотчи ишчилар иштирокисиз муваффақиятли амалга ошириб бўлмайдиган бошқарув технологиясига тўла жавоб бўлади. Лекин, мураббий (тренер) марказий шахс бўлиб қолаверади. ўқув-машғулот жараёнини режалаштириш, такомиллаштириш ва амалга оширишни асосий функцияларини бажариш вақтида, у бошқа мутахассисларнинг кўрсатма ва тавсияларига амал қиласди. Уларнинг мос равишдагиси ахборотлар ва хуносалар кўринишидаги ёрдамлари мураббий ёш спортчини тайёргарлик даражасини, спортгалаёқатли эканлиги, модел кўрсаткичларига мослиги, ҳамда йиллик даврнинг турли босқичларида мажмуавий назорат ва машғулотларрежасини бажарилишини таҳлил қилишда кўмак беради.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Кўп йиллик тайёрловнинг биринчи босқичи қандай.
2. Бирламчи саралов ва йўналтиришга тариф беринг.
3. Танланган спорт туридаги машғулот учун болалар ва ўсмирларнинг бирламчи танлови.
4. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг иккинчи босқичини вазифасини айтиб беринг.

### **Адабиётлар.**

1. Саламов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма Тош. 2005.
2. Керимов.Ф, Умаров.М. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. Дарслик. Тош 2005.
3. Керимов.Ф. Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар. Ўқув қўлланма. Тош. 2004.

#### **4-мавзу: Спорт мусобақаларининг тизими**

**Режа:**

1. Умумий тушунча.
2. Мусобақалар ва уларда мунтазам қатнашиб бориш.
3. Спорт беллашувларининг турлари.
4. Тайёрлов тизимидағи беллашувлар.

#### **Умумий тушунча**

Спортдаги мусобақалар - ёшлар учун жуда катта рағбатлантириш бўлиб, ўз кучлари ва имкониятларини кўрсатувчи восита сифатида, иродаси ва характерини чиниқтириш учун хизмат қилади. Бизга маълумки, мусобақалар машқ жараёнинг натижаси бўлиб, спортчининг иродасини тарбиялайди, спорт курашларига ўргатади, машқлар жараёнини назорат қилади. Мусобақалар алоҳида тайёргарлик талаб қилади ва спортчининг юқори натижаларига эришишда мухим рол ўйнайди. Мусобақада қатнашиш учун, илмий асосланган қонун-қоидаларга риоя қилиш керак. Мусобақалар мақсади, масштаби ва руҳий зўриқиши даражасига кўра ҳар-хил бўлади.

Спортчи машғулот тайёргарлик ҳолатини ҳар-хил мусобақа даражаларига қаратади яъни, ғалабага, рекордга, сараланишга, назоратга, машғулотга, тактикага, шароитга ва бошқ.

Мусобақаларда иштирок этиш спортчининг жисмоний ва руҳий ҳолатига ижобий таъсир қилади ва тажрибасини, билимини оширади.

Мусобақалар машғулотли, маъромига етказиш ва аъло даражали каби турларга бўлинади. Бу бўлиниш шуни англатадики, дастлаб, бир қанча қатор машғулотлар орқали асосий мақсадга ўтилади ва маромига етган мусобақаларга олиб келади. Аниқ мақсадларда тайёрланган мусобақалар

тўплами аввал, машғулотларда кейин эса маромига етган мусобақларда шаклланади.

Спорт турларидан олинган тажрибаларни ўрганиш давомида, спорт соҳасидаги юқори чўққиларни эгаллашда мусобақалар жуда муҳимлигини билиб оламиз. Масалан: кўпгина енгил атлетикачилар асосий қулминация нуқтасига етган мусобақаларни одатда, ҳисоб бўйича 16-18 га режалаштиришади (мамлакат биринчилиги, Европа ёки олимпиада ўйинлари). Худди шундай сонлар мусобақаларда енгил атлетикачиларни спортнинг юқори формаларини эгаллашини таъминлайди.

Мусобақаларга бирдан қатнашиб, юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Айнан шу мусобақаларда спортчи ўз имкониятларини, маҳоратини кўрсатади, техник камчиликларини тўғрилайди, иродасини чиниқтиради, мусобақа шароитларига кўникади ва моҳирона ёндашади.

Шунинг учун замонавий машғулот усуслари бир йилда кўринарли даражада мусобақалар сонини оширишга ёрдам беради. Мусобақалар сони ошган сари спортчилар йилнинг ҳамма фаслида ўтказиладиган беллашувларда ўзларининг қобилиятларини кўрсата оладилар.

### **Мусобақалар ва уларда мунтазам қатнашиб бориши**

Спорт мусобақалари олимпиада спортида марказий элементлардан бўлиб, мусобақа фаолиятидаги эришиладиган натижалар учун, спортчининг тайёргарлик усулини ва ташкилотчиликнинг ҳамма тизимини аниқлайди. Мусобақаларсиз спортнинг ўзи мавжуд бўлмаган бўлар эди. Шунинг учун олимпиада спорти қайсиdir маънода билим ва фаолият доирасини мусобақанинг ривожланиши ва таъминланиш йўналишига қаратилганлигини кўриб чиқади.

Спорт мусобақалари инсон муносабатларининг ўзига хос модели ҳисобланади. Бу эса беллашувларда, мағлубиятларда, доимий ғалабага эришишда, юқори натижаларни қўлга киритишда, обрў-эътиборда ва материал таъминланиш мақсадлариди кўринади.

Мусобақалар, ташкилотчиликнинг амалда кўринишида, тайёргарликнинг ашёвий-техникавий асосларида, олимпиада спорти учун, саралаш тизимидағи резервларни тарбиялаш, тренер кадрларнинг иқтисосини оширишда, мутахассислар тайёрлаш тизимидағи натижавийлик, спорт фанидаги илмий-методикани даражаси, медицини томонидан таъминланишида аниқланади.

Спорт мусобақаларида спортчиларнинг ва жамоаларнинг имкониятларини максимал даражада амалга ошиши, уларнинг тайёргарлик даражасини солишириш, энг юқори натижаларни эгаллаш, ғалабалар, рекордлар ўрнатиш юз беради.

Максус адабиётларда спорт мусобақаларига ёндашган биологизаторлар позициясини кўп марта учратамиз. Бу қарашни тарафдорлари мусобақаларда биринчи навбатда «тажавузкорликни ўзига хос шаклини», «жанговор сезгини қондириш», «рухий кескинликни камайиши», «чалғиши» ва бошқа ҳолатларни номоён бўлишини кўришади. Бу ҳолатларда, спорт мусобақаларининг моҳиятини инсонларнинг сезги қобилиятига қараб эмас балки, чуқур ўйланган спорт олимпиадаларини ўтказиш орқали исботланади (Понамарёв 1987).

Мусобақалар, қатнашчилар ва улар орасидаги ўзаро рақобат орқали шаклланади. Рақобатчилик муносабатларда, миллий олимпиада қўмитаси, миллий федерация, команда раҳбарлари, Спортчилар тайёрлов тизимининг ташкилотчилари, илмий ходимлар, врачлар, максус таъминлаш хизмати, спорт инвентарлари ва жиҳозлари билан таъминловчи фирмалар, спорт кийимлари, тренажёрлар, диагностика ускуналари, болелшиклар қатнашадилар.

Спортчилар орасидаги ўзаро рақобат мусобақ натижаларига эришишда холис баҳо бериш характеристи билан (пишиқлик ва даража); мусобақа жараёни билан (тажминан бир хил синфдаги спортчиларнинг сони ва уларнинг даражаси); мусобақа шароити билан (болелшиклар сони, прессанинг эътибори ва бошқ.); мусобақа жараёни ва натижаларга субъектив

характеристика билан (спортчилар, болелщиклар, мутахассислар фикри) баҳоланади.

Шундай қилиб, спорт мусобақалари жараёнида рақобатчилик асосий муносабатлардан бири бўлиб қолади.

Олимпиада спортида ғалаба билан боғлиқ бўлган натижалар ва маълум ўринларни эгаллашга алоҳида эътибор берилади. Телевидения ахборот воситалари билан рақобатчиликни ёритиш муҳим омил бўлиб, мусобақаларни яна ҳам томошабоп қиласди ва яна ҳам ўзига тортади (Келлер, 1987).

Рақобатчилик беллашув қатнашчиларини бир- бирига қарама - қарши қилиб қўймайди балки, спортчилар ва мутахассисларнинг бирлаштириб, умумий қизиқишилари бўлган спортнинг яна ҳам обрў-эътиборли бўлишини таъминлайди. Шунингдек, унинг томошабоп ва машҳур бўлишига, беллашув жараёнида тажриба алмашишига, спорт фанини ютуқларга эришишига олиб келади.

Спорт беллашувлари ижтимоий ҳаётнинг ҳодисаси бўлиб, инсон фаолиятига таъсир қилувчи асосий принципларига бўйсунади (мехнатда, ўқишда, санъатда). Булар ошкоралик, натижаларни солиштириш ва тажрибаларни амалда такрорлаш.

**Ошкоралик – бу томошабинлар олдида ҳар томонлама ахборот бериш. Бу мусобақалашувчиларнинг харакатини умумий назорат қилишга шароит яратади ва тажриба алмаштиришнинг бир шакли сифатида хизмат қиласди.**

**Натижаларни солиштириш – мусобақа харакат қоидаларини таъминлайди, спорт ютуқларини объектив усуллар билан қайд қиласди ва мусобақа усуллари ҳамма учун teng эканлигини назорат қиласди.**

Тажрибаларни амалда такрорлаш имкониятлари, мусобақалар календардаги даврийликни, анъанавийликни, барқарорликни, танлаш қоидаларини ва мусобақа қўйишни аниқлайди.

Бу асос нафақат спорт маҳоратидаги анъанавийликни юқори даражада ўсишини таъминлайди балки, беллашув фаолиятини ҳам жадаллаштиради. Шунинг учун беллашувларга спортчи тайёргарлигининг энг кўп натижа берувчи ва алмаштириб бўлмайдиган восита сифатида қаралади.

(Платонов, 1986; Суслов 1995)

### **Спорт беллашувларининг турлари**

Спорт беллашуви қатнашчилари таркибининг мақсади, вазифаси ва ташкил қилиш шаклларига кўра бир неча турларга бўлинади.

Йирик турдаги расмий беллашувлар тайёргарликнинг узок босқичини эгаллайди ва спортчилар ва жамоаларнинг тайёргарлик тизими баҳолайди.

Бу беллашувлар спортчиларнинг жиддий мусобақаларда қатнашиш учун ва ҳар томонлама тайёргарлигини кўрсатишида эфектли восита бўлиб, спортчиларни танлаш вазифасини ечиб беради.

Беллашувлар, тайёрлов, назорат, етакловчи (моделли), саралаш ва асосий кабиларга бўлинади.

#### **Тайёрлов беллашувлари.**

Спортчининг мусобақа фаолиятида янги техника ва тактикани такомиллаштириши, организмни ҳар-хил функционал тизимдаги мусобақа юкламаларига кўнизиши беллашувнинг асосий вазифаси ҳисобланади. бу билан спортчининг шугулланиш даражаси ортади ва янги мусобақа тажрибаларини эгаллайди.

#### **Назорат беллашувлари.**

Назорат беллашувларида спортчининг тайёргарлик даражасини баҳоланади. Бунда спортчининг эгаллаган техник, тактик, ҳаракат сифатларини ривожланиш даражаси, мусобақа юкламаларига руҳий тайёргарлиги текширилади. Мусобақа назорати натижалари тайёрлов жараёнинг тузилишини тўғрилайди.

#### **Етакловчи (моделли) беллашувлар.**

Бу беллашувларнинг асосий вазифаси спортчини макроциклда, бир йилда, тўрт йилликдаги асосий мусобақаларга олиб келишидир.

Етакловчи беллашувлар спортчи тайёргарлиги тизимида маҳсус ўюштирилиб, расмий мавсумий мусобақаларга олиб келади. Улар асосий беллашувларни қисман ва тўлиқ моделлаштиради.

### **Саралаш беллашувлар.**

Саралаш мусобақалари спортчиларни терма командалар учун ва олий мартабага етакловчи мусобақаларда қатнашувчиларини саралайди. Бу беллашувларнинг алоҳида томонлари шундаки, танлаш шартлари бор. Бунда асосий мусобақаларда қатнашиш учун аниқ ўринлар эгаллаш керак ёки назорат нормативларини бажариш керак.

### **Асосий беллашувлар.**

Асосий беллашувларда, спортчи босқичларидаги такомиллаштиришда олий натижалар эришган бўлиш керак.

Бу беллашувда спортчилар ўзларининг эгаллаган техник-тактик ва функционал имкониятларини, юқори натижаларга эришишдаги максимал интилишларини, руҳий тайёргарлигининг юқори даражадалигини кўрсатиши керак бўлади.

Мълумки, олимпиада спортида йирик комплекс мусобақалар яъни, Олимпиада ўйинлари, Қишиги олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионати, йирик қитъалараро ва маҳаллий мусобақалар, шунингдек, йирик комплекс мусобақалар ёки бутун жаҳон Универсиадалари марказий ўрин эгаллайди.

### **Тайёрлов тизимидағи беллашувлар**

Спортчиларнинг тайёргарлик тизимидағи мусобақалар тайёрланиш даражасини назорат қилувчи восита бўлиб қолмасдан балки, спорт маҳоратини ва шуғулланишни оширишда муҳим восита бўлиб қолади.

Беллашувларга ва мусобақа курашларига бевосита тайёргарликнинг ўзига ҳос хусусиятлари шундаки, мусобақалар курашида спортчи организмининг потенциал вазифаларини сафарбар қилиш кучли усуслардан

бири ҳисобланади. Шунингдек спортчи организмининг келгусида кўниши таъсирига йўллайди, беллашув фаолиятидаги мураккаб шароитга рухий чидамлилигини тарбиялади, техник- тактик қарорларини таъсирини қайта ишлади.

Шунинг учун мутахассислар беллашувини тайёргарликнинг мухим шакли сифатида ишлатадилар. Тайёргарлик жараёни асосан, олий тоифадаги спортчиларнинг индивидуал имкониятларини максимал даражада амалга оширишни босқичларда номоён қиласи (Вайцеховский, 1985).

Мусобақалар тайёргарликнинг кўп йиллик босқичида ўрни ва роли билан ажралиб туради. Бошланғич босқичларда тайёрлов ва назорот беллашувлари режалаштирилади. Уларнинг асосий мақсади, ўтган машғулотлар босқичидаги натижаларни назорат қилиш, машғулот курашларида тажриба ортириш, тайёргарлик жараёниниг таъсирчанлигини таъминлаш. Спортчиларнинг малакаси ошган сари беллашувлар сони ҳам ортади.

Замонавий беллашувлар амалиётида 3 та услубий ёндашувни кўриш мумкин.

Биринчиси; спортчининг ҳар-бир беллашувларда юқори спорт натижаларини қўлга киритишга харакат қилиш.

Иккинчиси; мусобақа амалиётида тезлик озроқ бўлиб, бунда спортчи бутун дикқат этиборини мавсумнинг асосий мусобақалари тайёргарлигига қаратилади.

Учинчиси; беллашув фаолияти жуда ҳам кенг бўлиши, лекин дифференециал бўлиш керак, тайёрлов ва назорот беллашувлар фақат тайёргарлик воситаси сифатида ишлатилади.

Биринчи ёндашувда, спортчилар, беллашувни тайёрлов усули ва машғулот жараёнининг унумлилигини назорат қилишда восита сифатида кенг қўллайдилар. Спортчилар беллашув шартларига мослашиб оладилар ва етарли даражада юқори натижаларни қўлга киритадилар ва тайёргарлик даражаларини мусобақаларга ушлаб турадилар. Лекин тадқиқотчиларнинг

фикрига кўра, (Платонов, 1988) турли мусобақаларда доимо юқори спорт натижаларини эгаллашга харакат қилиш, асаб ва руҳий ҳолатни зўриқтиради, жисмонан кучланиш хосил бўлади, техник тайёргарлиги ёмонлашади, мусобақалардаги спорт кўрсаткичлари тушиб кетади.

Иккинчи ёндашувнинг ҳам, юқори малакали спортчилар тайёрлашда ўзига хос камчиликлари бор. Биринчидан, чегараланган беллашув амалиёти спортчилар организмини кўниши таъсирини келажакдаги ривожланишини таъминловчи муҳим омилларини биридан маҳрум қиласди. (Платонов. Вайцеховский 1985) Иккинчидан мусобақаларда етарлича тажрибалар эга бўлмагани учун, асосий мусобақаларда техник-тактик ва функционал потенциалларини мукаммал амалга оширишга йўл бермайди. Бундай мусобақа тайёргарлиги кўпгина кутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ бўлади, яъни ҳар-хил олдиндан кўзланмаган омиллар билан тўқнашиш биринчи навбатда киши организмида хавотир уйғотади. Мусобақадаги фаолиятнинг бундай ривожланиши кўзда тутилмагани ва уни ечиш учун тайёр эмаслиги стресс ҳолатини келтириш шунингдек, мусобақа натижаларига салбий таъсир қилиши мумкин.

Учинчи ёндашув анчагина самарали бўлиб, биринчи ва иккинчи ёндашувни камчиликларини тўғрилаб кетади. Асосий мусобақалар шароитида техник-тактик маҳорат, жисмоний-руҳий тайёргарликнинг имкониятлари, назорат ва етакловчи мусобақаларда спортчи фаоллигини таъминлаш беллашув фаолиятининг талабларидан биридир. Мусобақаларни йил давомида режалаштиришда спортчининг тайёргарлик тизимидағи мағулотлар ва беллашувлар фаолиятини teng олиб боришни ҳисобга олиш керак.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Башорат қилиш услуби ва тавсифини айтинг.
2. Башорат верификацияси (тўғрилигини аниқлаш).
3. Спортда башорат қилишга мажмуали ёндошув, мажмуали ёндошувнинг моҳияти.

4. Мажмуали спорт башорати олдида турган асосий вазифасини асослаб беринг.
5. Мажмуали ёндошув башорат муаммоларининг тизимли тадқиқ этиш сифатида.

**Адабиётлар.**

1. Саламов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма Тош. 2005.
- 2.Керимов.Ф, Умаров.М. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. Дарслик. Тош 2005.

## **5-мавзу: Спорт мусобақаларининг тизими**

**Режа:**

1. Мусобақа фаолиятининг стратегияси ва тактикаси.
2. Мусобақа фаолиятидаги техника.
3. Мусобақа фаолиятининг тузилиши.

### **Мусобақа фаолиятининг стратегияси ва тактикаси**

**Стратегия – сўзи кенг маънода қўлланилганда, амалиёт фаолиятидаги олий даражадаги билимларни мақсадлар йўналишини маълум қонунлар асосида реализация қилиш, алоҳида областларда харакатга киритишдир, шунингдек маълум бир вазифаларни воситалар, йўллар, усуллар орқали ечиш тушунилади.**

**Тактика сўзининг маъносида – назария, амалиётни тузишда ва маҳсус фаолиятни ўтказишида, принципларга асосланган аниқ тўқнашув ҳолатларида, схема ва қонун қоидалар хулқ- авторида, алоҳида қоидалардан чиққан ҳолда шаклланишдаги мақсадларга эришишдир. Умумий қилиб айтганда, тактика стратегияга бўйсунади.**

Стратегия тайёргарликнинг умумий қонуниятларини ва спортда мусобақаларни боришини аниқлайди. Стратегия, тайёргарлик вариантларини ва мусобақа курашларини боришини, альтернатив шаклларини, натижага эришишдаги восита ва усулларни ҳисобга олади.

Спортчининг стратегик тайёргарлиги билан мусобақа стратегия фаолиятини фарқлаш керак.

Тайёргарлик стратегияси, билим тизимини шаклланиши, тузилиши, спорт ривожланишини восита ва усуллари, спортчининг кўп ийллик тайёргарлик тизими билан боғлиқ. Тайёргарлик стратегияси мусобақанинг йирик мажмуаларини яъни, Олимпиада ўйинларини, Универсиадаларни алоҳида ажратиб туради. Бу ҳолатда стратегия фақат алоҳида спорт характерини муҳим элементларини ҳисобга олмасдан, балки

бутун спортни яъни, ушбу мусобақаларга тайёргарлиги ва ўтказилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий, идеологик ва сиёсий томонларини ҳисобга олиш керак (Келлер, Платонов 1993).

Тайёргарлик стратегияси алоҳида йирик мусобақаларда ва мусобақа **курашининг стратегиясида қўйидагиларни ҳисобга олиш керак.**

- алоҳида спорт туридаги кутилаётган рақобатнинг ривожланиш даражаси;
- олий тоифадаги спортчилар тайёргарлик анъаналарининг спорт ютуқларига эришиш даражаси;
- материал базасининг ҳолати (замонавий спорт анжомлари, инвентар ва ускуналар, аппаратлар сони);
- малакали мутахассислар мавжудлиги (мураббийлар, ташкилотчилар, илмий ва медицина ишчилари, хизмат қилувчи персоналлар);
- терма команданинг кандидатлар состави, уларнинг малакасини даражаси, мусобақа тажрибаси ва етакчининг мавжудлиги;
- тайёргарлик жараёнинг мазмуни ва тизим ҳақида замонавий билимлар, тайёргарликнинг асосий томонларини натижали амалга оширишдаги воситалар ва усувлар, машғулот ва мусобақа юкламасининг оптималь динамикаси;
- тайёргарлик даражасининг илмий-методик ва медицина билан таъминланиши;

**Мусобақа фаолиятининг тактикаси деганда,** тактик ҳодисаларда техник усувларни қўллаш, беллашув вазифаларини ечиш учун мусобақа қоидаларидаги тайёргарликнинг ижобий ва салбий характерларини ва муҳит ҳолатини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтириши услуби деб тушунилади.

Ҳар бир спорт туридаги тактик вазифаларни ечиш усули ўзига хос ва мусобақа қоидаларига, спорт техникасини хусусиятларига, спорт

турининг анъанавийлигига, спортчининг тажрибасига боғлиқ. Тактика беллашувнинг, стартнинг (жанг, якка кураш, қувиш, маҳкам ушлаш) ва ҳолатнинг мақсадларига мос келиши мумкин. Тактиканинг хусусияти, аниқланган спорт турига ва беллашувнинг ўзига хослигига кўра индивидуал, гурӯхлашган ёки командали бўлиши мумкин (1987).

Гимнастикада, оғир атлетикада, сувга сакрашда, акробатикада, тоғ чанғи спортида, енгил атлетикада спортчилар бир хил вақтда мусобақалашмайдилар ва уларнинг чиқиши қуръа ташлаш орқали белгиланади. Бу турдаги тактиканинг ўзига хослиги шундаки, бунда мусобақалар ўзаро муросасизлик билан ўтади.

Югуриш, енгил атлетикани эстафета старти, сузиш, тоғ чанғи спорти, велосипед спорти ўзининг мусобақа фаолиятидаги рақиблар билан курашишида бир хил вақтда бошланиши билан характерланади.

Киличбозлик, бокс туридаги яккакураш турларида мусобақаларда, тактикани олиб борища ўхшашлик бор. Рақиб билан муносабат, жойнинг камлиги, спорт конфликтларини тез ўзгариб туриши спортчи олдига катта вазифани қўяди. Футбол, баскетбол, волейбол, хоккейда эса тактика яна ҳам мураккаблашиб кетади.

Спортчи фақат рақиб жамоа билан муносабатда бўлмай, балки жамоадаги шериклари билан ҳам ҳамжиҳат бўлиш керак.

Мусобақа фаолиятида, яккакураш ўйинларида спортчи ўзи учун аниқ бўлган шароит билан танишиб қолмасдан, балки рақибини унга номаълум бўлган қарорини ҳам билиш керак.

Яккакураш ва ўйинларда қатнашувчи спортчилар мусобақа шаратларида, аввал бўлиб ўтган белашувлардаги ҳолатлар билан таниш бўладилар. Яккакураш ва ўйин спортларида мураккаб тактика ҳолатида пайдо бўлган қийинчиликлар вақтининг камлиги, жойнинг чегараланганилиги, ахборотни етарли эмаслиги, харакат бошланишининг ноаниқлиги кабилар аниқланади ва уларни хар-хиллигидан қатъий назар қарор қабул қилинади. Юқоридаги камчиликлар, бир-бирига қарама-қарши бўлган рақиблар учун

максус уюштирилади ва бу ҳатолар жамоа ичидаги ҳам юз бериши мумкин. Бу камчиликлар спортчи рухий ҳолатига зўр беради, асаб мускуллари жараёнини кучайтириб юборади.

Рақиб томонинг малакаси ҳамда, индивидуал томонлардан ташқари, тактик алгоритмли ва эвристикали бўлиши мумкин.

**Алгоритмли тактика - аввалдан режалаштирилиб ва амалга ошириши керак бўлган ҳодиса.** Кураш давомида спортчи доимо рақибига нисбатан беллашувда ҳаракатчан бўлиши керак. Бундай ҳолатларда спортчи ҳаракатни олдинроқ режалаштириб, техник-тактикани аниқлаб, тез ҳаракат қиласи.

**Эвристикали тактика - спортчининг якка курашда пайдо бўлган ҳолатга боғлиқ таъсирида қурилади.** Баъзан мусобақаларда мураккаб ҳодисалар кутилмагандага пайдо бўладики, спортчи бунга тайёр бўлмай қолади.

Бундай ҳолатларда спортчи дарров ҳолатни тушуниб, унга ҳаракат қилиши керак. Бу эса ҳаракатнинг энг мураккаб варианти хисобланади.

Спорт ва курашдаги ҳамма ҳаракатлар тайёр гарликка, хужум қилишга, химоя қилишга қаратилади. Ҳаракатларнинг тактик йўналиши ҳақиқий ёки қалбаки бўлиши мумкин.

Спортда тактик ҳаракат анъавий ёки янги бўлиб, спортчиларни индивидуал хусусиятларини хисобга олган ҳолда тренерлар томонидан ишланади.

Спорт мусобақалари жараёнида рақиблар билан бўлган беллашувда доим ахборот алмасиб туради. Ҳар бир спорт қатнашчиси рақибларга нисбатан ҳақиқатни яширади ёки ёлғон малумот беради. Ниқобланишнинг ҳақиқий нияти, ёлғондан тайёрланиш, ёлғондан хужум қилиш ёрдамида рақиб томон тасаввурини ўзгартириш. Бу эса мусобақа фаолиятининг химояланиши тактикаси хисобланади.

## **Мусобақа фаолиятидаги техника**

Ҳар бир спорт туридаги спорт натижалари кўп сонли усуллар ва харакатларнинг бир тизимида бирлашишидан амалга ошади. Бу усул ва харакатлар мусобақа фаолиятидаги спорт турларининг техникаси деб қаратилади. Спортда мусобақалар техникаси қуидагиларга йўлланади:

- бир метр ва ундан юқори ўлчамдаги натижаларга эришиш;
- шакл ва тизимлар харакатини аниқлашдаги мезонлар;
- сўнги натижага эришиш: гол уриш, тўп киритиш, шайба уриш.

Спортчи техникаси кинематик, динамик, ритлик характеристикали турларига бўлинади.

Техниканинг кинематик характеристикаси фазо ва вақтда ҳосил бўлади. Уларга фазовий, вақтли, ва фазовий-вақтли характеристикалар киради. Спортчининг гавдаси ва унинг бўлимларини фазодаги жойланиши ва ҳолати, траекторияси фзовий техниканинг характеристидир. Вақтли характеристика усуллар, харакатлар ва уларнинг қисмини узок вақтда бажаририлишига тегишлидир. Тезлик ва тезланиш усулларни, харакатларни бажаришдаги спорт машқларини техникасида фазовий-вақтли характеристикага тегишли бўлади.

Техниканинг динамикали характеристикаси спортчи гавдаси аъзоларининг бир-бири билан, атроф-мухит ва спорт асбоблари билан ўзаро харакатида намоён бўлади.

Кучнинг асосий характеристлари: кучнинг катталигига, кучнинг вақтида, кучнинг векторида, кучнинг импульсида бўлади.

Техниканинг ритмик характеристикаси спорт машқларида вақт ва фазодаги ходисани харакат кучайишини тарқатиш ритм- рационал акцентида ҳосил бўлади. Спортчининг ритм ҳаракати интергал параметрлар сифатида кўрилади ва спортчининг спорт-техника маҳорати даражасини характерлайди.

Техниканинг ритмик характеристи хусусиятларига мисол қилиб, спортнинг мураккаб техникали турларидан бўлган шестдан сакрашни оламиз.

В.М.Дьячков беш фазали тизимга эга бўлган таянч босқичли шестдан сакрашда яъни, вис-замах, мах-гурухлаш, гавдани эгиш, тортилиш, отжиманияда ўрнатди. Бу ушбу турнинг мусобақа фаолиятидаги техник характеристикини ритмини аниқлаш.

Беллашув фаолияти жараёнларида спортчига бир қатор ганитиб қўядиган омиллар таъсир қиласи. Бу эндоген ва экзоген деб аталади. Эндоген гангитувчи омиллар: хаяжонланиш, гипоксия, чарчаш ва жароҳат олиш хисобланади. Экзоген омиллар: мусобақа шароитининг таъсири, ишқибозларнинг ўзини тутиши, беллашув курашига зўр бериш хисобланади.

Юқори тоифали спортчилар беллашувга қатнашишда ва яхши техникаларни кўрсатишда катта тажрибага эгадирлар. Улар мураккаб конфликтли ҳолатларга яъни, чарчоқ ва гангитувчи омилларга қарамасдан мусобақа босқичларига жавобгар бўладилар ва юқори натижаларни қўлга киритадилар.

Спортнинг техник тури, харакат ва ҳодисанинг маҳсус тизимидағи диалектик хусусиятларни характерловчи бутунлик ва дифференциациялаш, бир хиллик ва алоҳидалик, мўътадиллик ва вариантилилк. (Донсой 1969.)

Атроф мухит шароитларига мослашишни сезгирилик билан идрок қилиш спорт техникасида координацион механизмни ўзгарувчанлигини аниқлайди.

Буни ҳисобга олиб, Д.Д.Донской (1969) техник характеристни мўътадил номоён бўлишини спорт турларида туркумларга бўлиб уч гурухга ажратди:

1. Мўътадилликка даҳлдор бўлган спорт турини кинематик характеристикада номоён бўлиши (спорт ва бадий гимнастика, конькида фигурали учиш, синхрон сузиш, сувга сакраш).
2. Мўътадилликка даҳлдор бўлган спорт турининг динамик характеристикада номоён бўлиши (енгил атлетика, сузиш, оғир атлетика).

3. Мусобақа холатига мос келувчи динамик ва кинематик характердаги спорт туринг доимий ва вариатив ўзгариши (спорт якка курашлари ва ўйинлар).

Спортчининг мусобақа фаолияти доимий ва тез ўзгарувчан спорт тўқнашувлари ҳолатида ўтади. Бундай ҳолатларда Спортчилар ғалабага қаратилган турли ҳил харакатларни қўллайдилар.

Спортчилар мусобақаларда қўллаётган харакат имкониятлари асосан, якка курашларда ва ўйинларда жуда катта. Масалан: футболда 640 та харакат қўлланади (Люкшинов, 1964). Е.И.Огуренковнинг (1969) яқиндан жанг қилиш техникасини тасвирлашда, боксда якка уришда 70 та ва ундан кўп усулни, 30 та усул эса, рақиб билан жанг қилаётган пайтда ишлатилади.

Спорт ва бадий гимнастикада, фигурали учишда, сувга сакрашда мусобақа комбинацияларидаги турли ҳил бирлашган вариантлар қўлланади. Енгил атлетика дисциплиналаридаги мусобақа машқларида техник тузилиш вариантларининг бажарилиш сони жуда кўп.

Мусобақа ҳолатларининг саноқсиз кўп вариантлари мавжуд лекин, ҳар бир ўхшаш харакатларни кераклисига ўз муносабатларини билдириш керак. Мусобақа фаолиятининг стереотипли харакатини бир қатор спорт турларида ишлаб чиқиши мураккаб лекин, якка курашларда ва ўйинларда мақсадга мувофиқдир. Агар спортчилар ва тренерлар стереотип ишлаб чиқишининг шу йўли билан кетганларида муваффақиятга эришмаган бўлар эдилар. Спортчи ҳар сафар ўзига яхши таниш бўлган рақиби билан учрашганда, бир ҳил харакатдан фойдаланганда ҳам, ҳеч қачон фазовий-вақтли характеристикаларни харакатини худди шундай аниқ қайтара олмайди.

Агар спорт беллашувларида фақат битта қатнашувчининг харакатларини кузатсак, унинг рақибини кўролмаймиз. Спортчи бажараётган харакат турини аниқ айтганимизда ҳам унинг тактик ҳолатларини аниқлай олмаймиз. Бунинг биргина имконияти спортчи харакатининг техник характеристикасини ва структурасини тассаввуримиз бўйича аниқлаймиз.

Харакатнинг тактикага мансублигини ўрнатиш учун, беллашувнинг фақат биргина қатнашчисини эмас балки, унинг рақибини ҳам кўриш муҳим.

Ўқитиш ва машғулотлар жараёнини мукамаллаштиришда «усул» ва «харакат» тушунчасини фарқлаш керак.

Харакат тизимининг характеристики билан фарқланувчи лекин, тактика ва яккакураш ҳолатидан ташқарида олинган спортчиларнинг маҳсус вазияти ва харакати усул деб аталади. Спорт туридаги ҳар бир истисослашган холат ва харакатларни характеристики яқинлиги билан, харакат вазифаларидаги шартларни бажариш ва ечиши билан туркумларга ажратилади. Масалан: спортчилар фаолиятидаги якка кураш ва ўйинларидаги хусусиятларига кўра, учта гурухга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Булар: дастлабки вазият;

ўрин ўзгартириш;

асосий харакат.

Дастлабки вазиятда, спортчининг ҳамма ихтинослашган холатларини киритиш мумкин. Маслан: тик туриш, қуролни ушлаш, ракеткалар, клюшкалар (қиличбозлик, теннис, хоккей), тўплар(спорт ўйинлари), курашдаги усуллар.

Ўрин ўзгартириш гуруҳига майдонда гиламда, рингда жойлашиш усулларини қамраб олади. Албатта ҳар бир спорт турига ўрин ўзгартиришнинг ўзига хос томонлари бор.

Асосий харакатга, урушлар, чалишлар, йиқитишлир, айлантиришлир, ташлашлар, санчишлар, тўп ташлашлар, тўп уришлар киради(Келлер,1987).

Турли ҳил усуллар бирор тактик вазифаларни қарорини ечиш учун, алоҳида ёки бошқалар билан биргалиқда қўллаш мумкин. Бир ҳил усул билан беллашув ҳолатида пайдо бўлган турли тактик вазифаларни ечиш мумкин.

Масалан: боксдаги уруш усули, қиличбозликдаги санчиш усули каби хужумнинг ҳар ҳил турларини тайёргарлик учун ишлатиш мумкин.

Аниқ тактик вазифаларни ечишда қўлланилаётган усул ёки бир нечта усуллар харакат хисобланади.

Мусобақа техник фаолиятини ажралиб турадиган хусусиятлари шундаки, яккакурашчилар ва спортчилар (қиличбозлар, боксёрлар, волейболчилар, гандболчилар, футболистлар, хоккейчилар) ўзларининг рақиблари билан восита ёрдамида алоқа қиласидилар.

Қиличбозлар рақиблари билан қурол ёрдамида, футболчилар, волейболчилар, баскетболчилар, гандболчилар тўп билан, тенис ва хоккейчилар тўп, шайба, ракетка, клюшкалар ёрдами билан беллашадилар.

Бундай ҳолат мусобақа вазиятидаги идрокни ва рақиблар, шериклар муносабатини мураккаблаштиради.

Мусобақа жараёнида спортчи аниқ техник-тактик модел образини яратади яъни, ҳар-хил спорт қуроллари, клюшкалар бошқарувчи етакчи ролни бажаради. Қуроллар, клюшкалар, ракеткалар, тўплар, боксёрча қўлқоплар спортчининг қўли ёки оёғини давоми сифатида сунъий масофа рецептор ролини ўйнайди.

### **Мусобақ фаолиятининг тузилиши.**

Спортчининг энг юқори натижаларга эришиши беллашув фаолиятининг тузилишини аниқловчи омиллардан бириди.

Беллашув харакати инсонларнинг бошқа ақлий иш фаолиятига ўхшаб, мақсадли, воситали, натижали бўлади.

**Мақсад - модел бўлиб, спортчининг беллашув фаолиятида натижага эришиш учун харакати.**

**Восита – спортчининг олдига қўйилган мақсадларига эришишдаги усуллари ва харакатлари.**

**Натижа – беллашув фаолиятидаги аниқ спорт турида эришилган ютуқлар.**

Беллашув фаолияти спортда, спорт учун бутунлай хос бўлган бош характеристика жараёнида; спорт турлари гурухи учун умумий

характеристика жараёнида; алоҳида спорт туридаги ўзига хос характеристика даражасида кўриб чиқилади.

Спорт натижаларини тизим ҳосил қилиш омиллари даражасини кўриб чиқишдан ташқари ўз навбатида иккита гурӯҳ компонентларидан иборат бўлади: таъминлаш ва амалга ошириш.

Бош характеристика даражасидаги беллашув фаолияти компонентларини тамилланиши, спортчи гавдасини тузилиши ва унинг организм тизимидағи муҳим функционал имкониятлар ҳисобланади.

Амалга ошириш компонентлари спортчининг техник-тактик маҳорати ва унинг жисмоний ва руҳий тайёргарлик даражаси ҳисобланади.

Спорт турининг гурӯҳлаш даражаси, аниқ спорт турида, дисциплинасида, беллашув компонентлари туридаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, таъминлаш ва амалга оширишни аниқлаштиради. Масалан: спринтерча югуриш ёки конькида тез югуришдаги спорт натижалари, стартнинг эфектлилигига, старт югуришининг тезлигига, оралиқ тезликнинг даражасига, юқори финишни ушлаш қобилиятига боғлик.

Таъминлаш компонентининг бу асосий кучи: вақтнинг оддий ва мураккаб таъсири, антиципациянинг тезлик таъсири, мушак кучларининг импульси, мушак қисқаришининг тезлиги, алактат анаэроб жараёнинг куввати, лактат анаэроб жараёningқуввати ҳисобланади.

Амалга ошириш компонентлари эса: старт техникаси ва югуриши, харакатнинг амплитудаси ва частотаси, бурилишлардаги югуришнинг эфектлилиги, финишни енгиб ўтишдаги чарчоқни руҳий енгиш ҳисобланади.

**Ҳар бир спорт туридаги таъминлаш ва амалга ошириш омилларини тахлил қилиш, мусобақа фаолиятининг натижаларидан келиб чиқсан ҳолда характерларини аниқлайди.**

**- мавсумий спорт турларида масофа тезлигининг даражаси, турли масофаларни бир теккисда кесиб ўтиш, бурилишларни**

**эффектлилиги(сузишда), қайрилишлардан ўтишда (конькида югуриш спорти) чидамлиликни пайдо бўлиши катта аҳамиятга эга.**

- мураккаб координацияли спорт турида етакчи элемент алоҳида спорт турларининг ўзига хослигига аниқланади яъни, спорт ва бадий гимнастикада, фигурали учишдаги юқори мураккабли элементлар сони, қийинчиликлар коэффиценти, артистлийлик.

- отиш спорт туридаги – сериялар натижаси, мўлжалга олиш вақти, ўртacha отиш, ўрта нуқтага тегишни сақлаш; тоғ чанғиси,чана ва бобслей спорт турида – тезликни кучайтириш эфекти, ўртacha тезлик, трассани бир текисда эгаллаш, бурилишлардан ўтишнинг эфектлилиги.

Спорт ўйинларида ва яккаурашларда етакчи маънони хужум қилиш ва ҳимоя қилиш харакати, унинг натижавийлиги, ҳар хиллиги каби характеристикалар эгаллайди (Платонов, 1986; Новиков, Шустин,1993).

Беллашув фаолиятининг параметрларини характерловчи компонентлари ўзаро боғлиқ ва такомиллаштиришда дифференциал баҳолашни талаб қиласди.

Беллашув фаолиятининг турли компонентларидаги эфектлиликни мавсумий тезлилик-кучлилик спорт туридаяна ҳам содда ва оддий баҳолаш мумкин.

**Қисқа масофага югуришдаги беллашув фаолиятининг тузилишини тўрта компонентларга ажратиш мумкин:**

- 1) старт хабарига таъсирининг тезлиги яъни, югурувчининг ўқ отилишидан кейинги биринчи харакати;
- 2) старт югуришининг сифати, вақт бўйича белгиланган 30 м масофани паст стартда югуриш;
- 3) югуришнинг абсолют тезлиги;
- 4) финишнинг эфектлилиги яъни, масофа охиридаги югуриш тезлигининг даражасини баҳолаш.

Хар бир кўрсаткич 100-200м га югуришдаги спорт ютуқлари натижасига таъсир қилади. Спорт масофаларига югуришдаги жаҳоннинг энг кучли спортчилари билан биргаликда тахлил қилганимизда айтилган характеристикалар тузилишида сезиларли фарқ борлигини билинади. Баъзи спортчиларда старт югуришига нисбатан абсолют югуриш тезлиги юқори; бошқаларида эса тезлиги нисбий оз лекин, старт ёки финиши эфектли. Шундай спортчилар борки, уларнинг беллашув фаолиятидаги ҳамма компонентларининг маҳорат даражаси бир хил бўлади.

Беллашув фаолиятининг ҳар хил тузилиш варианtlари яккаураш турларида номоён бўлади. Масалан: охирги йилларда юонон-рим курашидаги беллашув фаолияти учта асосий варианtlарга бўлинади: техникавий кучлилик-тезлилик функционал.

Техникавий типдаги курашчилар аралаш усулини қўллаш ҳисобига ғалабага эришадилар.

Кучлилик-тезлилик типи эса юқори эфектли якка усулни ва яхши ҳимоя ҳисобига ғалабага эришадилар.

Функционал типдаги курашчилар харакатнинг юқори жадаллиги ва яхши ҳимоя ҳисобига ғалабага эришадилар. (Новиков, Шустин, 1993).

Бундай ўхшашиболат билан биз беллашув фаолияти тузилишини тахлил қилганимизда ва қиличбозлик, бокс, дзюдо, эркин кураш каби спортнинг бошқа яккаураш турларида тўқнаш келамиз.

Беллашув фаолиятидаги спортнинг аниқ турларида билимни ҳар томонлама тузилишини, унинг таъминланиш ва амалга ошиш омиллари, функционал имкониятлари ва техник-тактик ёритилиши мос келишини мавжудлиги берилган натижаларни амалга ошириш учун шарт-шароит яратади.

Инсоннинг ҳар қандай мураккаб харакати унинг қабул қилиб олишига, қайта ишлашига ва олинган асосларни харакатга мос келишини кўрсатишга боғлиқ.

Маълумотлар муҳити марказий асаб системасига таъсир қилади, спортчи характери фаолиятига шарт қўяди ва беллашувнинг эффектлилигини аниқлайди.

Спортчи фаолиятининг натижавийлиги (ихтисоси билан бир қаторда техник, жисмоний, тактик, руҳий тайёргарлиги) қабул қилинган ахборотнинг характерига, унинг қайта ишлаш вақтига ва мос келувчи таъсирнинг гавдалантиришга, ўзига хос таффаккурнинг тезлигига ва мос келишига боғлиқ. Беллашув кураши шароитидаги вақт ва фазонинг танқислиги ахборот қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш идрокини қийинлаштиради.

Шундай қилиб, спорт беллашув фаолиятининг хусусиятлари инсон харакатларининг функционал тузилишларидан келиб чиқади ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.

1) рақибнинг ёлғон ва никоб ёрдамида берган маълумотларини қабул қилиш;

2) ахборотни қайта ишлаш ва фазо ва вақт танқислигидаги лимит шароитида қарор қабул қилиш.

3) рақибнинг жадал қаршилик кўрсатишига қарамасдан қарор қабул қилиши.

Спортчи учун мусобақа фаолиятини характерловчи томони шундаки, у нафақат унга маълум бўлган курашнинг ҳолатларини билиш керак, балки унга номаълум бўлган рақибини ҳолатларини ҳам билиш керак.

Бир қатор спорт турларида ҳолатни доимий ўзгариб туриши, вақтнинг чегараланиши, маълумотларнинг камлиги, харакат бошланишининг ноаниқлиги каби мусобақанинг экстремал шароитлари ҳам аниқланади ва спортчи бу қийинчиликларни енгиб ўтиш учун қарор қабул қилиш керак.

Мусобақа вақтида бўладиган ҳолатларни олдиндан билиш керак, бунга спортчининг мутахассислиги ва тажрибасининг кўплиги ёрдам беради.

Мусобақа курашларидаги қарама-қаршиликлар спортчи хиссиётлари кам таъсир қиласы, лекин техник-тактик харакатни нотүғри бажариш спортчи рухиятига ёмон таъсир қиласы.

Беллашув фаолияти холатида доимо низом бўлади, чунки икки рақиб спортчи ёки жамоалар биргина мақсад учун, яъни ғолиблик учун курашадилар.

Беллашув фаолиятида спортчининг ташвишланиш, хурсанд бўлиш, қайғуга чўмиш, қониқиш, хафа бўлиш, қийналиш, оғирлик, енгиллик каби хиссий туйғулари пайдо бўлади ва бу туйғулар беллашув давомида ўзгариб туради.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Спортда ва жисмоний тарбияда статик моделлаштиришдан қандай фойдаланиш мумкин.
2. Назарий ва эмпирик тадқиқотда тизимли ёндошув қандай қўлланилади.
3. Математик ва тафаккур (фикр) моделлари қандай афзаллик-ларга эга?
4. Имитация моделлаштириш қандай ўтказилади?
5. Жисмоний тарбия ва спортда моделлаштириш тизимини амалда қўллашнинг долзарб йўналишини баён этинг.

### **Адабиётлар**

1. Шустин Б.Н. Моделирование и прогнозирование в системе спортивной подготовки // Современная система спортивной подготовки. - М.: СААМ, 1995,- с 226-237.
2. Юнусова Ю.М. Основы методики физической культуры. Издательство Литературного Фонда Союза Писателей Узбекистана. Ташкент. 2005. – 207 с.
3. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Тошкент, «Абу Али ибн Сина», 2002 - 222 б.

## **6-мавзу: Спортчиларнинг спортга яроқлиликни аниқлаш**

### **Режа:**

1. Спортга яроқлиликни аниқлаш тизимининг асослари.
2. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг даврлари ва босқичлари.
3. Спортчиларнинг соматик ривожланиши хусусиятлари.
4. Спорт сараловида соматик ривожланишни аниқлаш услубияти.

### **Спортга яроқлиликни аниқлаш**

Спортда қобилият ва талант муаммосини қўриб чиқишда, биринчи навбатда, буюк спортчилардан ҳали бирортаси ҳам ўзининг энг яхши натижасига бошидан охиригача мустақил шуғулланиб эришган эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Салоҳиятни аниқлаш ва уни тўғри қўллашга мутахассислар ва тренерлар ёрдам берадилар. Мазкур жараён (саралов ва йўналтириш) қанчалик аниқ ва тез юз берса спорт ютуқлари ва уларнинг турғунлигини белгиловчи характеристикалар шунчалик юқорироқ бўлади.

**Спортга яроқлиликни аниқлаш – кўп босқичли, кўп йиллик жараён, у спорт тайёргарлигининг барча босқичларини ўз ичига қамраб олади. У, маълум спорт турида муваффақиятли такомил-лашишини таъминлаш учун, спортчининг қобилиятини ҳар томонлама ўрганиш, ушбу қобилияtlарни шаклланиши учун зарур замин яратишга асосланган. Унинг кўпгина назарий ва услубий жиҳатлари етарли даражада очиб берилган.**

Лекин, афсуски, муаммонинг бир қатор қоидалари ишлаб чиқилганига қарамасдан, ҳалигача болаларни спортга яроқлилигини аниқлашнинг назарияси ва спорт тренировкаси услубиятининг бир бутун тизими мавжуд эмас. Одатда, болалар у ёки бу тўгаракка тасодифан келадилар: дўстлари билан, ота-оналарнинг ҳохишига кўра. Энг яхши ҳолда, мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси спортнинг бирор тури билан шуғулланишни маслаҳат беради, ёки яқин жойлашган БўСМдан мактаб

беллашувига тренер келиб (кўп ҳолларда ўз ихтиёри билан) иқтидорли болани кўриши мумкин. Натижада, болаларнинг кўпчилиги «ўзиники бўлмаган» спорт тури билан шуғулланадилар, йиллар сарфлайдилар, лекин қимматли натижага эришмайдилар ва спортдан кўнгли қолиб чиқиб кетадилар. Эҳтимол, улар спортнинг бошқа бир турида муваффақиятга эришишлари мумкин эди. Спортга лаёқатли болаларнинг анчаси эса умуман спортга келмайдилар: улар бунга йўналтирилмаганлар ва ўз қобилиятлари ҳақида хеч нарса билмайдилар.

Охирги йилларда бизнинг спортчиларимизни халқаро спорт майдонлардаги муваффақиятсизликларининг негизида, болаларни спортга яроқлилигини аниқлаш тизимининг йўқлиги ётади. Шу билан биргаликда бугунги кунда, спорт фанининг, жуда катта молиявий ҳаражатларсиз бундай тизим яратишга замини бор.

Муаммонинг кўп жиҳатларининг назарий асослари ишлаб чиқилгани билан бир қаторда, компьютер технологияларининг ривожланганлиги муҳим замин яратади. Компьютерлар болаларнинг имкониятлари ва уларнинг ривожланишини кузатиш тўғрисида ахборотлар банкини яратиш учун қўллаш, яъни мониторинг ташкил қилиш, болаларнинг спортга яроқлилигини аниқлаш диагностикаси муаммосини ҳал қилишда жуда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисобланади.

### **Спортга яроқлиликни аниқлаш тизимининг асослари**

Спорт турларининг хилма хиллиги шахснинг маълум бир спорт фаолиятида маҳоратга эга бўлиш имкониятларини кенгайтиради. Шахснинг маълум спорт турида имкониятлари ва сифат хусусиятларининг очилмаслиги, уни умуман спорт хусусиятларига эга эмас деб қарашга асос бўла олмайди. Бир спорт туридаги кўзга ташланмайдиган белгилар бошқа спорт турида юқори натижаларга эришишга сабаб бўлиши мумкин.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, спорт имкониятларини истиқболини кўришни алоҳида спортнинг йўналиши ёки гуруҳига тегишли равища

амалга ошириш мумкин, бунда, спортга яроқлиликни аниқлаш тизимиға харктерли бўлган умумий қоидалардан келиб чиқиш лозим.

**1. Спорт қобилияти кўп жиҳатдан, турғунлик ва консервативлик билан ажралиб турадиган наслий белгиларга боғлиқ.** Шунинг учун, спорт имкониятларини истиқболини қўришда, аввало, келажак спорт фаолиятида муваффақиятларни шартлайдиган, кам ўзгарадиган белгиларга эътибор бериш керак.

**2. Наслий белгиларнинг ўрни организмга юқори талаблар қўйилган вақтда очилишидан келиб чиқиб, ёш спортчининг фаолиятини баҳолаш чоғида юқори натижалар савиясига алоҳида эътибор билан қараш керак.**

**3. Спорт қобилиятларини аниқлашда консерватив наслий белгиларни ўрганиш, тренировкалар таъсирида тубдан ўзгариши мумкин бўлган қўрсаткичларни аниқлаш учун зарур.** Бунда, аниқликни ошириш учун ҳам қўрсаткичларнинг ўсиш тезлигини, ҳам уларнинг бошланғич даражасини эътиборда тутиш лозим.

**4. Баъзи функция ва сифат хусусиятларининг ривожланиши гетерохронлиги муносабати билан турли ёш даврларида спортчиларнинг қобилиятларини намоён бўлиш структурасида маълум фарқлар мавжуд.** Айниқса бу фарқлар юқори спорт натижалариға бола ва ўсмирлик ёшидаёқ эришиладиган техник мушкул спорт турлари билан шуғулланаётган болаларда ёрқин кўринади ва спортчи тайёргарлигининг барча - бошловчидан то халқаро тоифадаги спорт устасигача бўлган даври ёш спортчи шаклланишининг мушкул жараёнлари муҳитида юз беради.

**Спортга яроқлиликни аниқлашнинг даврлари ва босқичлари**

**Спортга яроқлиликни аниқлашнинг икки даври бор:** биринчиси болалар ва ўсмирларни танлаган спорт турлари билан шуғулланиш учун саралов, ҳамда янада спорт такомиллашуви учун (масалан, спорт мактаблариға, олимпиада тайёргарлиги марказлариға):

**иккинчи давр –масъулиятли спорт беллашувларида қантashiш учун ёш спортчиларни саралови. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг биринчи даври икки босқичдан иборат.**

**Биринчи босқич болалар ва ўсмиirlарни танлаган спорттурлари билан шуғулланиш учун саралов ўтказиши ўз ичига олади. Иккинчи – истиқболли босқич – иқтидорли спортчиларни танланган спорт йўналишида чуқурлаштирилган ва ихтисослашган тренировка қилиш учун саралаш ва йўналтириш.**

**Иккинчи давр ҳам икки босқичдан иборат. Биринчи (олимпиада олди) босқичи яқин олимпиада заҳирасини (мамлакатнинг ўсмиirlар ва ёшлар терма жамоалари) шакллантиришни ўз ичига олади, иккинчиси – олимпиада босқичи - мамлакатнинг терма жамоасини иирик халқаро мусобақаларда қантashiш учун саралов ўтказиши ва йўналтиришни ўз ичига олади.**

Ўсмиirlар ва ёшлар терма жамоаларига номзодлар саралови, спорт муассасаларива жамоаларининг энг иқтидорли ва қобилиятли спортчилари қаторида ўтказилиши лозим. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг асосий шакли спорт мусобақаларидир. Бунда, спорт натижаси билан бир қаторда, уларнинг охирги 2-3 йилдаги динамикаси, спорт билан доимий шуғулланиш стажи, жисмоний тайёргарлик даражасининг маълум спорт турининг халқаро тоифадаги спорт устаси савияси талабларига мос келиши эътиборга олинади. Энг кучли спортчилар, ўтган спорт мавсумининг кўрсаткичлари асосида ўз ватанининг терма спорт жамоасига киришга номзод сифатида қабул қилинадилар.

**Мамлакатнинг терма жасоасига кириш учун номзодлар саралови қуйидаги кўрсаткичлар асосида ўтказилиши лозим:**

**1) спорт-техника натижалари, ва уларнинг охирги йиллардаги динамикаси;**

- 2) ёши, танланган спорт турининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда антропометрик маълумотлар, ёш спорчининг соғлиги;
- 3) спорт машғулотларнинг муҳим элементларини бажаришдаги хатоликларни қайтармаслик даражаси;
- 4) кўп йиллик тренировка жараёнида кам ривожланадиган маҳсус жисмоний сифатларнинг ривожланиш савияси;
- 5) харакат фаолиятини бажаришда организм функционал тизимиning имкониятлари салоҳияти;
- 6) ўзига хос тренировка юкламаларини бажаришда психологик турғунлик;
- 7) ёш спортчининг танланган спорт турида натижаларга эришишга интилиши.

Халқаро мусобақаларда қатнашиш учун ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари аъзоларини саралаш куйидаги кўрсаткичлар асосида ўтказилиши керак:

- 1) спорт-техника натижалари;
- 2) спорт формасини ривожланиш динамикаси (бошланиши, чўққиси, пастлашуви);
- 3) экстремал шароитларда спорт машғулотларнинг муҳим элементларини бажаришдаги хатоликларни қайтармаслик даражаси;
- 4) экстремал шароитларда спорт курашини олиб боришга тайёрлик ва турғунлик даражаси;
- 5) спорт ихтисослигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда спортчи соғлигининг ҳолати.

Спортга яроқлиликни аниқлашнинг биринчи босқичини асосий вазифаси спорт машғулотларига имкон қадар кўпроқ иқтидорли болалар ва ўсмирларни жалб қилиш, уларни текшириш ва бошлангич спорт тайёргарлигини ташкил қилиш. болаларни спортга жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлиги мезонлари қаторига бўй, оғирлик, гавда тузилишининг

хусусиятлари киради. спортга яроқлиликни тўғри аниқлашда болаларни жисмоний тарбия дарси машғулотларида, спорт секцияларида, туман ва шаҳар мусобақаларида кузатган тренер ва жисмоний тарбия ўқитувчининг кузатувлари муҳим ўрин тутади. М.Н.Тўрахўжаева ва М.С.Брил (1980)ларнинг тадқиқотларида болаларни БўСМларига кириши учун бошланғич тайёргарликни мактабдаги жисмоний тарбия дарслари шароитида ўтказиш мумкинлиги исботланган. Maxsus воситалар ёрдамида кичик ёшдаги мактаб болаларида бирон спорт тури билан шуғулланишга қобилияtlарини шакллантиришга таъсир қилиш мумкин.

Спортга яроқлиликни аниқлашнинг биринчи босқичидаги кириш синовлари мактабда тиббий кўрикдан ўтган ва соғлигидан четлашуви йўқ болалар ва ўсмирларга рухсат берилади. Бола уйининг спорт муассасасига яқинлиги, спорт машғулотлари мактабдаги ўзлаштирувчанлиги ва шу кабиларни эътиборга олиш керак. Агар имкони бўлса, ўқувчиларни спорт билан шуғулланишга қобилияtlарини аниқлаш шароити кенг бўлган ёзги спорт-соғломлаштириш лагерлари максаддага мувофиқ.

Спортга яроқлиликни аниқлаш жараёнида назорат синовлари БўСМга кирувчи нималар қилишни билишини аниқлашга эмас, балки келажақда нималар қилиши мумкинлигини, яъни унинг харакат вазифаларини еча олиш, ижодкорлик, ўз харакатларини бошқариш сифатларини аниқлашни мақсад қилиб олиши керак.

Спортга яроқлиликни аниқлашнинг иккинчи босқичида ажратиб олинганларнинг, маълум спорт йўналиши бўйича тайёрланаётганларнинг барча талабларга жавоб бериши масаласи чуқур ўрганилади. 3-6 ой давомида тренер шуғуланаётганларни спорт тренировкаси жараёнида, назорат синовларида, беллашувларда кузатади, энг иқтидорли болалар қаторидан ўқув-тренировка гурӯхларини шакллантиради. Бу ерда БўСМга кирмоқчи бўлганларнинг бошланғич кўрсаткичларига эмас, уларнинг машғулотлар давомида ижобий ўсишига эътибор қаратиш муҳим. Бундай ёндашув

шуғулланувчиларнинг спорт салоҳияти ва қобилиятини аниқроқ даражада аниқлаш имконини беради. Мазкур босқичда истиқболни белгилашни асосий мезонлари бўлиб жисмоний сифатларнинг ўсиш суръати ва харакат кўникмаларининг шаклланиш тезлиги кўрсаткичлари хизмат қиласди (моторли ўқитиш).

Моторли ўқитиш тўғрисида қандайдир машқнинг техникасини ўзлаштиришга сарфланган вақт бўйича фикр юритиш мумкин. Жисмоний сифатларнинг ўсиш суръати ва харакат кўникмаларининг шаклланиш тезлиги кўрсаткичлари қандайдир маънода шуғулланаётганларнинг келажак истиқболи тўғрисида тушунча беришга хизмат қиласди.

Спортга яроқлиликни аниқлашнинг иккинчи босқичининг вазифаси ёш спортчиларнинг шахсий кўрсаткичлари келажакдаги юқори спорт натижалари босқичи талабларига жавоб бера олишини аниқлашдан иборат. Мазкур босқичда, спортчини юқори спорт натижалари тайёрлашга йўналтириш мумкинми деган саволга жавоб топиш лозим. Иккинчи босқичнинг давомийлиги 1,5-2 йилни ташкил этади. Ушбу босқичда педагогик кузатувлар, назорат синовлари, беллашувлар, тиббий-биологик ва психологик кузатувлар ўтказилади. Шуғулланувчининг спорт ихтисослиги тўғрисидаги масала бўйича яқуний қарор қабул қилинади.

Спортга яроқлиликни аниқлашнинг иккинчи босқичида психологик кузатувлар ўрни ортиб боради. Куч, харакатчанлик, асаб жараёнларининг босиқлиги кўп жиҳатдан одам марказий асаб тизимининг табиий хусусиятлари ҳисобланади ва кўп йиллик спорт тренировкаси жараёнида катта қийинчиликлар билан такомиллишишга эришиш мумкин.

Тренер болаларда мустақилликни, қатъиятликни, мақсадга интилиш, мусобақаларда бутун кучини сафарбар қила олиш, спорт қурашида фаоллик, финишда кучини охиригача сарфлай билиш, муваффақиятсиз натижага таъсиричанлик каби хислатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериши лозим.

Болалар ва ўсмирларнинг ирода сифатларини ўрганиш учун, уларга беллашувлар кўринишидаги назорат топшириқларини бериш керак. Таъкидлаб ўтиш жоизки, спортчи шахсини фақат баъзи алоҳида сифатларини эмас, балки хар томонлама ривожлантиришга харакат қилиш керак. Шунинг учун ёш спортчининг турли фаолиятлари асосида баҳолаш керак (беллашув, тренировка, лаборатория шароитидага кузатувлар).

Спортга яроқлиликни аниқлашда болалар саломатлигининг тиббий экспертизаси ўтказилади. Ўқувчиларнинг соғлиги тўғрисидаги қўшимча маълумотларни яшаш жойидаги участка врачларидан олиш мумкин. Спорт мактабларига қабул қиласлик учу насос бўладиган бир қатор касалликлар ва патологиялар мавжуд (Р.Е.Мотилянская, 1977). Бундайлар қаторига туғма юрак хасталиклари, гипертоник касалликлар, лорпатологиянинг турли шакллари ва бошқа касалликлар киради.

Спортга яроқлиликни аниқлашда болалар организмининг ривожланиш хусусиятлари эътиборга олиш лозим (Л.И.Стогова, 1977). Кичик мактаб ёшидаги болаларда асаб тизими ўсиб такомиллашиб боради, ва 11 ёшга келиб ривожланишнинг юқори поғонасига етади. Бироқ, болалар қанчалик ёш бўлса, унинг бош миясидаги жунбушга келиш жараёнлари шунчалик сускашлиқ жараёнларидан устун кела бошлайди. Болаларнинг юқори эмоционаллиги, эътиборнинг камлиги, психологик турғунсизликлар шу сабаблидир. Кичик мактаб ёшидаги болалар учун бўй ўсишининг бирмунча секинлашуви ва оғирлигининг ортиши характерлидир; жисмоний етилиш давридан олдин вақтинчалик «тўхташ» юз беради. Бу давр ўғил болаларда 13-14 ёшда, қизларда эртароқ 11-12 ёшда бошланади. 8-10 ёшда болаларнинг склети суяклари ҳали қотмаган, нимжон, мушаклари яхши ривожланмаган. Кичик мактаб ёшидаги болалар юраги ҳажми секинлик билан ортиб боради. Кон томирлари катталарникига нисбатан кенгроқ бўлади, шунинг учун болаларда кон босимининг паст кўрсаткичлари кузатилади. Юрак қисилиши натижасида айланадиган кон ҳажми катталарникига нисбатан икки баравар

кам. Шунинг учун қон айланиши натижасида кислород етказиб бериш учун, болаларнинг юраклари тез-тез қисқаради.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг юқори насаф йўллари (бурун бўшлиғи, томоқ, бронхлар), катталарнига нисбатан тор. Болаларнинг нафас олиш тезлиги (22-25 нафас/мин) катталарнидан бироз кўп (16-18 нафас/мин).

10-11 ёшли болалар организмининг юракнинг самарали ишлаши ҳисобига юқори савияда модда алмашинувини таъминлаш хусусияти, умумий бардошлиликни талаб қиласидан юкламаларга шу ёшда яхши мослашишга замин бўлади. Бу ёшдаги болаларнинг анатомо-физиологик ривожланиш хусусиятилари ҳисобига организмнинг аэроб имкониятлари нисбатан юқори бўлади, бу ҳол катта ҳажмда аэроб характеристдаги жисмоний юкламалар қўллаш мумкинлигини белгилайди.

11-12 ёшдан кейин болаларнинг турли органлари ва организм тизими тез ривожланади. Бундай ёш даврида асаб тизими етарли равишда ривожланиб бўлади. Бунда, юқори суръатлар, асаб тизимининг таъсирчанлигини кузатилиши, харакат кўникмаларини ва мушкул харакатлар техникасини тез ўзлаштиришга замин бўлади. Шу даврда бош миянинг функционал ривожланиши ҳисобига кўриш, вестибуляр ва бошқа анализаторлар функциялари ривожланишнинг юқори нуқтасига етади.

Болалар соғлигининг, турли органларнинг ва организм тизимининг функционал ҳолатини кузатиб бориш, жисмоний ва тренировка юкламалари натижасида (тиббий аралашувларсиз) чуқурлашиши мумкин бўлган турли четлашувларни тез аниқлаш имконини беради.

Спортга яроқлиликни аниқлаш жараёни спорт тайёргарлиги босқичлари ва спорт турининг хусусиятлари (машғулотларни бошлаш ёши, танланган спорт турида чуқурлашган тренировкаларни бошлаш ёши, саралов меъёрлари ва бошқ.) билан яқиндан боғлик. Шунинг учун спортга яроқлиликни аниқлашнинг мезонлари ва усуллари, ҳамда меъёрий талаблари спорт тури гурухлари бўйича келтирилади.

Кўп сонли тадқиқотлар жараёнида аниқланишича, тезлик-куч ва даврий спорт турларида спортчиларнинг истиқболлилиги асосан уларнинг жисмоний сифатлари билан белгиланади.

Мураккаб мувофиқлашувчи харакатлари мавжуд спорт турларида спортга яроқлилик, шуғулланувчиларнинг мувофиқлашиш имкониятларини очиш асосида аниқланади. Спорт ўйинларида спортчининг истиқболлилиги спорт фаолияти жараёнида техник-тактик вазифаларни еча оловчи унинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Яккаурашларда саралов ёш спортчининг жисмоний сифатлари, ҳужум ва ҳимоя харакатларининг мураккаб уйғунлигини чегараланган вақт оралиғида аниқ ва муваффақиятли бажара олиш ҳамда рақиб харакатларини баҳолаш имкониятларини ўрганиш йўли билан ўтказилади.

**Ҳамма спорт турлари учун умумий бўлган бир қатор мезонларни айтиб ўтиш керак:**

- 1) Саломатлик ҳолати; мазкур мезон кўп йиллик тайёрловнинг барча босқичларида қўлланилади; тиббий кўрикларнинг асосий вазифаси танланган спорт тури билан шуғулланишга тўсқинлик қиласидиган белгиларни аниқлаш;**
- 2) Спортчи организми аъзоларининг ва тизимининг ҳолати; мазкур мезон кўп йиллик тайёрловнинг барча босқичларида қўлланилади, айниқса спорт билан шуғулланишни давом эттиришга яроқлиликни аниқлаш чоғида;**
- 3) морфофункционал қўрсаткичлар мажмуаси сифатидаги жисмоний ривожланиш; мазкур мезон спортга яроқлиликни аниқлашнинг биринчи ва иккинчи босқичларида қўлланилади.**

Спортчиларнинг соматик ривожланиши хусусиятлари

**Енгил атлетика.** Харакатлар структураси бўйича энг тури кўп спорт йўналиши енгил атлетикадир. Унинг 20дан ортиқ ихтисосликлари мавжуд.

Енгил атлетикада машқларни максимал, субмаксимал, катта ва мўтаъдил қувват билан бажаришни талаб қиласиган даврий йўналишлар ҳамда даврий бўлмаган - тезлик-куч, мувофиқлашувчи тезлик-куч йўналишлар бор. Гавда тузилиши, соматик ривожланиш хусусиятлари бу машқларни бажаришга катта таъсир кўрсатади.

Максимал қувватда иш (тезлик) бажарувчи спринтерларнинг гавда тузилиши хусусиятларини ўргана туриб С.Баранов (1925) уларнинг оёклари калта, ўрта узунликдаги гавда, ўртача оғирлик, кенг кўкрак қафаси, катта ўпкалар, яхши ривожланган мушакларга эга эканликларига эътибор берган. Қисқа масофага югурувчи бақувват, кенг елкали спортчи оғир атлетикачининг «кичик» нусҳасини эслатади.

Баландликка сакровчиларни ўргангандан сўнг Ф.Шмидт (1925), оёқ пайлари яхши ривожланган спортчиларга нисбатан тана узунлигига нисбатан оёклари айниқса оёқ кафти узун бўлганлардан яхши сакровчи чиқади деган хulosага келган. Яъни, оёқ пайлари, узунроқ бўлган «елка»ларга таъсир кўрсатади ва узунлиги бўйича тўла қисқариши мумкин. Яхши баландликка сакраш учун қалин атлетик тузилган пайларга эмас, балки узун ва хушбичим пайларга эга бўлиш керак.

Аввал ўтказилган тадқиқотлар ва ўзининг кузатувларининг таҳлили асосида М Иванецкий (1966) қуидагиларни таъкидлайди; спринтерларда – нисбатан тана узунлиги; қисқа масофага югурувчиларда – баланд бўй, яхши ривожланган кўкрак қафаси; марафончиларда – паст бўй, кенг кўкрак қафаси, яхши ривожланган болдири пайлари; сакровчиларда – баланд бўй, спринтерларга нисбатан калта тана, яхши ривожланган оёклар кузатилади. Узоққа сакровчилар спринтерларнига ўхшаш кўрсаткичларга эга бўладилар.

Марафончилар, У.Горнова ва Л.Шмидтнинг маълумотлари бўйича енгил атлетикачиларга нисбатан паст бўй, катта бўлмаган оғирлик, гавда тузилиши озгин кўринишга эга бўладилар.

Инглиз олими профессор Ж.Таннер (1964) ўтказган тадқиқотлар Олимпиада ўйинлари қатнашчилари – енгил атлетикачиларнинг гавда тузилиши хусусиятларини ўрганишга бағишлиланган. У спортчиларни гавда тузилишларини ўрганишда нафақат тана ўлчамларини балки маҳсус қурилмаларни қўллаган ҳолда атлетларни уч ҳолатда фотосуратини (олдидан, ёнбошдан ва орқадан) олган, сўнгра фотосуратлар бўйича қиёсий антропометрик кузатишлар олиб борган ва маълумотларни умумлаштирган.

Спринтерлар орасида мезоморф белгилари кўпроқ бўлган соматиплар учрайди. 400 м га югуриш бўйича яхши натижалар кўрсатаётган спортчилар, узун оёқларга, кенг елкаларга, нисбатан яхши ривожланган мушакларга эга.

400 м га югурувчиларда аралаш соматотиплар учрамайди.

Узоқ масофага югурувчилар тор тозга эга; уларнинг қўл ва болдир-товоң пайлари яхши ривожланган; 100 ва 400 м га югурувчиларга нисбатан оёқ, қўл ва тоз мушаклари ривожлансанган.

3000 м га тўсиқлар оша югурувчиларнинг болдир-товоң пайлари ўрта ва узоқ масофага югурувчиларга нисбатан яхши ривожланган. Бу жиҳатлари билан улар 100 ва 400 м га барьерлар оша югурувчиларга ўхшайдилар.

50 км га юрувчиларнинг тузилиши 1500 м га югурувчиларга ўхшаш, гарчи уларнинг оёқлари узунлиги калтароқ, кўкрак қафаси ва тоз айланаси, болдир-товоң пайларининг ривожланиши бўйича 5000 м га югуручиларни эслатадилар. 110 м га барьерлар оша югурувчилар узун оёқ ва гавдага эгалар. Мушакларнинг ривожланиши бўйича улар 100 м га югурувчиларни эслатадилар, лекин кейингиларнинг оёқлари калта бўлади. Оёқ ва тананинг кўрсаткичлари 400 ва 1500 м га югурувчиларнига ўхшайди, эҳтимол болдир пайлари бирмунча яхшироқ ривожланган бўлиши мумкин. 400 м га барьерлар оша югурувчилар соматик хусусиятлари бўйича 400 м га югурувчиларни эслатадилар, лекин биринчилар бироз хушбичим бўлишади.

Баланликка сакровчиларнинг бўйи баланд бўлади. Энг паст бўй - 184 см, бошқа турлардаги спортчилардан оёқларининг танага нисбатан узунлиги билан ажралиб турадилар, бундай кўрсаткич улоқтиувчиларда кузатилади. Қолган барча кўрсаткичлар бўйича ўрта масофага югурувчиларни эслатадилар.

Улоқтиувчилар – баланд бўйли, яхши ривожланган мушаклар, танага нисбатан узун оёқ ва қўлларга эгалар. Оёқ ва таналарнинг кўрсаткичлари бўйича улоқтиувчилар ўрта масофага югурувчилардан фарқланмайдилар. Диск ва ядро улоқтиувчилар болдири ва тоз айланасига қараганда кенг елкалар соҳиблари.

Ж.Таннер қўйидагича хуроса чиқарган: атлетларнинг тана тузилишлари юқори савиядаги спорт машқларини бажариш, тана аъзоларига механика нуқтаи назаридан маълум талаблар қўйилиши ҳисобига фарқланади. Унинг таъкидлашича, склет тузилиши наслийдир, агар ўсиш даври яқунланган бўлса, унга тренировка машғулотлари таъсир ўтказмайди. «Бизнинг скелетимиз пропорцияларини ҳеч нарса ўзгартира олмайди» деб якунлайди ўз илмий ишини инглиз олими.

Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар, юқори малакали спортчиларнинг соматик ривожланиши қиёсий таҳлилини ўтказиш имконини берди. Таҳлил учун Олимпиада Ўйинлари (Гундла, Таннер), Польшанинг ёшлар терма жамоаси Марчока, Скибински) ва Украина терма жамоаси (Л.Волков) спортчиларининг кўрсаткичлари олинган.

**Тана узунлиги ва оғирлиги.** Енгил атлетиканинг барча турлари бўйича Олимпиада Ўйинлари қатнашчилари, бошқа гуруҳлар аъзоларига нисбатан узун танага эгалар. Қисқа масофага югурувчилар баъзи ҳолларда бундан истисно.

Иккинчи Олимпиада Ўйинлари қатнашчиларининг бўйлари бири-бирига яқин. Украиналик спортчилар олимпиадачи-атлетлардан бўй узунлиги билан бироз фарқланадилар, Польшалик спортчилар ҳақида бундай деб бўлмайди.

Кўриб чиқилган барча гурухларнинг умумий хусусияти – баландликка сакровчилар, ҳамда улоқтирувчиларнинг бўйи узун – узоқ масофага югурувчиларники қисқа.

Украина терма жамоасининг спортчилари енгил атлетиканинг деярли барча турлари бўйича Олимпиада ўйинлари қатнашчиларига нисбатан бироз паст бўйга эгалар.

Барча гурух спортчиларининг вазнларида катта бўлмаган фарқ бор. Польшалик спортчилар енгил атлетиканинг кўп турлари бўйича анча кам вазнга эгалар. Бу ҳол улар ёшининг катта эмаслиги билан тушунтирилади, ўртача ёш 18-19 га тенг. Энг катта вазн улоқтирувчиларда, ўртача – барьерлар оша югурувчилар ва сакровчиларда, енгил – узоқ масофаларга югурувчиларда кузатилди.

**Оёқ ва қўл узунлиги.** Ж. Таннер (1964) томонидан олинган маълумотлар, Олимпиада ўйинлари қатнашчиларининг оёқ узунлиги кўрсаткичлари Украина ва Польша жамоалари спортчилариникидан бироз катталигини кўрсатади.

Оёқ узунлининг энг кам кўрсаткичи (енгил атлетиканинг деярли барча турлари бўйича) Польша спортчиларига тегишли. Украиналик спортчилари Олимпиада ўйинлари қатнашчиларининг кўрсаткичлари бир-бирига яқин.

400 ва 110 м га барьерлар билан югурувчилар, баландликка сакровчилар, диск ва болға улоқтирувчиларнинг оёқлари узунлиги эътиборни тортади.

Қўллар узунлиги бўйича алоҳида гурухларни ажратиб бўлмайди; ягона истисно – Олимпиада ўйинлари қатнашчилари диск улоқтирувчиларга тегишли, уларнинг бу белги кўрсаткичлари катта.

**Елка ва тоз диаметри.** Таҳлилларнинг кўрсатишича бу кўрсаткич Украина терма жамоаси спортчиларида катта, Олимпиада ўйинлари қатнашчиларида ўртача, Польшаликларда кичик.

Энг катта диаметр баланд бўйли спортчилар – катта оғирликли улоқтирувчиларга тегишли. Узок масофага югурувчиларда бу кўрсаткич паст.

Тоз кўрсаткичларининг ўртачаси бўйича турли спорт гурухидаги спортчиларнинг белгилари юқоридагиларга ўхшаш.

**Елка ва тоз айланаси.** Елка айланаси кўрсаткичларига мувофиқ, енгил атлетиканинг деярли барча йўналишлари бўйича энг катта кўрсаткичлар Украина терма жамоасининг спортчиларига тегишли, энг пости – Польшалик спортчиларда. Мазкур белгилар улоқтирувчиларда енгил атлетика турларининг бошқа вакииларига нисбатан анча фарқ қиласди.

Тоз айланаси бўйича аралаш гурух - олимпиадачилар ва Украина, ҳамда Польшалик спортчилар орасида катта фарқ кузатилмади.

Энг катта кўрсаткичлар улоқтирувчиларда, энг кичик - қисқа масофага югурувчиларда.

Турли миллий жамоалар спортчиларнинг гавда тузилишини ўрганиш ва таққослашда бўйлама кўрсаткичлар бўйича фарқ кузатилмади, ёnlама бўйича аҳамиятли бўлмаган фарқ мавжуд.

Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, спортчига енгил атлетиканинг турли йўналишларида юқори натижаларга эришиш учун маълум антропометрик кўрсаткичларга ва организмнинг бошқа тизимлари билан бир қаторда спорт натижаларига таъсир кўрсата оладиган мос равишдаги соматик ривожланиш даражасига эга бўлиш керак.

**Сузиш** - енгил атлетиканинг баъзи йўналишлари каби даврий спорт тури бўлиб ҳар хил қувватларда иш бажарилишини талаб этсада, шартлари бўйича бошқа спорт ихтисосликларидан кескин фарқ қиласди. Бу ерда, тананинг тузилиши ва шакли катта аҳамиятга эга. **Морфологик кўрсаткичлар бўйича идеал спортчи деб, баланд бўйли, тана узунлиги ва кўндаланг кўрсаткичларнинг яхши нисбатига, горизонтал ҳолда тургунликка ва юқори сузувланик сифатига эга ҳамда тери ости ёғ қатлами тенг тақсимланган спортчиларни атаси мумкин.**

Америкалик олим Т.Кюретон (1978), Шелдон классификациясидан фойдаланган ҳолда, халқаро тоифадаги сузувчилар орасида спринтерлар мезоморф, 400 ва 1500 м га сузувчилар эндоморф турга мансублигини аниқлаган.

Агар сузувчилар бошқа спорт турлари вакиллари билан таққосланса, уларнинг тана, оёқ ва қўл узунлиги бўйича кўрсаткичлари энг катталиги яққол кўзга ташланади.

А.Строкинанинг (1964) маълумотларига кўра, сузувчилар нисбатан калта гавда, узун оёқ ва болдириларга эгалар, пропорциялари бўйича мезоморф ва брахиморф турларга кирадилар, сузувчи аёллар эса баланд ва ўрта бўй, тўғри ҳамда бир текис тақсимланган тери ости ёғи, яхши ривожланган қўл мушаклари соҳибалари.

Амбрустер (1956), сузиш бўйича энг йирик мутахассислардан бирининг фикрича, сузувчи учун анатомик кўрсаткичлар энг муҳим ҳисобланади. Демак, узун қўллар – бу яхши ричаг, лекин у фақат қўл ва елка олдини бақувват мушаклар билан таъминланган ҳолдагини фойдали бўлади. Ингичка, леккин кучли тоз. Спринтер-сузувчининг оёқлари текис ва кучли пайли, узун ва хушбичим. Оёқ кафти узун, ингичка ва эгилувчан, хараклари эркинлиги бўйича балиқ думининг харакатларига яқинлашиши керак.

Н.Булгакованинг (1986) таъкидлашича, баъзи сузувчиларнинг този шакли бўйича оқувчанликнинг табиий чизиқларига мос келади. Бундай сузувчилар тор тоз ва катта бўлмаган яssi қоринга эга. Улар, катта тоз ва қоринга эга бўлган сузувчилар олдида маълум устунликка эгалар. Кенг тозли сузувчиларга сувнинг катта қаршилигини енгишга тўғри келади, чунки сув оқими кенг тоз ва қорин атрофидан ўтиб, айланма харакатлари ҳисобига қаршиликни кучайтиради.

**Спорт ва бадиий гитмкастика** - Украиналик машхур спорт антропологи О.Недригайлова (1964) гимнатикачиларнинг узун гавдасига ва кучли ривожланган елка айланасига эътибор қаратди. Мазкур спорт ихтисослиги вакилларининг тана тузилиши хусусиятларининг

кўрсаткичларига бағишланган тўла маълумотларни бошқа антропологларнинг ишларида кўрамиз.

Н.Лутовинова ва М.Уткиналарнинг (1965) маълумотларига қўра, гимнастлар ўрта бўйли бўлишади, тананинг юқори қисми, асосан елка айланаси кенг ва кучли бўртиб турадиган мушакларга эга. Тананинг пастки қисми худи бироз енгиллаштирилгандай; ингичка бел, тор тоз, ингичка ва бироз бўртиб турадиган мушакли хушбичим оёклар. Гавда нисбатан қисқа, тананинг юқори қисми елка айланасининг нуқталари пастлиги ҳисобига чўзилганлиги учун бўйин узундай кўринади. Қорин яssi, бел тўлқинсимон. Елка айланаси ва бел мушаклари жуда яхши ривожланганлигидан, гимнастлар бироз буқридай кўринадилар. Спортнинг ушбу ихтисослиги вакиллари мезоморф турга мансуб, бироз долихоморфия майли бор.

Гимнастикачи аёлларнинг елка айланаси нуқталари бироз пастга қараганлигидан бўйинлари узун кўринади. Гавдалари узун, тоз ва бел пастроқ жойлашган. Елкалар нисбатан кенг. Кўкрак безлари суст ривожланган, лекин кўркак айланаси нисбатан кенг. Мушаклар бутун тана бўйича бир маромда ривожланган. Одатда, қоринлари яssi, нозик бел соҳибалари. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларини кўрсатишича бадиий гимнастикачи аёллар ҳам ўз хусусиятларига эга. Таққослаш учун, спорт ва бадиий гимнастика бўйича ихтисослашган спортчи аёллар ва МДУ антропология институтининг дастурида қатнашган назорат гурухининг кўрсаткичлари олинган.

Тана тузилишининг тур хусусиятларини биринчи машғулотларда аниқлаш мумкин. Е.Рогозин (1973), 10 баллик баҳолаш тизимидан фойдаланиб қуидагиларни ҳисобга олган: ўртача бўй, хушбичимлик, тўлалик, қадди, қўл ва оёқларнинг гавдага нисбатан ўлчамлари. Тирсак бўғинлари ортиқча букилган болаларга у спортнинг бошқа турлари билан шуғуланишни тавсия қилинади, чунки гимнастиканинг катта разрядларида бундай бўғинлар юкламаларга чидамайди ва кўпинча жароҳатланади.

Қўлларнинг калталиги (пастга туширилган қўлнинг ўрта бармоғи тознинг ярмигача бормаган ҳолда) ҳам салбий омил ҳисобланади. Калта қўл ва панжалар билан спорт анжомларини маҳкам ушлаш хусусияти камаяди, машқларни бажаришда ноқулайлик ва қийинчиликлар туғилади.

Қизларни саралашда тизза бўғинларининг шаклига эътибор берилади: бўғинларнинг ортиқча букилганлиги салбий омилдир. Чўзилган бўйин идеал (10 балл) ҳисобланади. Кенг ва тўла гавдали 10-11 ёшдаги болалар ҳамда қизлар, одатда йиллар ўтиши билан бундай кўринишларини йўқотмайдилар. Бўйин, оёқлар, қўлларнинг гавдага нисбатан узунлиги, тознинг шакли, бўғинларнинг шакли одатда ўзгармайди. Жуда кам ҳолларда, гимнастика нуқтаи назаридан, улар яхши томонга ўзгаради.

**Оғир атлетика** - Ўта енгил ва яrim енгил вазндан оғир атлетикачилар кам узунликдаги гавдага, тор диаметрли тоз, калта оёқларга эга бўлиб – стифроид турига мос. Енгил ва яrim ўрта вазндан атлетлар ўрта узунликдаги гавда, кенг тоз, ўрта узунликдаги оёқларга эгалар – парагармоноид турига мос. Қолган вазндан спорчиларнинг кўпчилиги узун гавда, кенг тоз, узун оёқларга эга – гигантоид турига мос.

Барча вазндан оғир атлетикачилар яхши ривожланган, кенг елка айланасига, калта қўлларга эга, бу саралов ва спорт турининг ўзига хос хусусиятлари натижасидир; улар мезо - ва брахиморф турларга мансуб (долихоморф шакли гавда тузилиши умуман учрамайди).

Оғир атлетикачиларни гурухлараро нуқтаи назардан кўриб чиқиб, тадқиқотчилар қуидагиларни қайд этадилар: енгил вазндан спорчиларнинг тана узунлиги «ўртачадан паст», ўртача вазнагиларники – «ўртача» ва оғир вазнагилар – «ўртачадан юқори» тоифаларга мос. Уларнинг бўй узунлиги ва вазнининг ортиб бориши билан кўкрак айланаси ҳам ортиб боради. Ўрта ва айникса оғир вазндан спорчиларнинг қукрак айланаси жуда катта. Умуман олганда оғир атлетикачилар мезоморф турга мансуб бўлиб брахиморфияга бироз мойиллиги бор.

Оғир атлетикачиларнинг самототипларини баҳолаш учун Шелдон классификацияси қўлланган тадқиқотлар натижалари (Ж.Таннер, 1964) турли вазндаги спортчиларнинг маълум соматик хусусиятларга эга эканлигини тасдиқлади.

**Кураш** - Курашчилар оғир атлетикачилар каби кучли одамлар қаторига кирадилар, соматик хусусиятлари ҳам шунга мос. Курашчилар турли вазнларда қатнашишлари муносабати билан, табийки, уларни нафақат бошқа спорт турлари вакиллари, балки бир-бирларидан ҳам ажратиб турадиган соматик хусусиятлари мавжуд.

Лутовинанинг (1972) маълумотларига кўра, енгил вазндан курашчиларнинг бўйлари спорт билан шуғулланмайдиганларникига (назорат гуруҳи) қараганда бирмунча паст. Гурухлараро нуқтаи назардан улар «ўртачадан паст» тоифага мансуб. Кўкрак айланаси назорат гуруҳдагиларникига ўхшаш. Тана юзаси кўрсаткичлари енгил вазндан оғир атлетикачиларнидай, лекин бошқа бошқа гуруҳдагиларга қараганда анча кичик. Тана пропорцияси бўйича шу тоифадаги оғир атлетикачиларга ўхшаш; уларнинг елка ва тоз кенглиги, тананинг юқори қисми деярли бир хил, фақат қўл ва оёқлари бироз узун, гавдаси эса калтароқ. Енгил тоифадаги курашчини баъзи белгилари бўйича долихоморф (нисбатан тор тоз, калта гавда) ва брахиморф (нисбатан калта қўллар ва оёқлар, кенг елкалар) турларга қиёсласа бўлади.

В. Бунак классификацияси бўйича, енгил вазндан курашчиларнинг кўпчилиги пропорциялари бўйича стифроид ва парагармоид турларга мансуб. Бўйин айланаси анча катта, бу кўрсаткичи баскетболчилар, гимнастлар ва енгил вазндан оғир атлетикачиларнидан катта. Гавда, бел, сон, болдир ва елка айланаси енгил вазндан оғир атлетикачиларнидан бироз кам ва бошқа гуруҳдагиларникига нисбатан анча кам.

Оғир вазндан курашчилар бўй узунлиги бўйича факат баскетболчилардан паст, гурухлараро нуқтаи назардан улар «ўртачадан юқори». Кўкрак айланаси, тана вазни ва юзаси, шу тоифадаги оғир

атлетикачиларнидан бироз кам. Оғир атлетикачилар ўрганилган спортчилар гурухи ичида энг катталари ҳисобланади.

Оғир вазндаги курашчилар назорат ва барча гурухлардаги спортчиларга нисбатан, оёқ ва қўллари узун, кенг елкалар, ўрта ҳамжмдаги гавда, нисбатан кенг тоз кенглигига эгалар, баскетболчилар бундан истисно. Бу гурухни пропорцияларнинг фақат бир турига киритиб бўлмайди. Спортчиларда долихоморф, мезоморф ва хатто брахиморф белгилар кузатилади. В.Бунак классификациясига мувофиқ оғир вазндаги курашчилар асосан гигантоид турига мансуб. Оғир вазндаги курашчилар учун бутун тана мушакларина бир текис ривожланганлиги, тананинг бирор қисмида бўртиб чиқувчи пайларнинг йўқлиги, масалан гимнастларда елка айланаси, баскетболчи ва курашчиларда бел-тоз пайлари бўртиб туради.

Ўрта вазндаги курашчилар тана айланаларининг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари бўйича енгил ва оғир вазндаги курашчиларнинг ўртасида жойлашган.

Курашчининг соматипи ҳақида сўз кетганда, унинг энг кўзга ташланадиган белгилари кенг елкалар, тор тоз, калта қўллардир. Оёқ узунлиги турлича: ўқа енгил, енгил, ярим енгил ва енгил вазндаги спортчиларники - калта, ярим ўрта, ўрта вазндарники - ўртача, оғир вазндарники – узун. Таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар бир гуруҳда умумий белгиларга тўла тўғри келмайдиган спортчилар ҳам учрайди, уларнинг баъзилари йирик мусобақаларнинг ғолиблари ҳамдир. Бу ҳолни, спортчининг кураш турининг техникасини жуда яхши ўзлаштиргани билан тушунтирса бўлади.

**Спорт ўйинлари** - Агар, спорт ихтисосликларининг қўпи қандайдир жиҳатдан бир жинсли соматик гурухларга мансуб бўлса, спорт ўйинларида олий разрядли спортчиларнинг тана тузилиши типологик хусусиятларида четлашувларни кузатишимииз мумкин. Бу, спорт ўйинларида (волейбол, футбол, қўл тўпи) спортчилар турли функцияларни бажаришлари билан белгиланган - ҳужумчилар, ҳимоячилар, дарбозабонлар (жадвал). Шунга

қарамасдан тадқиқотчилар спорт ўйинлари вакилларининг тана тузилишида, уларнинг қайси спорт фаолияти билан шуғулланаётганига қарамасдан, умумий белгиларни кузатганлар.

Футболчиларнинг соматик хусусиятларини ўрганиш бўйича Л.Клочкованинг (1931) тадқиқотларини натижаларига кўра, улар бошқа ихтисосликдаги спортчиларга қараганда паст бўйга (велосипедчилар истисно), вазн кўрсаткичлари бўйича ҳаммадан кам (баскетболчилар ва велосипедчилар истисно): уларда тоз (27,1 см), бел (52,2 см) ва болдир (35,9 см) жуда яхши ривожланган. Мазкур маълумотлар, қандайдир маънода норвегиялик олимлар Х.Тъенна, Х.Санне, К.Андерсенларнинг (1958) тадқоқотлари натижалари билан тасдиқланади. Улар футболчиларни алоҳида атропометрик кўрсаткичларини спортнинг бошқа тури вакиллари ва спортчи бўлмаганлар билан таққослаган. Турли спорт ихтисослиги сакилларининг соматик кўрсаткичлари, спортда соматик ривожланишнинг кўпгина турларига мансуб спортчиларни учратиш мумкинлигини кўрсатади. Болалар, ўсмирлар, ёшлар таналарининг шакли турлича бўлишига қарамасдан юқори натижаларга эришишлари мумкин ва эришмоқдалар ҳам.

Бокс, кураш, қиличбозлик, спорт ўйинлари каби спорт турлари мусобақаларида ҳар хир бўйли ва оёқ-кўлли спортчилар ғолиб бўлишлари мумкин. Спортчи ўз танасининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда беллашувларнинг тактикасини ишлаб чиқади ва юқори натижаларга эришади.

Спортнинг стереотип - ўзгармас турлари эса нафақат соматик кўрсаткичларга, балки спортчиларнинг гавда тузилишларига ҳам аниқ талаблар қўяди.

Югуриш йўлакчаларида, улоқтириш ва сакраш секторларида, бўйи, гавданинг баъзи қисмлари бир-бирига ўхшаш спортчилар кўплаб учрайди, бу вазият харакатларнинг ўзига хослиги, биомеханика қонунларидан келиб чиқсан ҳолда юз беради.

Демак, шахсий соматик кўрсаткичларнинг танлананаётган спорт ихтисослигига мос келишини аниқлаш учун тана тузилишини ўлчамларини ўлчаш, уларни юқори натижага эришган спортчиларнинг кўрсаткичлари билан тақослаш зарур.

### **Спорт сараловида соматик ривожланишни аниқлаш услубияти**

Тайёргарликнинг бошланғич босқичида, болалар ва ўсмирларнинг спортга лаёқати даражасини аниқлашда шахсни визуал баҳолаш усули тренерлар учун асосийдир.

Соматик ривожланиш, самототипни аниқлаш тажрибаси бир қатор белгиларни визуал баҳолашни ўз ичига олади. Бунда ривожланишни 3-баллгача баҳолаш қўлланилади (..жадвал).

*Мушаклар:* кам – мушакларни бўртиб чиқиш даражаси паст; катта - мушакларни бўртиб чиқиш даражаси юқори; ўртacha - мушакларни бўртиб чиқиш даражаси икала баҳо оралиғида. Мушакларни миқдорий ривожланиш белгиларидан ташқари уларнинг эгилувчанлигини эътиборга олиш керак.

*Тонус:* суст – мушаклар қўл билан ушлаб кўрилганда юмшоқ, бўш; кучли - мушаклар қўл билан ушлаб кўрилганда таранг ва қаттиқ; ўртacha - иккала баҳо оралиғида.

Соматик белгилар кўрсаткичлари, балл

<b>Белгилар</b>	<b>1 балл</b>	<b>2 балл</b>	<b>3 балл</b>
<b>Мушаклар</b>	Суст намоён	ўртacha	Яққол намоён
<b>Тонус</b>	Суст	ўртacha	Кучли
<b>Ёғ қатлами</b>	Кам	ўртacha	Катта
<b>Суяқ</b>	Тор	ўртacha	Кенг
<b>Қопқоқ шакли</b>	Нормал	Букри	Тўғри
<b>Кўкрак қафаси шакли</b>	Ясси	Цилиндрсимон	Конуссимон
<b>Оёқлар шакли</b>	Нормал	X-симон	О-сифат
<b>Оёқ кафтлари шакли</b>	Нормал	Ясси	Экскавирлангган

**Ёғ қатлами (суяқ рельефининг кўзга ташланиши ёки текислиги билан аниқланади):** кичик – рельефлик ва аъзолар яққол кўринади;

**кота – сяяк рельефи текис, енгил, думалоқ; ўртача – сяяк рельефи күзга ташланмайды. Чегаравий, паталогияга яқин турларни алохидада қайд этиб ўтиш лозим – ўта озғин ва семиз.**

**Сяяк: тор (ингичка), ўртача, кенг (оғир).**

**Копқок шакли: нормал, буқри, түғри. Умутқанинг олди ва орқа йўналишларга қийшайиши кузатилади (кифоз ва лордоз).**

**Кўкрак қафаси шакли: ясси, цилиндсимон, коник ва оралиқ (цилиндрсимон-ясси, цилиндсимон-коник ва х.к). кўкрак қафаси шакли олдидан ва ёнбошдан аниқланади. Айниқса деформация ва ассиметрия кузатилади (товуқсимон, чуқурсимон ва х.к).**

**Оёқлар шакли: нормал, X-симон, О-симон.**

**Оёқ қафти шакли: нормал, ясси, тарвақайлаган.**

Самотип турни баҳолашни юқорида келтирилган бир неча схемалар билан амалга ошириш мумкин. Алохидада қайд этиш лозимки, булар ҳаммаси таҳминий схемалар, чунки тоза ҳолда самотип кам учрайди. Самотипни визал баҳолаш йўли билан аниқлаш тажрибаси амалиёт билан бирга тўпланади.

Табиийки, самотипни визуал баҳолашдан ташқари **ўлчовли** баҳолаш усули мавжуд бўлиб, бунда маҳсус антропометрик асбоблар қўлланилади (циркуллар, бўй ўлчагич, антропомер, лентали сантиметр).

Самотип аниқлангандан сўнг, спорт қобилиятларини баҳолаш лозим. Бунинг учун бир нечта классификацияларни қўллаб хulosалар чиқариш мумкин. Масалан, *эктоморф* яхши тезлик имкониятлари ва харакатлар ориентацияси, қисқа муддатли юкламаларни яхши қўтаради ва кам ҳолларда ортиқча тренировка қиласи – шулардан келиб чиқсан ҳолда унга тезлик ва координация сифатларини намоён қилиш мумкин бўлган спорт турлари мос келади. *Эндоморф* мушаклари катта кучга эга, лекин жуссасининг кенглиги (семизлиги) туфайли ундан самарали фойдаланмайди, демак унга оғирлик қўтариш ва эҳтимол кураш кати ихтисосликлар кўпроқ мос. Мезоморф бардошли, гавда тузилиши бақувват, таъсирчанлиги тез, чаққонлик ва катта жисмоний кучга эга; унинг спорт ихтисослиги миқёси кенг.

Албатта, соматик турни баҳолаш – спорт ихтисослигини танлаш масаласини бошланғич ҳал қилишдан бошқа нарса эмас. Ривожланиш хусусиятларини ўрганиб ва соматик турга баҳо бериб, уларни олий малакали спортчиларнинг модел-кўрсаткичлари билан таққослаш зарур.

Инсон танасининг мослик даражасини аниқлаш қўйидаги учта белгиларнинг уйғунлигига асосланган: оёқлар узунлиги, гавда узунлиги ва елкалар кенглиги. Аввало, баҳолаш гавда узунлиги бирламчи белгиларининг абсолют кўрсаткичлари: кичик, ўртacha, катта, сўнгра – оёқ узунлигини елка кенглигига нисбати бўйича амалга оширилади.

### **Инсон танаси мослигининг қўйидаги тўққизта тури ҳосил бўлади:**

- 1. Калта оёқ тор елкали (арростроид) тур.*
- 2. Ўртача кенг елкали (гипостифроид) тур.*
- 3. Кенг елкали (стифроид) тур.*
- 4. Ўртача оёқли тор елкали (гипагармоноид) тур.*
- 5. Ўртача кенг елкали (гармоноид) тур.*
- 6. Кенг елкали (парагармоноид) тур.*
- 7. Узун оёқ тор елкали (тейноид) тур.*
- 8. Ўртача кенг елкали (паратейноид) тур.*
- 9. Кенг елкали (гигантоид) тур.*

Турли мамлакатларда тузилиш жиҳатидан бир хил бўлган турли классификаторлар қўлланилади.

Шундай қилиб, спорт имкониятларини баҳолаш усуллари билан уйғунлашган ҳолда ўтказилган соматик ривожланишнинг таҳлили спорт турини танлаш имконини беради.

Спорт имкониятларини аниқлаш учун ўтказиладиган спорт саралови амалиётида ёшни - лекин паспорт эмас, балки биологик ёшни эътиборга олиш керак. Ёш аниқлашнинг асосий усули – визуал баҳолаш, қизларда эса - кўшимча саволлар бериш.

Олинган натижаларга мувофиқ ҳолда ёш спортчининг биологик ёши аниқланади. Турли минтақалар учун паспорт ёшининг биологик ёшга мос келмаслиги  $\pm 3$  ёшни ташкил қилиши мумкин.

Болалар ва ўсмирларнинг спорт имкониятларини антропометрик усуллар ёрдамида баҳолаш учун назарий ва амалий тайёргарлик зарур. Ушбу ёндашувнинг катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб жаҳоннинг турли мамлакатларининг олимлари болалар ва ўсмирларнинг спорт имкониятларини баҳолаш ва ўлчашнинг самотометрик усулларини такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдалар.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Спортга яроқлиликни аниқлаш тизими асосларига тавсиф беринг.
2. Спортга яроқлиликни аниқлаш давр ва босқичларини айтиб беринг.
3. Спортнинг ҳар хил турларида спортга яроқлиликни аниқлаш услуби.
4. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг 2 босқичи фарқини асосланг.
5. Ҳамма спорт тури учун умумий спортга яроқлилик критерияларини аниқлашни санаб ўтинг.

### **Адабиётлар.**

1. Саламов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма Тош. 2005.
2. Керимов.Ф, Умаров.М. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. Дарслик. Тош 2005.
3. Керимов.Ф. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. Ўқув қўлланма. Тош. 2004.

## **7-мавзу. Спортда моделлаштириш ва моделлаштириш усуллари**

### **Режа:**

1. Мусобақа фаолиятидаги моделлаштириш ва спортчиларнинг индивидуал хусусиятларига кўра тайёргарлиги.
2. Моделлаштириш усуллари.
3. Спорт амалиётида моделлаштириш усулини қўллаш.

### **Мусобақа фаолиятидаги моделлаштириши ва спортчиларнинг индивидуал хусусиятларига кўра тайёргарлиги.**

Машғулотлар жараёнидаги умумлашган ва гурухлашган моделни ишлатиш, хали спорт чўқиларини эгалламаган ёш ва ёши катта спортчиларни тайёрлашда муҳим рол ўйнайди. Умумлашган моделни олий тоифадаги спортчиларда ишлатишнинг таъсири кам лекин, машҳур спортчиларнинг ҳам бир қанча алоҳида ўзига хос тайёргарлик томонлари бор, қолган компонентларнинг тараққиётидан бир мунча ўрта даражада ҳисобланади. Масалан, функционал имкониятларни кислородтранспорт тизимида тахлил қилганимизда олий тоифадаги велосипедчи-шоссейниклар алоҳида кўрсаткичларда тайёргарлиги бир хиллигини кўрамиз.

Беллашув натижаларини ўхшашлиги мусобақа харакатидаги даражаларнинг тенглигидандир.

Бунга эса бир неча йиллардан бери бир-бирига мусобақаларда рақобат бўлиб келаётган шестдан сакровчи Зта машҳур спортчиларнинг сакраш кинематик маълумотлари гувоҳлик беради.

Спортнинг бундай ёндашиши бизнинг назаримизда ҳаётийлигини йўқотади. Мураббийлар кўпинча спортчиларнинг генетик ривожланган юқори даражадаги бошқа сифатларини ва имкониятларини очишга харакат қилмайдилар. Бундай холатда машғулотлар қоидага кўра, керакли натижаларни бермайди ва тайёргарликнинг кучли томонларини пасайтиради, ғолибликни келтирадиган индивидуал томонлари йўқолади.

## **Моделлаштириш усуллари**

Охирги вақтда спорт соҳасини моделлаштириш масаласи спорт фанининг истиқболли соҳаларидан бири бўлиб қолди.

**Моделлаштириш усули илмий назарий тушунча каби шаклларни тиклашнинг ёки жисмларнинг баъзи хоссаларини ва ходисаларни ўрганишни ёки такрорлашни ўз ичига олади. Бу – объектларнинг (жараёнларнинг) хусусиятларини, уларнинг модели бўлган бошқа объектлар ёрдамида тадқиқ қилишдир.**

Инсонлар кўпдан бери моделлаштиришни билиш воситаси деб келганлар ва ўз фаолияти давомида ноаниқликка учраб, биринчи навбатда бу ноаниқликни ўзи учун аниқ бўлган ходисага солиштирганлар. Ноаниқликдан аниқликка солиштириш иккиласмидан бирламчига қўчиш ҳодисасидир, яъни бошқача қилиб айтганда бу аниқлик ноаниқликнинг модели сифатида қатнашади.

Билимларни маълум муносабатларда бир-бирига ўхшайдиган бир жисмдан бошқа жисмга бундай ўтиши, логикада аналогидан келиб чиқсан ҳолда хулоса чиқариш деб ном олган.

Моделлаштириш усули ўрганилаётган объект ҳақида тўғридан тўғри муносабатда эмас, балки моделга ўхашашлик ҳодисасини ўрганиш йўли орқали билим олишга йўл қўяди. Шундай қилиб, билимнинг субъекти ва объект ўртасидаги оралиқ занжир бўлиб модел туриши моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятидир.

Ҳозирги вақтда усулни моделлаштириш мураккаб бошқарувда, асосан биологик тизимда «асосий қурол» сифатида қаралади. (С.Л.Оптнер, 1969; М.Б.Блауберг, Э.Г.Юдин, 1972; Д.М.Гвишияни, А.А.Новиков, 1973; В.В.Петровский, 1976; Ю.Г.Антомонов, 1977)

Усулни моделлаштириш аниқ фанларда хусусан кибернетикада, биологияда, медицинада, педагогикада, спортда қўлланилади. Ҳамма моделлар ташкил топишига қараб туркумларга бўлинади.

Туркумларга бўлишни ташкил қилишда материалистик тушунча модели восита сифатида акс этади, у ёки бу воқеаликни тиклашда яна ҳам чуқурроқ билим олишга қаратилади.

Б.А Глинский, Б.С Грязнов, Б.С Дынин ва Э.П Никитин моделнинг одамдаги бўлиниш билан бир қаторда ишлаб чиқилган томон характерини хисобга олиб, турларда бўлиниш усулини амалга оширган ҳолда қўйидаги модел турлари таклиф қиласди.

- 1) субстанционал
- 2) структуравий
- 3) функционал
- 4) аралаш

мустақил бўлмаган 4- гуруҳни чиқариб ташлаганимизда, қолган 3 та модел муҳим мураккаб системани характерини ёритишга тушунча беради.

1) материал ёки субстрат яъни, тизимда хосил бўлган элементлр тўплами.

2) структураси яъни, элементлар орасидаги алоқалар ва муносабатлар йигиндиси.

3) функциялар яъни, ташқи шароитда тизим холатини бир бутунлиги.

А.Н Кочергин моделлаштиришни 3 турга ажратади.

1) функционал - тимсол хулқ-авторини ўхшатиш  
2) ахборотли, тимсолда ўтаётган жараёнларни фақат ахборот томонларини ўхшатади

3) субстрат-структурали, фақатгина тимсол хулқ-авторини эмас, балки унинг моддий асосини хисобга олади, яъни структурани ва субстратни.

Илмий адабиётларда модел ва моделлаштиришнинг яна бир неча турлари келтирилади (Ю.А Жданов, 1960; Л. Вальт, 1869; В.А Веников, 1961; И.Б Новик 1980).

Муаллифлар томонидан таклиф қилинган бу турларнинг орасида жуда катта фарқ мавжудлигига қарамасдан, спорт фаолиятини

ишончлилигини моделлаштиришда уларни қўллаш соҳасини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

### **Спорт амалиётида моделлаштириши усулини қўллаш**

Модел нима деган саволга тўлиқ жавоб олиш учун қатор тадқиқотчилар, академик П.К Апохиннинг тўлиқ тасдиқланган функционал тизим назариясига таянадилар. Мазкур назарияга мувофиқ биологик тизимлар «воқеаликни олдиндан акс эттириш» имкониятга эга.

Бу шунда акс этадики, ҳамма мақсадларни амалга ошириш учун, охирги натижага тассавур қилинади, яъни мақсад ходисаси. Охирги натижага эришиш учун, организмни программа ҳодисасини шакллантиради.

Спортчи моделини яратишида ва режалаштирилган спортнинг юқори натижаларини кўрсатиш бу асосда ўз аксини топади.

Хозирги замонда спортда моделлаштириш кенгайиб бормоқда.

Биринчи груп - объектив характердаги сабаб (тўғридан-тўғри объектни ўзини текшириш, ёки иложи йўқ, қиммат, ёки кўп вақт талаб қиласи)

Иккинчи групнинг сабаби - бу субъектив сабаблар, замонавий фаннинг билимни тарқатиши тизимининг ўсишига боғлиқ. Бу тизимли ёндашиш, компьютер технологиялар ёрдамида кенгайган фаннинг имкониятларида атлетлармизни юқори спорт маҳоратини кўринмас томонларини очишида ёрдам беради.

Тренерларнинг назарий билимлари эса замонавий спортда моделлаштириш усулларини катта истиқболларга жорий қилишда ёрдам беради.

Моделлаштириш усули спорт соҳасида алоҳида ўрин туради. Спорт прогнозлаштириш объектидаги оқим ҳақида ўзгаришлардан ахборотни кириб келиши сифатида фойдаланилади. Тадқиқотчиларнинг назарида спорт фаолиятидаги эришилаётган натижалар келажакка катта умидлар боғлайди. Хозир спорт соҳасида бир қанча олимлар томонидан

моделлаштиришнинг турлари таклиф қилинган. Булар А.А Братко, П.П Волковым, А.Н Кочергиным ва Г.И Царегородцевым (1969).

бу модельлаштириш 3 турга бўлинади:

- 1) физика-ашёвий
- 2) ашёвий-математикали
- 3) мантиқий-математикали

Бошқа турларга нисбатан ўртадаги ашёвий-математикали тур модельлаштиришнинг интеграллаштирилган хаёлий ва моддий томонлари билан ажралиб туради.

Биринчи турга тегишли бўлган модел табиатдаги ўрганилган физикавий, хаёлий биологик ходисаларга ўхшашибди. Масалан, трамплиндан сакровчи спортчининг аэродинамик хусусиятларини ўрганиш кучли ҳаво оқимига эга аэродинамик трубанинг кичрайтирилган модели ёрдамида ўтказилади.

Яратилган спорт самолетларининг ноёб моделилари шу турга киради. Гимнастика спортида физикавий-ашёлий моделлар гимнастикачиларнинг шарнир моделини яратишда ўз аксини топади. Бунда эса гимнастикачининг асосий техник параметрлари тадқиқ қилинади, энг муҳими унинг элементлари ва боғламлари режалаштирилади.

Иккинчи тур моделига, физикавий, химиявий ва биологияли табиатининг яхши намунасига эга бўлади, лекин математик таърифларнинг нусҳаси билан бир хил бўлмайди.

Бу абстракт даража ушбу модельни спорт турларига қаратади:

Биринчидан: ишлаб чиқилган модел характеристикиси спортчидан юксакликни талаб қиласи (кўпроқ ривожланаётган самарали спортга йўллайди).

Иккинчидан: мусобақа машғулотларидағи машқларни модельлаштиради (« жанг шартларига кўникиш» деб аталади).

Учинчидан: техник воситалар, ахборотлар ҳар-хил турдаги тренажёр программалари орқали ўқитишида жисмоний сифатларни талаб қиласди ва спортчининг моҳирлик тафаккурини талаб қиласди.

Тўртинчидан: ўқув машғулоти жараёнида янги жадвални режалаштиради («маятник» сифатида иккиласми ва учламчи даврлар).

Учинчи турга белгилардан ясалган моделлар киради. Бу моделлардаги физикавий, химиявий ва биологияли намуна характеристикаси ҳеч қандай рол ўйнамайди шунингдек, бунга фақат мантиқли ва математикали хусусиятлар муҳимдир.

Бу моделлар мавхум моделларга тегишли ва мантиқий-математик деб аталади.

Бизни қизиқтираётган объект ҳақидаги янги билимларни мантиқий моделлаштириш йўлидаги мантиқий-математик моделнинг дастлабки тасвирланишида олинади, лекин физикавий ёки ашёвий-математикада бу мумкин эмас.

Спортда бу турга корреляцион, регрессион ва омил факторлари киради.

- а) спорт соҳасидаги натижаларнинг ўсиши спорт турларидаги параметрлар сони билан қайд қилинади ;(м. кг)
- б) тайёргарлик даражаси;
- в) жисмоний сифатларни тузилиши;
- г) спортчининг техник маҳоратини тузилиши;
- д) спортчининг бўлиб ўтадиган жиддий мусобақаларга ҳар томонлама тайёргарлиги;
- е) спортчининг мусобақа фаолиятидаги умидли даражаси;
- ж) спортчининг мамлакатдаги ҳар томонлама тайёргарлик тизимининг ўзаро боғлиқлиги.

Мантиқий-математик тизимда спортчининг ҳар томонлама мамлакатдаги муҳим спорт тизимларининг ривожланишида, жаҳон спортида,

олимпиадада тайёргарлиги ҳисобга олинади. Бу оҳирги тур глобал моделлаштириш деб аталади.

Шундай асосларни кўрсатиш мумкинки, сифатли тадқиқ қилиш усули томонларни сонини аниқ ҳисобга олмаса, натижасиз бўлади ва ўрганилаётган ҳодисанинг асл моҳиятига чуқурроқ кириб бўлмайди. Фан етукликка эришган сари математика фанининг фойдаси аниқланиб боради.

Буюк назарётчи Пол Лафарнинг гувоҳлик беришича, қачонки илм фанда математика фанидан фойдаланганда гина буюк муваффақиятларга эришиш мумкин.

Математиканинг эврестик роли шуни тақазо қиласиди:

биринчидан: дедукцияга асосланган математик назарияда янги асослар ҳақида олдиндан айтиш ва хисоблаб бериш имкониятлари бор.

иккинчидан: аниқ математик схемалардан фойдаланиш (моделнинг ўзига хос формалари) аниқ фанларда янги кашфиётлар очишга олиб келади. Электромагнит майдонидаги физиковий назариянинг изоҳланишига Максвелнинг машхур тенглаштириши ёрқин мисол бўла олади.

Математик моделлар спорт турларида кўзга кўринарли даражадаги ютуқларни кўрсатишда катта рол ўйнайди. Томонларнинг аниқ талабларига кўра, спортчининг жиддий мусобакаларга тайёргарлик даражаси модел характеристининг статистикаси кўра ишлаб чиқилмоқда. Ҳар бир физикали ёки математикали моделнинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари бор:

- моделлашган обьектга обьектив мувофиқ келиш керак;
- билимнинг аниқ босқичларida ўрганилаётган обьект ўрнини эгаллаш қобилиятига эга бўлиш керак;
- тадқиқотлардаги текширувлардан керакли маълумотларни бериш керак;
- модел ахборотларидан моделлаштирувчи обьект ахборотларига ўтиш қоидалари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш.

Шундай қилиб, моделнинг назарий ва услубий асослари спорт соҳасидаги ҳамма муаммоларни ечиб берди десак бўлади.

1) спортчи даражасида (унинг маҳоратини модел характеристикаси, унинг натижаларини прогнозлаштириш);

2) спорт тайёргарлиги ва спорт машқларидағи тизим даражаси (машқлар шароитини моделлаштириш, моделни режалаштириш,

ТСО, ЭВМ ВА АСУ ни ривожлантириш);

3) мамлакатдаги спорт тизимины ривожланиш даражаси ( хом-ашёвий имкониятлари, саралаш тизими, маориф, спорт турларидаги ривожланишнинг демографик, миллий ва чегарадошлиқ хусусиятларини үйғунлашуви ва бошк.);

4) дунёдаги спортнинг глобал даражада ривожланиши асосан олимпиадада (анализга асосланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, идеологик нұқтаи назардан күрсатилған камчиликлари).

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Спортчининг морфофункционал моделини ўзига ҳос хусусиятлари.

2. Мусобақа фаолияти модели. Тайёргарлик модели.

3. Ёш спортчиларнинг модел тавсифлари.

4. Ҳар хил спорт турларыда ёш спортчиларнинг модел тавсифлари хусусиятлари.

5. Спортчининг математик модели шаклланишининг услуг ва шакллари.

6. Моделлаш технологияси нималардан иборат.

### **Адабиётлар.**

1. Саламов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма Тош. 2005.

2.Керимов.Ф, Умаров.М. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. Дарслик. Тош 2005.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Спортга яроқлилик деганда нимани тушинасиз.
2. Спортга яроқлиликни аниқлаш тизимининг асослари кўрсатинг.
3. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг даврлари ва босқичлари нималар.
4. Спортчиларнинг соматик ривожланиши хусусиятлари айтиб беринг.
5. Спорт сараловида соматик ривожланишни айтиб беринг.
6. Инсон танаси мослигининг қуидаги тўққизта тури айтиб беринг.
7. Спортга яроқлиликни аниқлаш тизими асосларига тавсиф беринг.
8. Спортга яроқлиликни аниқлаш давр ва босқичларини айтиб беринг.
9. Спортнинг ҳар хил турларида спортга яроқлиликни аниқлаш услуби.
10. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг 2 босқичи фарқини асосланг.
11. Ҳамма спорт тури учун умумий спортга яроқлилик критерияларини аниқлашни санаб ўтинг.
12. Кўп йиллик тайёрловнинг биринчи босқичи қандай.
13. Бирламчи саралов ва йўналтиришга тариф беринг.
14. Танланган спорт туридаги машғулот учун болалар ва ўсмирларнинг бирламчи танлови.
15. Спортга яроқлиликни аниқлашнинг иккинчи босқичини вазифасини айтиб беринг.
16. Башорат қилишнинг асосий негизларини, спортда башорат қилишнинг услубий негизларини айтинг.
17. Бошқариш функциялари сифатида башорат қилиш ва режалаштириш.
18. Башорат қилиш услуби ва тавсифини айтинг.
19. Башорат верификацияси (тўғрилигини аниқлаш).
20. Спортда башорат қилишга мажмуали ёндошув, мажмуали ёндошувнинг можияти.
21. Мажмуали спорт башорати олдида турган асосий вазифасини асослаб беринг.
22. Мажмуали ёндошув башорат муаммоларининг тизимли тадқиқ этиш сифатида.

23. Қисқа муддатли ва ўрта муддатли башоратга тавсиф беринг.
24. Узок муддатли ва жуда узок муддатли башоратга тавсиф беринг.
25. Спорт ютуқларини башорат қилишнинг характерли хусусиятлари.
26. Спорт маҳоратининг шаклланишининг асосий қонунларини спортда башорат қилиш асоси сифатида баён этинг.
27. Спортда башоратнинг эксперт баҳолаш услубарини қўллаш.
28. Спортда башоратнинг экстраполяция услублари имкониятлари нимадан иборат.
29. Спортда башорат тизимини амалда қўллашнинг долзарб йўналишларини айтинг.
30. «Модел» ва «Моделлаштириш» атамалари ҳақида асосий тушунчаларни умумий ўрни.
31. Спортчиларнинг машқ ва мусобақа фаолияти амалиётида фойдаланиладиган моделларнинг уч даражаси (умумлаштирилган, гурӯҳли ва якка ҳолда).
32. Модел қандай асосий хусусиятларга эга?
33. Спортда ва жисмоний тарбияда статик моделлаштиришдан қандай фойдаланиш мумкин.
34. Назарий ва эмпирик тадқиқотда тизимли ёндошув қандай қўлланилади.
35. Математик ва тафаккур (фикр) моделлари қандай афзаллик-ларга эга?
36. Имитация моделлаштириш қандай ўтказилади?
37. Жисмоний тарбия ва спортда моделлаштириш тизимини амалда қўллашнинг долзарб йўналишини баён этинг.
38. Кучли спортчиларнинг модел тавсифлари қандай тузилади (моделнинг асосий таркиблари).
39. Ёш (истиқболли) ва юқори малакали спортчиларнинг модел тавсифларини тузишдаги комплексли ёндошувга тавсиф беринг.
40. Спортчининг морбофункционал моделини ўзига ҳос хусусиятлари.
41. Мусобақа фаолияти модели. Тайёргарлик модели.

42. Ёш спортчиларнинг модел тавсифлари.
43. Ҳар хил спорт турларида ёш спортчиларнинг модел тавсифлари хусусиятлари.
44. Спортчининг математик модели шаклланишининг услуг ва шакллари.
- 45 . Моделлаш технологияси нималардан иборат.

## ГЛОССАРИЙ

**Спорт саралови** - спортнинг маълум турида юқори натижаларга эришиш имконига эга бўлган, иқтидорли одамларни қидирув жараёни.

**Спорт йўналтирилиши**- спортчиларнинг қобиляти, имкониятлари, маҳоратларини шаклланишининг шахсий хусусятларидан келиб чиқсан ҳолда юқори спорт маҳоратита эришишнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш.

**Йўналтириш** - маълум спорт тури доирасига тор спорт мутахассислигига (сиринтер-стайер, ҳимоячи-хужумчи ва х.к.);

**Спорт натижалари дарижаси** - оғир шароитларда юқори кўрсаткичларга эриша билиш қобиляти, беллашув тажрибаси, маълум мусобақаларнинг шароитга кўника билиш қобилятлари тўртинчи ва бешинчи босқичларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Чўққисифат эндоморф** – бу тур-кўкрак қафаси бўртириб чиқсан, кичик думалоқ шакллар, нисбатан калта оёқ ва қўллар, калта ва кенг суюклар ва оёқ кафти, катта жигар, катта ҳажмдаги тери ости ёғи кўринишида;

**Атлетик мезоморф** - бу тур гавда шаклли, тор тос, кенг елкалар, яхши ривожланган мушаклар, суюкларнинг қўпол тузилиши;

**Астеник эксоморф** – бу тур-ясси ва узун кўкрак қафаси, озғин гавда, узун ва нозик оёқ қўллар, тор оёқ кафти ва канжалар, кам ҳажмда тери ости ёғи кўриниши.

**Башорат** - маълум вақт оралиғида кузатилаётган объектга (бизнинг ҳолимизда спортчига) нисбатан эҳтимолий илмий асосланган фикрлар.

**Башорат қилиш**- инсоннинг билиш фаолияти тури, яъни объект ва унинг ривожланиш ғояларини тахлил қилиш асосида башорат шакллантиришнинг йўналиши.

**Башорат қилишдан мақсади** - беллашув фаолиятидан олинадиган натижалардан ҳаёлан завқ олиш.

**Спорт башорат қилишнинг услубияти** - табиат ривожланишида диалектик-материалистик концепцияларга асосланади, яъни жамият ва билимга. Спортдаги башорат қилишнинг илмий методологияси дунёдаги қабул қилинган билим фалсафасига суюнса, умумий методология тушунчасида умумфган методлари қабул қилинади.

**Моделлаштириш методи** - бу қисқа муддатли, ўрта муддатли, узок муддатли башорат қилишнинг турли параметрлар орасидаги муносабатлари. Модел ҳар бир тафсилотларда кўчирма бўлиш керак эмас. У факат моделлаштиришда маълум мақсадлар учун объект вазифасини бажаради.

**Моделлар** - бу шаклига қараб ҳар-хил бўлади: предметли (режалар, макетлар), футбол мураббийси ўйин ўтказишда макетлардан фойдаланади, яъни ўйинчи фишқа кўринишида моделлаштирилади ва шундай ҳолатда тактик вариантларни ютиб чиқади.

**Мантиқли** - ходисанинг ёки жараённинг мантиқий таъfirланиши кўзда тутилади.

**Математикали** – тенгиззик жараёни тенглаштириш тизими ёрдамида тасвирланади

**Спортдаги башорат қилиш назариясининг мақсади** - шуки, тадқиқотларнинг истиқболли тармоқлари томонидан йиғилиб қолган ёки кам ишланган билимларини ягона тизимга туширишdir.

**Олдиндан кўра билиш-** тушунчасини назарий таҳлил қилганимизда, кўпгина аниқликларни киритамиз ва тизимлаштирамиз, яъни бир бирини тўлдиришини, бир бирига бўй сунишини кўрамиз.«олдиндан кўра билиш» тушунчаси инсонларнинг олдиндан таърифлаш, олдиндан айтиш, келажакни башорат қилиш каби қобилиятлари тушунилади.

**Антиципация** - олдиндан таърифлаш босқичи.

**Экстрополяция** - олдиндан айтиш босқичи.

**Башорат қилиш ва режалаштириш** - бу бошқарувнинг асосий мезони бўлиб, спорт фаолиятининг даражасини белгилайди.

**Верификация** - бу башоратни тўғрилигини аниқлаш жараёни дейилади.

**Спортда башоратларни ишлаб чиқиш** - спорт фаолиятига тегишли бўлган ходисаларнинг келажагини аниқлаш шаклидир.

**Спортда истиқболни белгилаш** - бу шундан иборатки, аниқ ходисаларни ривожланишига асосланган холда, илмий билимларга мос келадиган, олдинга интилиши учун рағбатлатирадиган жараённи аниқлашдир. Истиқболни белгилаш бошқарув билан боғлиқ. Бошқарув эса, етарлича таъминланган, исботланган (қарор қабул қилинган) спортнинг ташкилий доирасини, тайёрлов доирасини ва беллашув фаолиятини маълум қарор қабул қилишини назорат қиласиди.

**Спорт машғулотини бошқаришнинг объекти** - спортнинг интизоми унинг тезкор, даврий, босқичли ҳолатининг сабаби бўлган қўлланиладиган машғулот ва мусобақа нагрузкаси, спорт тайёргарлиги тизимида унга таъсир мажмуасининг барчасидир.

**Машғулот жараёнини бошқариши** - бу спорт машғулоти тизими компонентларини (қонуниятлар, омилар, ҳолатлар, восита ва усулар ва х.к. Ҳамда машғулот ва мусобақадан ташқари (махсус анжом, ускуна ва машғулотлар, қайта тикланиши воситалари, иқлим омиллари ва бошқалар) омилларини мажмуавий қўллашни кўзда тутади. Бир томондан, бу спорт машғулоти жараёнида бошқарувни ўта муракаблигини, иккинчи томондан амалга оширилган ечимларнинг асосланганлиги ҳолида унинг катта самарадорлигини белгилайди

**Машқ жараёнини бошқариш** - тренер томонидан спортчиларнинг ҳолати тўғрисида аҳборот йиғиш, буларга жисмоний, техник-тактик, психологик таёргарлик, турли функционал тизимларнинг тренировка ва беллашув вазифасига таъсирчанлиги, мусобақа фаолиятининг кўрсаткичлари киради ва х.к;

**Босқичли бошқарувнинг** - макраструктуранинг аниқ элементи якунида, спортчи эришиши лозим бўлган тайергарлик даражаси тўғрисида аниқ тассавурлар мавжудлиги.

**Кундалик бошқарув** - бу алоҳида мусобақа ёки уларнинг серияларида, тайёргарликнинг микро ва мезодаврларида машқлар жараёнини такомиллаштириш.

**Тезкор бошқариш** - мусобақалар, кураш, яккакураш ва х.к.лар вақтида алоҳида машқ машғулотлари ва уларнинг мажмуасини бажариш чоғида спортчининг функционал тизими харакатнинг кўзланган характеристикаларига эришишни назарда тутади.

**Спорт захиралари мажмуаси** - бу кенг маънода ёш авлодни ғоявий тарбиялаш, жисмоний тарбияни ва олий спорт маҳоратини янада ривожлантириш, халқаро майдонда етакчи ўринларни эгаллашни ўз ичига олган ижтимоий омиллар билан боғлиқ тор маънода эса «Спорт захиралари» маълум бир натижага эришган спортчилардир, улар ўз олдига қўйилган мақсадга мувофиқ маҳоратга эга ва тайёрловнинг спорт натижаларини янада юксалтириш имконини берадиган замонавий ташкилий- методик шакллари билан қамраб олинган.

**Амалдаги захира** - мамлакатнинг терма жамоаларига номзод бўлган, ёш жиҳатдан истиқболли бўлган юқори малакали спортчилардир. Улар халқаро тоифадаги спорт устаси даражасига жавоб беришлари, республика ва халқаро мусобақаларида, жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатнашиши лозим.

**Яқин захира** - олимпиядагача бўлган даврда мамлакатнинг терма жамоаларига номзодлар қаторини тўлдириб борадиган ёш иқтидорли спортчилардир. Яқин захирани аниқлаш чоғида спортчининг келгуси спорт натижалари, ёшлар аро халқаро мусобақаларида муваффақиятли қатнашиш эҳтимоли каби кўрсаткичларга эътибор берилади. Яқин захирани баҳолашда спортчининг ёши, машғулот ва беллашувлар стажи, модел кўрсаткичларига мувофиқлик каби кўрсаткичларга эътибор қаратилади.

**Истиқболли захира** - болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, БЎСМ ихтисослашган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ИОЗБЎЎСМ олий спорт маҳорати мактабларида ОСМИ шуғулланаётган ёш спортчилардир.

**Ёш спортчиларни тайёрлашни бошқариш технологияси** - бу қарор қабул қилиш, ижрони ташкил этиш, ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, якуний маълумотнома тайёрлаш.

**Биринчи амал** - спортчининг тайёргарлиги тўғрисида бирламчи маълумотларни олиш; кучли ва замос томонларини аниқлаш; умумий ва хусусий вазифаларни аниқлаш.

**Иккинчи амал** - мақсаддаги қўсаткичга эришишни таъминлайдиган модил характеристикалари билан танишиш.

**Учинчи амал**- бошқарув тизимида даражаси бўйича энг муҳим, ёш спортчиларни ҳам модел, ҳам режадаги кўрсаткичларга эришишни таъминлайдиган машғулотлар тузишни назарда тутади.

**Тўртинчи амал**-танланган йўналишдаги машғулотлар жараёнини ва қабул қилинган қарорлар самарадорлигини баҳолаш. Бу ерда, мажмуавий назорат тизими ишга тушади, унинг вазифаси қарорлар ижроси

таъминлангандан кейинги унумдорликни баҳолашдан иборат. Назорат, ёш спортилар еришиши лозим бўлган аниқ меъёрий кўрсатгичларни ҳакиқатда олинган натижалар билан таққослаш ва дастурга керакли ўзгартиришларни киритиш бўйича тадбирларни ўз ичига олади.

**Бешинчи амал** - натижалар таҳлили, яқуний хулосалар ва келажак мақсадларни аниқлаш.

**Спортдаги мусобақалар** - ёшлар учун жуда катта рағбатлантириш бўлиб, ўз кучлари ва имкониятларини кўрсатувчи восита сифатида, иродаси ва характерини чиниктириш учун хизмат қилади. Бизга маълумки, мусобақалар машқ жараёнинг натижаси бўлиб, спортчининг иродасини тарбиялайди, спорт курашларига ўргатади, машқлар жараёнини назорат қилади.

**Спорт мусобақалари** - бу инсон муносабатларининг ўзига хос модели ҳисобланади. Бу эса беллашувларда, мағлубиятларда, доимий ғалабага эришишда, юқори натижаларни қўлга киритишда, обрў-эътиборда ва материал таъминланиш мақсадлариди кўринади.

**Спорт беллашувларининг турлари** - йирик турдаги расмий беллашувлар тайёргарликнинг узоқ босқичини эгаллайди ва спортчилар ва жамоаларнинг тайёргарлик тизими баҳолайди. Бу беллашувлар спортчиларнинг жиддий мусобақаларда қатнашиш учун ва ҳар томонлама тайёргарлигини кўрсатишда эфектли восита бўлиб, спортчиларни танлаш вазифасини ечиб беради.

**Тайёрлов беллашувлари** - Спортчининг мусобақа фаолиятида янги техника ва тактикани такомиллаштириши, организмни ҳар-хил функционал тизимдаги мусобақа юкламаларига кўниши беллашувнинг асосий вазифаси ҳисобланади. бу билан спортчининг шуғулланиш даражаси ортади ва янги мусобақа тажрибаларини эгаллайди.

**Назорат беллашувлари** - Назорат беллашувларида спортчининг тайёргарлик даражасини баҳоланади. Бунда спортчининг эгаллаган техник, тактик, ҳаракат сифатларини ривожланиш даражаси, мусобақа юкламаларига руҳий тайёргарлиги текширилади. Мусобақа назорати натижалари тайёрлов жараёнинг тузилишини тўғрилайди.

**Етакловчи (моделли) беллашувлар** - Бу беллашувларнинг асосий вазифаси спортчини макроциклда, бир йилда, тўрт йилликдаги асосий мусобақаларга олиб келишдир. Етакловчи беллашувлар спортчи тайёргарлиги тизимида маҳсус уюштирилиб, расмий мавсумий мусобақаларга олиб келади. Улар асосий беллашувларни қисман ва тўлиқ моделлаштиради.

**Саралаш беллашувлар** - Саралаш мусобақалари спортчиларни терма командалар учун ва олий мартабага етакловчи мусобақаларда қатнашувчиларини саралайди.

**Асосий беллашувлар** - Асосий беллашувларда, спортчи босқичларидаги такомиллаштиришда олий натижалар эришган бўлиш керак.

**Тайёрлов тизимидағи беллашувлар** - Спортчиларнинг тайёргарлик тизимидағи мусобақалар тайёрланиш даражасини назорат қилувчи восита

бўлиб қолмасдан балки, спорт маҳоратини ва шуғулланишни оширишда мухим восита бўлиб қолади.

**Стратегия** – сўзи кенг маънода қўлланилганда, амалиёт фаолиятидаги олий даражадаги билимларни мақсадлар йўналишини маълум қонунлар асосида реализация қилиш, алоҳида областларда харакатга киритишdir, шунингдек маълум бир вазифаларни воситалар, йўллар, усуллар орқали ечиш тушунилади.

**Тактика** - сўзининг маъносида назария, амалиётни тузишда ва маҳсус фаолиятни ўтказишида, принципларга асосланган аниқ тўқнашув ҳолатларида, схема ва қонун қоидалар хулқ- авторида, алоҳида қоидалардан чиқсан ҳолда шаклланишдаги мақсадларга эришишdir. Умумий қилиб айтганда, тактика стратегияга бўйсунади.

**Мусобақа фаолиятининг тактикаси деганда** - тактик ҳодисаларда техник усулларни қўллаш, беллашув вазифаларини ечиш учун мусобақа қоидаларида тайёргарликнинг ижобий ва салбий характерларини ва мухит ҳолатини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтириш услуби деб тушунилади.

**Алгоритмли тактика** - аввалдан режалаштирилиб ва амалга ошириши керак бўлган ҳодиса. Кураш давомида спортчи доимо рақибиغا нисбатан беллашувда ҳаракатчан бўлиши керак. Бундай ҳолатларда спортчи ҳаракатни олдинроқ режалаштириб, техник-тактикани аниқлаб, тез ҳаракат қиласди.

**Эвристикали тактика** - спортчининг яккақурашда пайдо бўлган ҳолатга боғлиқ таъсирида қурилади. Баъзан мусобақаларда мураккаб ҳодисалар кутилмагандан пайдо бўладики, спортчи бунга тайёр бўлмай қолади.

**Спортчининг ритми** - бу ҳаракати интергал параметрлари сифатида кўрилади ва спортчининг спорт-техника маҳорати даражасини характерлайди.

**Эндоген гангитувчи омиллар** - хаяжонланиш, гипоксия, чарчаш ва жароҳат олиш ҳисобланади.

**Экзоген омиллар** - мусобақа шароитининг таъсири, ишқибозларнинг ўзини тутиши, беллашув курашига зўр бериш ҳисобланади.

**Мақсад** - модел бўлиб, спортчининг беллашув фаолиятида натижага эришиш учун ҳаракати.

**Восита** – спортчининг олдига қўйилган мақсадларига эришишдаги усуллари ва ҳаракатлари.

**Натижа** – беллашув фаолиятидаги аниқ спорт турида эришилган ютуқлар.

**Амалга ошириш компонентлари эса** - старт техникаси ва югуриши, ҳаракатнинг амплитудаси ва частотаси, бурилишлардаги югуришнинг эфектлилиги, финишни енгиб ўтишдаги чарчоқни руҳий енгиш ҳисобланади.

**Спортга яроқлиликни аниқлаш** – кўп босқичли, кўп йиллик жараён, у спорт тайёргарлигининг барча босқичларини ўз ичига қамраб олади. У, маълум спорт турида муваффақиятли такомил-лашишини таъминлаш учун,

спорчанинг қобилиятини ҳар томонлама ўрганиш, ушбу қобилиятларни шаклланиши учун зарур замин яратишга асосланган. Унинг кўпгина назарий ва услугий жиҳатлари етарли даражада очиб берилган.

**Спорт қобилияти** – бу кўп жиҳатдан, турғунлик ва консервативлик билан ажralиб турадиган наслий белгиларга боғлиқ. Шунинг учун, спорт имкониятларини истиқболини кўришда, аввало, келажак спорт фаолиятида муваффақиятларни шартлайдиган, кам ўзгарадиган белгиларга эътибор бериш керак.

**Саломатлик ҳолати - мазкур мезон кўп йиллик тайёрловнинг барча босқичларида қўлланилади;** тиббий кўрикларнинг асосий вазифаси танланган спорт тури билан шуғулланишга тўсқинлик қиласидиган белгиларни аниқлаш;

**Спортчи организми аъзоларининг ва тизимининг ҳолати - мазкур мезон кўп йиллик тайёрловнинг барча босқичларида қўлланилади,** айниқса спорт билан шуғулланишни давом эттиришга яроқлиликни аниқлаш чоғида;

**Морфофункционал қўрсаткичлар мажмуаси сифатидаги жисмоний ривожланиш - мазкур мезон спортга яроқлиликни аниқлашнинг биринчи ва иккинчи босқичларида қўлланилади.**

**Моделлаштириш усули** - илмий назарий тушунча каби шаклларни тиклашнинг ёки жисмларнинг баъзи хоссаларини ва ходисаларни ўрганишни ёки такрорлашни ўз ичига олади. Бу – объектларнинг (жараёнларнинг) хусусиятларини, уларнинг модели бўлган бошқа объектлар ёрдамида тадқиқ қилишдир.

**Модел** – бу шунда акс этадики, ҳамма мақсадларни амалга ошириш учун, охирги натижа тассаввур қилинади, яъни мақсад ходисаси.